

Азиз ҚАЙУМОВ



НАВОИЙГА  
ТА...



CH0000036378

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

*Азиз ҚАЮМОВ*



# НАВОИЙГА ТАЪЪЗИМ

## **Азиз Қаюмов**

Навойга таъзим/ - Тошкент 2021 й. 224 бет.

Алишер Навоийнинг айрим ғазалларига мухаммаслар ва юз ғазалдан иборат бу тўплам адабиётшунос олим, академик Азиз Қаюмов (Азизий) қаламига мансуб. Мухаммасларни Навоийнинг буюк даҳосига хурмат изҳори, унинг нурли хотирасига таъзим рамзи деб баҳолаш мумкин. Ғазалларнинг лирик қаҳрамони севги, вафодорлик, эзгулик ва ишқ идеалларига садоқатини куйлайди, тавсиф этади. Ғазалларда ана шу идеалларнинг инсон ва жамият камолига хизмат қилажаги шоирона ифодаларда баён этилган. Умидвормизки, тўпламдаги шеърлар ўқувчилар қалбининг нозик торларига унсдош булар.

**Масъул муҳаррир:**  
**Зоҳиджон Исломов**

**Нашрга тайёрловчилар:**  
**Маъмура Рашидова, Фотима Икромова**

**Нашр муҳаррири:**  
**Озодбек Алимов**

Nizomiy nomli

T D P

kutubxonasi

931146

*Азиз Қаюмов таваллудининг  
95 йиллигига бағишланади.*

## **ИЛМ ВА ИЖОД ҲАМОҲАНГЛИГИ**

Эл орасида XX-XXI аср Навоийси деб шуҳрат қозонган Азиз Қаюмов ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтган олимдир.

Азиз Қаюмов бир умрлик ҳаётини Навоий ижодини ўрганишга бағишлади. Ундан ибрат олиб, устозларини улуғлади. Навоий усто-зи Жомийни қанчалар юксакларга кўтариб эътироф этган бўлса, у ҳам оталари Пулотжон домла Қайюмов, илк мактаб давридаёқ Навоийдан дарс берган Пулот Қайюм, Ҳамзахон Аббосов, шеърятдан сабоқ берган шоир Чархий, илм сари етаклаб ҳамиша қўллаб-қувватлаган академиклар Воҳид Зоҳидов, Убайдулла Каримов, Ойбек, Ғафур Ғулом каби устозларни ҳамда ҳаёт йўлларини ёритиб келажак сари олға боришда беминнат ёрдам берган Усмон Юсуповларни ҳамиша мамнуният билан ёд этдилар. Уларга бўлган ҳурматлари ифодаси сифатида олим ўнлаб хотира китобларини ёздилар. Пулотжон домулла Қайюмовнинг уч китобдан иборат “Тазкирани Қайюмий”, “Хуқанд тарихи ва унинг адабиёти” номли китобларини, “Фурқат” девони ва “Ўзбекистон академиклари” хотирасига бағишланган асарларни нашр этдилар.

Академик Азиз Қаюмов илм ва ижод ҳамоҳанглигини намоён этган серқирра ижодкордир. Илмий ишлар қаторида бевосита бадиий адабий ижод билан ҳам шуғулланганлар. Хусусан, ёшлик даврларидан шеърятга ихлослари баланд бўлиб, бир қатор шеърлар ёзганлар. Ўша вақтдаги мамлакат раҳбари Усмон Юсуповнинг назарига ҳам ана шу шеърый ижодлари орқали тушганлар. Навоийга бўлган буюк ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида ғазалларига жуда қўб муҳаммас боғлаб, уларда Азизий таҳаллусини қўллаганлар.

Навоий шеърятининг мухлиси бўлган Азизий ўзининг “Навоийга таъзим” деб номланувчи икки китобини нашр этди. Тўпلام Азизийнинг Навоий ғазалларига боғланган муҳаммасларидан таркиб топган. Китобнинг биринчиси “Абдулла Қодирий номли ҳалқ мероси” нашриётида 2002 йили босмадан чиққан. Иккинчиси эса 2007 йил Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида чоп



этилган. Бу назм мажмуаси тезда ўз ўқувчиларини топди. Бухоролик олимларимиз ф.ф.д, профессор Р.Воҳидов ҳамда ф.ф.н.доцент Ю.Азимовлар томонидан “Бухоро оқшоми” газетаси саҳифаларида (2003 йил 22 февраль № 8-сон) “Улуғ садоқатнинг янги қирраси” мақоласи эълон қилинди. Унда Азизийнинг “Навоийга таъзим” тўпламидаги мухаммасларига юқори баҳо берилган. Асрор Самад томонидан 2016 йил “Адабиёт учқунлари” нашриётида чоп этилган китобнинг яна бир нусхаси мухаммаслар билан бир қаторда Азизий қаламига мансуб юздан ортиқ ғазалларни қамраб олганлиги билан муҳим.

Биз Азизий мухаммасларида Алишер Навоий ғазалининг ғоявий мазмуни, мусикий оҳангдорлик, қофия, бадийлик, ҳамма ҳаммаси муносиб тарзда давом этганлигини кўрамиз.

Бадий диди баланд бўлган Азизий Навоийнинг *“Ашрақат мин акси шамсил каъс анворул ҳудо”* мисраи билан бошланадиган ғазалига боғлаган мухаммаснинг биринчи банди қуйидагича баён қилинган:

- Азизий:** *Ассалом аҳлан ва саҳлан асдиқоу ақрабо  
Барча шокирлар, вафолилар, ҳама аҳли ризо.  
Назҳабу нахну тариқи. Аллазий, банно лино*
- Навоий:** *Ашрақат мин акси шамсил каъс анворул ҳудо  
Ёр аксин майда кўр деб жомдин чиқди садо.*

Мухаммас аҳли ризо, шокирлар, вафолиларга салом бериш, уларнинг аҳволини хурмат ила сўраш билан бошланган. Уни ўқиган ўқувчи Азизийнинг яқинларига бўлган чексиз эҳтиромли муносабатларини қадрлайди. Шунингдек, Навоий ғазалининг услуби, мантиқан боғланишини муносиб тарзда давом этганлигини кузатади.

Навбатдаги мухаммасларда ҳам Азизий мисраларида қалбга хуш ёқувчи мусикий оҳанг, муҳаббат ва севги ҳарорати бор. Шунингдек, унинг ёзганларида Навоий сатрларининг ўйноқи, равон оҳанги ва руҳи сақланади. Навоийнинг лирик қаҳрамони юзи гул, сочи сунбул, қадди шамшод ёрнинг ишқида, унинг ҳажрида булбул каби нолаю фарёд қилади.

Азизий лирик қаҳрамонининг кўнгил чамани ёр марҳаматидан обод. Жон булбули унинг чехрасини мадҳ этишдан шодланади. У ёрнинг мастона нигоҳидаги секинч ёди билан яшайди.



**Азизий:** *Кўнглим чамани марҳаматинг нуридин обод,  
Жон булбули чеҳранг гулининг мадҳин этар шод.  
Мастона нигоҳингни севинчига тўла ёд.*

**Навоий:** *Эй орази насрин, сочи сунбул, қади шамшод,  
Булбул каби ҳажрингда ишим нолау фарёд.*

Мухаммас ёрнинг қадрини баланд тутиш, керак бўлса унинг оёғига бош эгиш, Навоий каби девоналиғ этса ҳам айб эмаслиги, ҳар кимнинг паризоди, баркамол ёри бўлиши кераклиги тўғрисидаги гўзал банд билан яқунланади.

**Азизий:** *Ул ошиқ эмас қилса ҳаёл васлига етса  
Ёки етаолмай бошини олсада кетса.  
Ошиқдир Азиз ёр аёғига бош эгса*

**Навоий:** *Не айб Навоий каби девоналиғ этса  
Ҳар одамеким, бўлса анинг ёри паризод.*

Хуллас, Азизийнинг “Навоийга таъзим” тўплами унинг ўзи айтганидек “Навоийнинг буюк даҳосига ҳурмат изҳори, унинг хотирасига таъзим рамзи” сифатида ёзилган.

**Азизий:** *Қалб қўри эрди не-не ошинолар, кетдиким,  
Дил уйин ёлғизлиғидин ваҳм тўри тутдиким.  
Бошда оқ гул, кўзда ойнак интиҳони кутдиким.*

**Навоий:** *Демагил бўлдинг қарлю, ишқ даври ўтдиким,  
То тирикдурмен менга ишқу муҳаббат чоғидур...*

Мухаммасда Азизий учун қадрли юрагидан жой олган инсонлар аллақачон ҳаётдан ўтиб кетганлиги таъкидланмоқда. Шундан унинг қалби бўшаб, хувиллаб қолган. Ўзининг ҳам бошига аллақачон оқ гуллар кўнган, кўзидаги кўзойнак ҳам интиҳо яқинлигидан дарак бермоқда. Юқоридаги фикрлар ҳаёлидан ўтган Азизийга Навоий тасалли бермоқда, қалбида ҳаётга бўлган муҳаббатни орттирмоқда. Навоийнинг ҳаётга ишқу муҳаббат билан қараш лозимлиги тўғрисидаги мисралари Азизийнинг тушкун кайфиятини кўтармоқда.

Шеърятга ошно бўлган китобхон уни ўқир экан, Азизий мухаммаслари Навоий ғазаллари билан узвий боғланиб кетгани, уларни айро тасаввур этиш мумкин эмаслигини ҳис этади.



Тўпладан Азизийнинг юз ғазали ҳам ўрин олган. Маълумки, шеърят бобида шоир Чархийдан таҳсил олган Азизий 14-15 ёшлардан бошлаб ғазаллар ёзган. Ғазаллар мазмун жиҳатидан ранг-баранг. Китобда ижодкорнинг турли йилларда ёзган ғазаллари ўрин олган. Масалан, “Хаёлинг тунлари тинмай бу ошиқ жон билан ўйнар” (1944), “Тополмасман кўзимга тўтиёлиққа ғуборингни” (1943), “Боғлар жамолига бериб файзу сафо хуш келдингиз” (2005). Лирик қаҳрамоннинг ёрга бўлган муҳаббати, унинг ишқий изтироблари, кечинмаларини кузатган ўқувчи шоирнинг бу шеърларни қачон ёзганлигини, улар орасида вақт аталмиш фарқнинг борлигини ҳам ҳис этмайди.

Масалан:

*Азизий ишқ боғида тилаб булбулнаволикни  
Юзи гулгун очилган ғунчаи хандон билан ўйнар.*  
(1944й.)

Ёки:

*Анга тобеъ эрурман ҳам бу тобеъликда мағрурмен  
Суюкли маҳвашим севги диёрида Азиз хондир*  
(2002й.)

Биз ўзига Навоийни устоз деб билган Азизийнинг ёзган мухаммас ва ғазаллари ўқувчи қалбидан чуқур жой олиб, асрлар оша яшашига ишонамиз.

**Маъмура РАШИДОВА,  
Филология фанлари номзоди,**

**Фотима ИКРОМОВА**

**Муҳтарам китобхон!**

Шеър, адабиёт ҳар кимнинг кўнглига яқин. Ушбу китобчанинг муаллифи кўп минглаб Навоий шеърятининг мухлисларидан биридир. Бир умр улуғ даҳонинг ўлмас асарларини ўқиб ўрганган ҳар қандай тирик зот бу гўзал ижод таъсирида илҳом топтоғи табиий.

Шу йўсунда ушбу кичик тўпламга кирган мухаммаслар пайдо бўлган.

*Сўзингники, яхши кўрарсен ўзинг  
Кўринмас ёмон, чун ўз сўзинг.*

*(Навоий)*

Демак, ҳар бир шеър ёзган киши ўз машқларини ўзига яқин тади. Лекин бу ҳар бир ўқувчи ҳам уларга шундай ёндошмоғи керак деган гап эмас, албатта.

Аммо яхшими, ёмонми ижод самаралари бир четда қолиб кетмасин, бирор кишига оз бўлсада баҳра етказар деган мақсадда ушбу тўплам тузилди.

Ким уни қабул этса минг-минг ташаккур. Кимки бефарқ бўлса, унинг ихтиёри, ҳаммалари ҳам омон бўлсинлар.

Ушбу мухаммасларни Навоийнинг буюк даҳосига ҳурмат изҳори, унинг нурли хотирасига таъзим рамзи деб қарашни сўрар эдим.

**Азиз Қаюмов**

## МУХАММАСЛАР

Гул узорингни кўриб булбул наво бўлдим сенга  
Дарди ишқинг утидин мажнуннамо бўлдим сенга  
Қай куни этдингни, тарки сайр адо бўлдим сенга  
Кўргали хуснингни зору мубтало бўлдим сенга  
Не балоллиғ кун эдиким, ошно бўлдим сенга.

Дилларим бемор бўлди ҳажр аро, эй сарвгул  
Ҳаддин ошган фирқатинг жаврига топмай ҳеч йўл  
Кўз ёшимни жоласига тўлдириб дарёу қўл  
Ҳар неча дедимки. Кун-кундин узай сендин кўнгул  
Лек кун-кундин батарроқ мубтало бўлдим сенга.

Демадим ҳар дам жафо этгил, менга зулм айладинг  
Айтсам тарки бало этгил, менга зулм айладинг.  
Ишқ дардига шифо этгил, менга зулм айладинг  
Мен қачон дедим вафо этгил менга зулм айладинг  
Сен қачон дединг фидо бўлғил, фидо бўлдим сенга.

Ёшлиқдин ишқ дарси бирла олдим тарбият  
Доим қимматбаҳо бу севгидин кўнглимда хат  
Гоҳ жунун даштида телбаман йўқотибон сўхат  
Қай пари пайкарга дерсен телба бўлдинг бу сифат  
Эй пари пайкар на қилсанг қил менга, бўлдим сенга.

Авалло ул моҳи талғат ишқида бечора бўл  
Дардни пинҳон асрабон ҳар бир балога чора бўл  
Эмди не этсангни, бўлғил хоҳ соғу ёра бўл  
Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдим сенга.

Қоҳишим оламга сиғмас томчиси ушбу калом  
Доимо такрори тилда ошиқ этган тоза ном  
Васлини топмай дедимки, мастликдир айни ком  
Жому жам бирла Хизр суйи насибимдур мудом  
Соқийё, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдим сенга.



Мен Азизий ёр васлин доим этдим муддао  
Лек ҳар бедил каби бир касбим ўлмиш илтижо  
Бу алам тўзонида ишқ аҳли истаркан вафо  
Ғусса чангидин Навоий топмадим ушшоқ аро  
То Навоийдек асиру бенаво бўлдим сенга.

1942 йил. Қўқон.

Тун бўйи тентиб нигорим эшигин утрусида  
Боғладим жон ипларин икки қаро ғисусида  
Толеъим акси кўринмиш кеча қоранғусида  
Кеча эл осудадуру, кўнглим бирав қайғусида  
Ўлки мен қайғусида осуда ноз уйқусида.

Қайсу Фарҳод касбдошим тенгимиз Тоҳирдурур  
Лек бизга чархи баттол золими коҳирдурур  
Кўрингиз, қатл этгали даврон ажаб соҳирдурур  
Ўлтуруб тун. Субҳ тиргузмак мени зоҳирдурур  
Шомнинг гирёнлиғию субҳнинг кўзгусида.

Боғлабон кўнгил умид ила фақат топдим малол  
Ҳажр тиғидин жигар мажруғлиғидир бемисол  
Айрилиқ шомида мажнунвор этармен қийлу қол  
Оҳким, бу шоми ҳижронимға йўқ субҳи висол  
Гарчи йўқ шомики, йўқ субҳи анинг утрусида.

Кўргузиб девоналиғ ишқим сиридин тонмадим  
Қайтмадим бу йўлдин асло қанча куйдим, ёнмадим  
Ҳажрида бедор ўлиб уммид эшигин ёнмадим  
Уйқуда ором йўқ тун-кунки, аксин топмадим  
Тун қамар миръотида, кундуз қуёш кўзгусида.

Оқ ёқанг оқ гул, лабинг ғунча ёноғинг лолазор  
Сарв қаддингинг хиромидин кўнгилда йўқ қарор  
Бир қиё ташлаб назар ўтганда, эй нозли нигор,  
Меҳр ёғдусида зарра бўлмагандек ошкор  
Ўз туман, минг меҳр пинҳондур юзинг ёғдусида.



Ўтган умримнинг заволи тўлдириб дилга алам  
 Бўлдим орзуйим гули йиллар хазонида адам  
 Йиғласам панд айлагай муршиди устоз муҳтарам:  
 Кимса чун ўтганга етмас, ҳолни тут муғтанам  
 Умрни ўткарма ўтган ҳайф ила афсусида.

Севги аҳлин мискини эрмиш Азизий бегумон  
 Айрилиқ занжирбанди бўлди васл истар замон.  
 Истамас ошиқ дили дилбарни қайдидин омон  
 Наъл кесмайдур Навоий қуллиғидиндур нишон  
 Ишқ айнидур аломат ёрнинг белгусида.

22 ноябрь 1997 й. Тошкент.

Умр ичи эзилиб бемадор йиғларман  
 Алам сканжасида зор-зор йиғларман  
 Кун бўйи ёшурун неча бор йиғларман  
 Ғамингда ҳар кеча, эй гул узор, йиғларман  
 Саҳарға тегру чекиб интизор йиғларман.

Менинг бу телбалигим умрима бўлиб ҳамдам  
 Висол чироғини бир он билмди қаро қулбам  
 Хирад уйини хароб айлагач ҳужуми ғам  
 Куларлар эл менга беихтиёрким ҳар дам  
 Эшитсам отини беихтиёр йиғларман.

Нигор бағишламади ҳеч лутф совғасидин  
 Тўлибди дил қулоғи эл ситезу таънасидин  
 Қутилмадим сира тақдир алайҳи аллағнасидин  
 Мунголди кўнглим аниңгдекки ҳал нағмасидин  
 Ки элга қулғу этар ошкор йиғларман.

Чидам тоғини яратди азобиға кўнглим  
 Вале тополмади тоқат итобиға кўнглим  
 Кулар спехри даний изтиробиға кўнглим  
 Вале ўзимда кўриб изтирор йиғларман.



Кечурди неча замон аҳли дард кунин мундоқ  
Фиғону навҳани афлок кўрмади чунин мундоқ  
Азизий махфий тутар гириялар унин мундоқ  
Навоий ашким оқизғай ғамим тунин мундоқ  
Ки чархдек кеча тутмай қарор йиғларман.

**Февраль 1971 й. Тошкент.**

Кетиб эрди нигорим қаҳр бирла ижтиноб айлаб  
Қолиб мен термулиб кўз ёшларим мавжи хубоб айлаб  
Ётардим ноумидлик кунжида ўзни туроб айлаб  
Тун оқшом келди кулбам сори ул гулруҳ шитоб айлаб  
Хироми суръатидин юз уза тердин гулоб айлаб.

Қоранғу элга гўё шуъла сочиди хуршиди ховар  
Муборақ пойини вайронаға етказди ободгар  
Масихосо дамини урса ҳамки лаълийи ахмар  
Қилиб мужгонни шабрўлар киби жон қасдига ханжар  
Белиға зулфи анбарборидин мушкин таноб айлаб.

Фироқи даштида эрдим аламлар тобида сўзан  
Вужудим ғам тиғининг зарбидин равзан уза равзан  
Баногоҳ марҳамат нури маконимни қилиб гулшан  
Қуёшдек чеҳра бирла тийра кулбам айлабон равшан  
Менга титратма тушди зарра янглиғ изтироб айлаб.

Ҳаётсиз жисмима доруйи васли бирла жон кирди  
Қуруқшаб қақшаган томир ариғи ичра сув юрди  
Ишим атрофида гир айланув, парвоналиғ эрди  
Кулиб ўлтирдию илким тутиб ёнида ер берди  
Такаллум айлади ҳар лафзидин дурри хушоб айлаб.

Савол этди: “Сомондек заъфарон, кулдек учукдирсен?  
Яна шум айрилиқ бандига тушмакдин чўчукдирсен?  
Вафодин беумиду сидқда жондин кечукдирсен?  
Ки эй, зору болокаш, ошиқим менсиз нечукдирсен?  
Мен ўлдим лол сўз айтолмайин майли жавоб айлаб.



Хатамосо нигорим марҳамат албосини кийди  
 Очиб хони карамларни зиёфат лутфидин уйди  
 Тутиб шафқат низомин ошиқин қадр авжига қўйди  
 Чиқарди шишаи май, доғи бир соғар тўла қўйди  
 Ичиб, тутти менга юз навъ нозосо итоб айлаб.

Жафолар селида помол эдимчу қайтмадим туздин  
 Ҳадигим йўқ эди ҳеч бир насиби шўр ангездин  
 Вале топқоч, намо ушбу каломи шаккар омездин  
 Ичиб фарёд ила туштим оёғиға кетиб ўздин  
 Мени йўқ бодаким, лутфи анинг масту хароб айлаб.

Эмас толеъ жилоси парлаган, қўк афсуни шундоқ  
 Ёруғ субҳи муваққтдир, қарорғон кечаси мутлоқ  
 Азизийнинг сароби мақсади ўчди етишган чоқ  
 Аниким, элтгай ноз уйқуси ишрат туни мундоқ  
 Навоийдек ётар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.

**18-20 июль 1986 й. Тошкент.**

Телбау шайдоға дунё тор бўлғайму эди  
 Ишқ ўтида қуймаса бемор бўлғайму эди  
 Ҳажр жабрин чекмаган дил хор бўлғайму эди  
 Бўлмасам ошиқ фиғоним зор бўлғайму эди  
 Қуймасам пинҳон ичим афгор бўлғайму эди.

Кундузи орзуи васлингдин бўлакни билмасам  
 Тунлари ёдингни улфатлигидин айрилмасам  
 Мисли парвоза чароғи ҳуснингга интилмасам  
 Зулфинга вобастау қўзингга вола бўлмасам  
 Жон паришону қўнгул бемор бўлғайму эди.

Ишқ ўтини қилмаганда бағрида пайдо қўнгул  
 Сарви қаддинг ишқин ўзга этмаганда жо қўнгул  
 Хомау мужгонига бўлганда бепарво қўнгул  
 Бўлмаса кофир қўзинг ошифтаси шайдо қўнгул  
 Жон паришону қўнгул бемор бўлғайму эди.



Ранжга тўлган эканку ишқ номли бу чаман  
Куйдирар эркан қизил чўғдан батар дурри адан  
Ким, Азизий бўлганида ошиқи ширин сухан  
Эй Навоий, қилсанг эрди офият кунжин ватан  
Мунча мунглиғ жонинга озор бўлғайму эди.

1943 й. Қўқон.

Қалби хумморимга доим чашми мастондир даво  
Неки чашми, кўз аро юз лутфи пинҳондир даво  
Ишқ дардимга лаби жонбахши ҳар ондир даво  
Дарди ҳажримга ул икки лаъли хандондир даво  
Ким, Исо улар Исо дамию обиҳайвондир даво.

Унмагай гуллар чаманда бермаса боғбон сувин  
Яшнамас гул ғунчаси тарк этса гар бўстон сувин  
Эй кўнгул, охтарма ортиқ жисминга дармон сувин  
Не даво Исо дами фаҳм айла, не ҳайвон сувин  
Ҳажр жонин олған элга васли жонондир даво.

Зулфи мушкин гар етурса кўнглима бўйи насим  
Дард ўтидин ортадир бу жонима юз хавфу бийм  
Найлагайсен кўрсатиб минг неъмату нозу наим  
Ишқ аро заъфим давоси шарбат эрмас эй ҳаким  
Шарбати васл этмайин ҳосил на имкондир даво.

Ул тамошога парирухсор мушкил деб эмиш  
Малҳами васл истамак бисёр мушкил деб эсиш  
Бир тараҳҳум қилмайин тақрор мушкиш деб эмиш  
Ҳажр аро дардим давосин ёр мушкил деб эмиш  
Раҳм агар қилса анинг олдида осондир даво.

Неча ҳолатга тушар жон ёр исмин этса ёд  
Гаҳ ҳаёли бирла беҳол, гоҳ фикри бирла шод  
Эй табиб, ҳолим шифосин этмагил ҳаргиз мурод  
Дарддин ғамгин кўнгулга хона қилмиш юз савод  
Эй қаро кўз, дафъига бир ниши мужгондир даво.



Қўнгли мажруҳимни тарки илтижосин истасанг  
 Васл айёмин, Азизий, ибтидосин истасанг  
 Телба аҳволимни чиндан интиҳосин истасанг  
 Ёр менинг ошиқлиғим дарди давосин истасанг  
 Эй Навоий, бу маразға қўнглим олғондир даво.

25 декабр 1944 й. Тошкент.

Э воҳ, нақадар ғунчаи қомат етилибдур  
 Сарви танидан нозу назокат етилибдур  
 Лаъли лабидан нури фасоҳат етилибдур  
 Ҳурики, менинг жонима офат етилибдур  
 Туби киби қад бирла саломат етилибдур.

Ўхшайди жамоли тун аро ойдаги нурга  
 Келтирди хаёли ҳама қўнғилни сурурга  
 Қалб ичра турар лаъл зилолин томизурга  
 Ушшоқ қўзидин дуру гавҳар оқизурга  
 Бир баҳри жафо кони малоҳат етилибдур.

Ишқ оламида шамъига парвона бўлибмен  
 Васлига этиш фурсати бегона бўлибмен  
 Севгинг ўтидан ҳаммага афсона бўлибмен  
 Лаълинг майиким, сўргали девона бўлибмен  
 Ширин кўринур, лек бағоят етилибдур.

Ошиқ дилига ишқида қон тўлса не тонгким,  
 Саргашта қуюн янглиғ у соврулса не тонгким  
 Гоҳ лутфини ёд айласая қулса не тонгким,  
 Юз заррача саргашталигим бўлса не тонгким  
 Юз меҳрдин ул шўх зиёдат етилибдур.

Зулфингни мижам бирла тараб шоҳики, экдим  
 Ҳам боғи ниҳолинг саралаб шоҳики, экдим  
 Ул қоши ҳилолингга қараб шоҳики, экдим  
 Ишқинг чаманида не тараб шоҳики, экдим  
 Ҳар бириси бир нахли надомат етилибдур.

Дилбарга етиш йўлини фикр айла, Навоий  
Бу ком ила мақсадлара зикр айла, Навоий  
Жононни Азиз тутгилу меҳр айла, Навоий  
Ҳижрон ғамидин ваҳм эту шукр айла, Навоий  
Бу лаҳзаки, васлига саломат етилибдур.

1942 й. Қўқон.

Дард ила вужуд адо бўлубтур  
Жонимға туман жафо бўлубтур  
Кифрик ўқидин яро бўлубтур  
Кўзинг не бало қаро бўлубтур  
Ким жонга қаро бало бўлубтур.

Ҳижрон алами юракни тилди  
Жарроҳ шифосини на билди  
На истади, на назарга илди  
Мажмуъи давони дард қилди  
Дардингки, манга даво бўлубтур.

Тун-кеча йўлида кўз нигорон  
Дил булбули шавқи бирла нолон  
Савдосида хонумони қурбон  
Ишқ ичра анинг фидоси юз жон  
Ҳар жонки, санга фидо бўлубтур.

Безор бўлибди мубталодин  
Ғам дардига мубтало ғадодин  
Нафратла кечиб бу бенаводин  
Бегона бўлибди ошнодин  
Бегонага ошно бўлубтур.

Ундирди чаман, тўкилди қоним  
Васлинг ҳавасида ўтди оним  
Садқанг ўла жисми нотавоним  
То қилди юзинг ҳавоси жоним  
Юз сори анга ҳаво бўлубтур.



Мақсадни умид этувчи жоний  
Гар даҳрда ҳар тирик фиғоний  
Борми бу жаҳонда комроне  
Боқий топар улки бўлса фоний  
Раҳравга бақо фано бўлубтур.

Куйдирди Азизийга ғояти ишқ  
Ўтлуғ алам эрмиш одати ишқ  
Мажмуъи ҳаёт бидояти ишқ  
То тузди Навоий ояти ишқ  
Ишқ аҳли аро наво бўлубтур.

12 январь 1997 й. Тошкент.

Нигоҳингни нури тушардир манга  
Нажотимга боис асардир манга  
Тирикликка сўзинг хабардир манга  
Лабинг сори токим назардир манга  
Ёш ўрнига хуни жигардир манга.

Фироқ ичра ўтлуғ азобимни кўр  
Бу чексиз жафоларда ҳолимни сўр  
Десам, не тилар эрсанг они буюр  
Дема, мендин айрил, доғи умр сур  
Ки ул умр ўлимдин батардир манга.

Недур ишқ билмайдилар сенча халқ  
Аламсиз, дардсиз эрур шунча халқ  
Қариганда севсам кўриб қанча халқ  
Қилур айб ошиқлиғим барча халқ  
Улус айби, ваҳки хунардир манга.

Асир айлаган ақлими оҳу кўз  
Боқиб лутф бирла бу кўзларни суз  
Менинг тоқатимдин умидингни уз  
Табибо, яна сабрдин дема сўз  
Ки бу шарбатингдин зарардир манга.



Ўтиб неча муддат кўринмас ўзи  
Етишмас димоғимга шаҳди сўзи  
Солиб сени ҳайратга ранги бўзи  
Дема майни тарк этки, соқий юзи  
Бу кўзгу аро жилвагардир манга.

Не фурсатлар ўтди келиб ёнима  
Даво қилмадинг бағри бирёнима  
Қадалсада ўқлар ботиб қонима  
Чучукдир қамиш ўқларинг жонима  
Бу най ичра гўё шакардир манга.

Берилганман ишқ ўтига бусбутун  
Вафога уланган бу қаттиқ тугун  
Азизий, азобим фақат шу учун  
Навоий ул ой ҳажрида туну кун  
Қаттиқ шому тийра саҳардир манга.

**19 март 2001 й. Тошкент.**

Ўзни ошкор айлаб эл кўнглини сўзон айлама  
Ғуж ўлан шайдоларингни ғарқи тўфон айлама  
Юз ўғирма бошқаларга, лағли хандон айлама  
Ёраб, ул юзни даме кўзимга пинҳон айлама  
Ё кўзимни андин ўзга юзга ҳайрон айлама.

Булбули жоним фақат куйлар ўшал гулчеҳрани  
Гоҳ паришонлик била беркитса сунбул чеҳрани  
Кўзима дунё қоранғу излабон шул чеҳрани  
Кўзларим уйидин ўзга уйга меҳмон айлама.

Гулшани рухсори очилса кўзимга гоҳ-гоҳ  
Телбараб помол ўлурмен тушса мастона нигоҳ  
Тўсмасин асло булут чиққачда осмонимда моҳ  
Очмайин зулфин паришон кўнглума чектурма оҳ  
Етмайин оҳим ели зулфин паришон айлама.

Nizomiy nomli

T D P U

kutubxonasi



Ҳусни шамъи гирдида парвонадек ёзсам қанот  
 Розимен ёнсам, шарарли тиғини отса мамот  
 Қолмади шавқи висоли иштиёқида сабот  
 Жонима лаълидин ўзга лаълдин берма ҳаёт  
 Лаълига жонимдин ўзга жонни қурбон айлама.

Васл гулбоғи ирамдир, ёр даргоҳи чаман  
 Бу чаман бўйида кезмоқ орзуи жону тан  
 Йўлининг тупроғига чулғанганича дер бадан:  
 Бошима куйидин ўзга куйни қилма ватан  
 Қуйида бошимдин ўзга бошни ғилтон айлама.

Ҳар неча озор хори этга санчилса унут  
 Даҳр агарчи зулмпеша сабр ила ўзинг овут  
 Сидку уммид ила эзгулик гулидин баҳра кут  
 Эй кўнгул, давр аҳлидин минг йилчалик йўл гуша тут  
 Ё алардин етса юз минг ғусса афғон айлама.

Меҳр ила бошим силарға етмади асло қўли  
 Ошиқу шайдолари бирлан тўла ўнгу сўли  
 Рашк шўридин Азиз қалбида туғён ғулғули  
 Истасанг, эй гул, Навоийдек хуш илҳон булбуле  
 Ғунчадек кўнглим маломат хоридин кон айлама.

**25-26 март 2001 й. Тошкент.**

Эртароқ кел, интизорингмен, дедим. Деди у ҳўб.  
 Учрашиб суҳбатда сўйлашдику ҳўб, бу ҳўб.  
 Мен дедимки, сенда кифрик, қошу кўзу гису ҳўб  
 Эй сенга юз ҳўб, лаб ҳўбу лабингда қулгу ҳўб  
 Ҳарнеким, воқеъ бўлур сендин кўзимга усру ҳўб.

Ёр таърифин этарда. Эй қаро кўз, демагил  
 Не-не оҳулар бу кўзларга дилафрўз демагил  
 Ҳар нигоҳидин жигар ҳам пора ҳам сўз демагил  
 Дединг ул ой васфин, эй ровий. Яна сўз демагил  
 Ҳўблардин ким сўзинг эрди бу ерга тегру ҳўб.



Эй менинг эркам, нечук қилмишларинг юз очтилар  
Ҳар бири қалбим уйига файз нурин сочтилар  
Барча эл хуснинг қуёшин таъзимига шоштилар  
Хўблар қул бўлдилар. Лекин парилар қочтилар  
Олам ичра одаме бир сенча бор эркинму хўб.

Моҳруйлар жумласига зор қўнғлим мустаман  
Лек қанча орази гулшанлар анга нописанд  
Неча бор ул нотавон бўлғаймукин деб баҳраманд  
Хўбларни арз қилдим, қилмади қўнғлим писанд  
Они қўргач ихтиёри қолмайин деди бу хўб.

Васлнинг ширин кунин муштоқидирман ҳар замон  
Лек етишмоқ шарбатидин ҳеч қачон навмид эмон  
Айрилиқ дардини чекдим сабр ила, қилмай иғон  
Васлида жонимга ҳажридин не келганни демон  
Ким фараҳ базмида зикр этмоқ эмасдур қайғу хўб.

Орази гулзори оламга ажаб оро берур  
Дил қуши шунда фароғат боғида гавҳар терур  
Ним табассум, жилва сеҳр бирла неким сўз деур  
Жавру лутфу кибру ноз андин қўнгулга хўб эрур  
Ҳақ азалда зотини онинг яротибдур чу хўб.

Бенаволикда Азизийнинг жунунин билма айб  
Айб агар севмой эса, мендин сира айрилм, айб!  
Шум рақиблар макрини асло назарга илма, айб  
Хўбларни қўрмаса сенсиз Навоий, қилма айб  
Ким қўринмайдур қўзига кимса сендин айру хўб.

**27-28 декабрь 2001 й. Тошкент.**

Севгили ёрим замона фахрию инсони хўб  
Ҳусну одоб гулшанининг ғунчаи хандони хўб  
Ўзи ҳубу неча шогирдпеша қиз ўғлони хўб  
Улки бошдин то қадам бор анчаким имкони хўб  
Сад яке бўлғай бириким, халқ дерлар они хўб.



Ул туфайли эсса ели изтироб қувгил деманг  
Интизорлик чанги ёпишса сира ювгил деманг  
Ҳар не қилса жон ризодир, андин уз қўнгил деманг  
Тўкса қон ул кофир ўзга ҳўбни севгил деманг  
Эй мусулмонлар, жаҳонда бир анингдек қани ҳўб?

Махтавингни ёзгали аҳли қалам бўлди заиф  
Оразинг гулзори гулбоғи Ирамдиндир зариф  
Эй латофат гулистони, эй малоҳатда шариф  
Ҳури жаннат шаклидин ҳам дилрабо ҳуснинг латиф  
Хулди ризвондин дағи қуйинг саробўстони ҳўб.

Неки хоҳларсен менга андин кўра марғуб эмас  
Истагингдин ўзга мақсад мен чун матлуб эмас.  
Гар тиларсен қатлими бил, бу талаб ҳеч қўп эмас  
Жонни жонон истаса, қилмоқ тааллум ҳўб эмас  
Найласин жон улки бўлғай сен каби жонони ҳўб.

Интизорингдир неча ошиқ фидо этса бошин  
Иштиёқинг оташида ёндириб ичу тошин  
Йиғладим кўргач қиё бoққан кўзин, эзма қошин  
Кўз гуноҳи кўрмакинг эрдик, тўқдинг қон ёшин  
Ҳўб эмас, жоно, тўқулмоқ беғуноҳлар қони ҳўб.

Ошиқар жон ҳар қачон шул дарғаҳи ёр азмида  
Доимо мадҳи нигор тўлмиш Азизий назмида  
Айрилиқ ваҳми сароб ўлмиш бу севгим жазмида  
Эй Навоий, ғайр рашкидин висоли базмида  
Уйладурменки, кўринибтур менга ҳижрони ҳўб.

30 декабрь 2001 й. Тошкент.



Жон берар жонсизга икки лаблари хандони хўб  
Борму олам ичра мундоқ хусн элин султони хўб  
Хўб устозу неча шогирди нуктадони хўб  
Улки боштин то қадам бор ончаким, имкони хўб  
Сад яке бўлғай бириким, халқ дерлар они хўб.

Ишқида девонавашлик содир этсам ғам еманг  
Садқа қилғайсен бу йўлда жону дилдан ҳар ниманг  
Ошиқ улдир маъшуқиға сарф айлар ному нанг  
Тўкса қон ул кофир ўзга хўбчи севгил деманг  
Эй мусулмонлар, жаҳонда бир анингдек қани хўб?

Масканинг боғи сафо, куйи мақомингдир назиф  
Сарви қоматлар ичида қадди шамшодинг зариф  
Жонфизо ҳар бир каломинг дурри яктою шариф  
Ҳури жаннат шаклидин ҳам дилрабо хуснинг латиф  
Хулди ризвондин дағи куйинг саробўстони хўб.

Менга ёрим истагидин ўзга ҳеч матлуб эмас  
Йўлида ўзни фидо этмоқчалик марғуб эмас  
Гар талаб этса ҳаётим унчалик бу кўп эмас  
Жонни жонон истаса қилмәқ тааммул хўб эмас  
Найласун жон улки бўлғай сен каби жонони хўб.

Эл яқо тутди қўрибон чехранг офтобин фошин  
Ошиқ аҳли доду фарёд ила тутдилар бошин  
Ташналар сувдан кечиб, очлар унутдилар ошин  
Кўз гуноҳи қўрмакинг эрдик, тўқтинг қон ёшин  
Хўб эмас. Жоно тўқулмоқ беғуноҳлар қони хўб.

Барҳаётмен интилиб ёрим мақоми азмида  
Ҳар қачон мадҳи сароподир Азизий назмида  
Жону кўнгул беқарор гулзори васли жазмида  
Эй Навоий, ғайр рашкидин висоли базмида  
Уйладурменким, қўринибтур менга ҳижрони хўб.



Булбулингдурмен очилган гулистоним сен менинг  
Олам аҳлин тилларида дostonим сен менинг  
Гоҳ тағофилпеша, гоҳи меҳрибоним сен менинг  
Гар жафо қил, гар вафоқим, дилистоним сен менинг  
Гар мени ултур, агар тиргузки, жоним сен менинг.

Қўзларим йўлингда доим тўртлигин билсанг агар  
Қилмас эрдинг мунчалар куйингда мени дарбадар  
Қўзга суртиб изларингни мақсадим айлай хабар  
Хоҳ раъно қад била боргил ёнимдин жилвагар  
Хоҳ кел қошимғақим, сарви равонимсен менинг.

Ошкор этмасми сиррим телба афъолим сенга  
Ҳам паришон рўзгорим, зор аҳволим сенга  
Бори кўнгил ганжин очиб фош этай молим сенга  
Кўнглим ичра сенсену ишқинг, не дей ҳолим сенга,  
Чун бу янглиғ маҳрами рози ниҳоним сен менинг.

Бенаволиқ бирла чеккан оҳларимни билма айб  
Нотавон, нолонлиғим кўксимга доғи илма, айб  
Журму исёним учун таън ила бағрим тилма, айб  
Жилва айлаб ҳар замон афғону оҳим қилма айб  
Ҳам сен ўқ чун боиси оҳу фиғоним сен менинг.

Ул париваш кўзларимдин ҳар қачон бўлғач ниҳон  
Ақлу ҳуш тарк айлагайлар жисм уйини шул замон  
Хайрият борсен вужудим сақламоққа неча он  
Лаълидин бир икки сўз мазкур қил, эй хаста жон,  
Бори бу бир икки дамким меҳмоним сен менинг.

Гар жунуним ҳаддин ошган эрса нафрат қилмағил  
Орзуим боғида бир дам ёнимдин жилмағил  
Қисматим бедодидин афғону додим тинглағил  
Телбалардин гарчи рад қилдинг мени, лек англағил  
Ким парирухсорлардин танлагоним сен менинг.



Эй, ҳаётим равзасин яшнаб очилган гулшани,  
Ул қуёш ҳуснинг туфайл умрим йўлининг рашани.  
Гул юзинг куйлаб Азиз булбулнаволиғдир фани  
Улки меҳрингдин Навоий бевафо дебсен ани  
Эртаки, нозук мизожим, бадғумоним сен менинг.

**19-20 март 2001 й. Тошкент.**

Баданимда то ҳаёт бор кўзим кўзим ўнгида ҳилолинг  
Назаримда ошкоро ҳамадам қади ниҳолинг  
Юрагим тили дуода тилабон яна камолинг  
Тилагим сенинг ҳузуринг, талабим сенинг жамолинг  
Неча кун тириклигимдин ғаразим сенинг висолинг.

Туну кун олар аланга сенинг ўтлуғ иштиёқинг  
Туладир фиғонларимға яқининг ила йироқинг  
Кечаолмасим лабингу, қошингу мижа, қароқинг  
Чидайолмасим фироқинг, ўпа олмасим аёқинг  
Кўраолмасам назиринг, топаолмасим мисолинг.

Агар офтоби чеҳранг ёритур эса ажаб йўқ  
Кўкарар умр баҳори анга ўзга ҳам талаб йўқ  
Нега дашту боғ сайрим тиламоқ учун сабаб йўқ  
Фараҳим сенинг ҳадисинг, тарабим сенинг хаёлинг.

Топилурмукин менингдек кўчанг узра хоксоре  
Бутун умр аро баногоҳ қарашингни интизори  
Кезибон қуюн мисоли йўлинг узра хор-зоре  
Ажал, ушбу дамки қуйингдаман олса жонни боре  
Бошим ўлса хокпойинг. Таним ўлса поймолинг.

Малагим, пари сифотим ҳама ҳурлардин аъло  
Ана ҳусн гулистони, ана бўстони маъно  
Бу чаман аро Азизий кўтарурда бода, аммо  
Майи ишқ чун Навоийни жаҳонда қилди расво  
Бу қадаҳни энди, дўстлар, ки анинг қўлидин олинг.

**21-22 март 2001 й. Тошкент.**



Нигор хаёлида, ошиқ, кечарди ёзу қишинг  
 Умид ила яшасанг бўлур деб омад эшинг  
 Эшитгусими бепарво, ҳамишагий дейишинг  
 Қаро-қаро мижа ханжарларинг итимоқ ишинг  
 Ҳаёт нахлини кескан қиё-қиё боқишинг.

Муҳаббат ишида фарқ этмагум сену манни  
 Ўқубмен умр бўйи сақдўйилик аро фанни  
 Давом қилабер фидойиликда бўлганни  
 Ишинг бу эрдик, жонимни олғасен танни  
 Ки судратурмен эшикдан гар туганди ишинг.

Ёруғ берувчи юзингнинг қуёши зарралари  
 Оғиз уза тўкилган гавҳарингни қирралари  
 Қути ҳаёт олар андин умр карралари  
 Зилоли хизр лабинг, ул зилол қатралари  
 Ки жола бўлди узоринг баҳори ичра тишинг.

Насиб ўлса севиб севилмоғ эл эрига  
 Керакки ул тўлибон бахтга сиғмасин терига  
 Десинки, фарқсиз ўла даҳрнинг нари-берига:  
 Не ғунчасен, кўнгул, охирки елу сув, ерига  
 Бўлубтур оху бағир қони бирла парваришинг.

Йўлида ёстанур эрдим орзуи муҳол айлаб  
 Оёғи бошима етгайму деб хиёл айлаб  
 Амалга ошди умиду мақсадим камол айлаб  
 Кўзимга қўйди қадам, ғаҳ ўтар хаёл айлаб  
 Олай деса аёғ, эй кўз қаролари, ёпишинг.

Муҳаббат ўти ёнар, қалб аро алолоким  
 Фиғону дарду аламу беҳисоб ғавғоким  
 Бу ўт аро тўлғанувчи кишига не парвоким,  
 Эрур чу даҳр бузуғ гулхан ушбу авлоким  
 Бузуғда кечса ёзинг, гулхан ичра ўтса қишинг.



Азизий севги ўти қопламиш мизожиниким  
Куйиб ёниб тилагай бу олов ривожинким  
Кийиб бошига қалин телбаликни тожинким  
Навоий, истама элдин жунун иложинким,  
Бу телбалик аро йўқ ул паридин ўзга кишинг.

1 октябрь 2001 й. Тошкент.

Кўнглим чамани марҳаматинг нуридин обод  
Жон булбули чеҳранг гулининг мадҳин этар шод.  
Мастона нигоҳингни севинчига тўла ёд  
Эй орази насрин, сочи сунбул, қади шамшод,  
Булбул киби ҳажрингда ишим нолау фарёд.

Ҳаргоҳ кўрамен, мундайн иқбол бўлурму  
Тушгач назаринг жон ҳузурига тўлурму  
Таъзим ила то ергача қаддим эгилурму  
Кўзларинга сайд ўлди кўнгул, ваҳ, қутулурму  
Бир қушки, анинг қасдида бўлғай икки сайёд.

То ўрганасен назми муҳаббатнинг арузин  
Фикр айла мудом шафқат ила раҳм нуфузин  
Дарс пайти юзинг кўрса йўқотиб мудир ўзин  
Ул мактаб ароким ўқидинг ноз рамузин  
Гўёки вафо илмин унутмиш эди устод.

Ишқ аҳлини даврон тутадир имтиҳон узра  
Маълум эдаран қай бириси пишгану ғўра  
Феъл айлабон ул қонданинг таврига кўра  
Гул япроғи тирноғлар эрур бу чаман ичра  
Булбул пару болини юлуб бергали барбод.

Ул ошиқ эмас қилса хаёл васлига етса  
Ёки етаолмай бошини олсада кетса  
Ошиқдир Азиз ёр аёғига бош эгса  
Не айб Навоий каби девоналиғ этса  
Ҳар одамеким, бўлса анинг ёри паризод.

23-24 март 2001 й. Тошкент.



Умр ишим асло назарга ола олмон сенсиз  
На ёмону яхшини тилай олмон сенсиз  
Хотириمني жойига ҳеч қўя олмон сенсиз  
Бормаким, бир дам ўзимни била олмон сенсиз  
Келки, бир лаҳза таҳаммул қилаолмон сенсиз.

Сен билан шодланаман ҳама ўтган фурсатда  
Яшамоқ моҳияти фақат ушбу муҳлатда  
Сен билан бирга бўлай ҳама он, ҳар соатда  
Чикма қўнғлимдин ўлар вақтким ул ғурбатда  
Жону тан кишваридин айрилаолмон сенсиз.

Туну кун васфинг этармен берилиб чун булбул  
Кўзим ўнгида мудом чеҳраи бемислинг гул  
Васл хилватгаҳида мен сори узатгин қўл  
Бода базмида нишотим тиласанг соқий бўл  
Ки майи кавсар ичиб очилаолмон сенсиз.

Фикру ёдим туну кун қадмал этган сенсен  
Мен-синиқ шишани этувчи бутун сенсен  
Ташналаб махмур учун бодаи гулгун сенсен  
Не ғам оворалиғим жоним аро чун сенсен  
Истаган элга дағи топилаолмон сенсиз.

Қанчалар муштоқ ўлуб кўргач эса ёр юзин  
Васфинг айтур чоғи булбул тугатолмайди сўзин  
Гули ҳуснингдин Азизий узаолмайди кўзин  
Чун Навоий сени кўрмай нафасе билмас ўзин  
Бормаким, бир дам ўзимни билаолмон сенсиз.

**15-16 декабрь 2001 й. Тошкент.**



Дарғаҳинг хоки ҳама дам менга фирдавсомуз  
Ҷнамен таъзим этиб суртиб анга икки кўз  
Кўзда ёш бирла дуойинг қиладурмен ҳар рўз  
Эй юзинг боғи насимида ҳавои наврўз  
Лаъл тожинг бўлуб ул боғда бўстон афрўз.

Тутибон зор қўлимдин ёнингга келтирсанг  
Лутф сувила ювиб ғам чангини кеткурсанг  
Меҳр нурини сочиб кўзим ўнгида турсанг  
Зулфу рухсор ила комимға мени еткурсанг  
Ҳар тунинг қадр ўлубон ҳар кунинг ўлсун наврўз.

Чарх мунглиғ бошима онча дилозор ўлмиш  
Сабр тоғимни вале йиқмақа ночор ўлмиш  
Жон қуши ишқ тузоғиғаки дучор ўлмиш  
Кўнглим ул луббат илигиди гирифтор ўлмиш  
Қушни ул навъки лаъб аҳли қилур дастомез.

Шарбати васлинг эрур дору шум афъолимға  
Жом тут тўлдирибон бодаи иқболимға  
Бир куни кўрмас эсам йиғлобон аҳволимға  
Дарди ҳажрингда қуяр кўнглиму ўз ҳолимға  
Кишисизликдин ўзимдурмен ўзимга дилсўз.

Айириб неча дилу жон ила маҳрамларни  
Парчалаб боғичини аҳд ила маҳкамларни  
Душман айлар бу фалак дўст ила ҳамдамларни  
Даҳр золиға кўнгул бермаки, Рустамларни  
Макр ила айлади ожиз бу ситамкора ажуж.

Ўчмайин қолмади ҳар ёнга соча шуъла чароғ  
Соврилиб кетди хазон еллари урган чорбоғ  
Бир сариғ доғ каби сўлди қўқарган япроғ  
Кўк жафосидин ўлур хобгоҳинг бўз тупроғ  
Бўлса остингда спехр ашҳаби янглиғ кўк бўз.



Умр айёмида фасли хуш эрур ишқ даври  
Васл шодонлиғи май, дурди эса ёр жаври  
Дарду армон ўтида ёнди Азизий бағри  
Эй Навоий, сену Хисрав била Жомий таври  
Санъату рангни қўй, сўзда керак дард ила сўз.

19 декабрь 2001 й. Тошкент.

Қоматимиз шаклида қоши ҳилолин кўргабиз  
Кўзимиз ўнгида сарви навниҳолин кўргабиз  
Ҳар қадамда ёр васли эҳтимолин кўргабиз  
Бизга жонон васли улдирким жамолин кўргабиз  
Парда рухсоридин очиб зулфу холин кўргабиз.

Ёр ўйи бирлан дамодам фурсати чоғ ўлғабиз  
Кўринур эрса узоқдин кўнгли гулбоғ ўлғабиз  
Тушса оҳу кўзлари титравда яфроғ ўлғабиз  
Бўлса майдон озими йўлида туфроғ ўлғабиз  
Қилса гул гашти чаман раъно ниҳолин кўргабиз.

Жон қуши истайди парвоз осмони васлиға  
Гарчи етмас томиға нозу ҳавосин қасриға  
Тиғи истиғно билан зарб этса ошиқ наслиға  
Тири борони бало ёғдурса жонлар қасдиға  
Новаки мужгон била мушкин ҳилолин кўргабиз.

Қасб қил тўп-тўп булутлар поймолин, эй спехр,  
Бизга оч кундек нигоримиз жамолин, эй спехр,  
Қадр айлаб дурри ишқимиз камолин, эй спехр,  
Кўзга барҳам жилва бер базми висолин, эй спехр,  
Ваҳ неча кўз олдида хайли хаёлин кўргабиз.

Умрлар тердик садоқат, севги боғида самар  
Қалб дунёсида гулзори вафодир жилвагар  
Истаюб ёр офтоби чехрасидин шуғлалар  
Кўзгу ул юз жилвагоҳидир дебон қилдик назар  
Йўқ бу маъни бирлаким, ул юз мисолин кўргабиз.



Шум рақибларнинг насиби васл эрмасдир захр  
Доимо кўнглимда такрори дуодир ушбу тавр  
Гоҳе ўз ўзимга ҳам рашк ила айларман жавр  
Йўқ ҳазин кўнглимдин ўзга ёрдин бекому баҳр  
Неча ушшоқ ичра онинг инфиолин кўргабиш.

Оз умр, кўндир мусибат, эй Азизий, ғам ема  
Яхшилик бирла яша, ҳеч бир ёмонга сўз дема  
Чанг туширгай кўз уза дунёда мавжуд ҳар нима  
Эй Навоий, заррача хуршид васлидин дема  
Мунча баским, жилвада гоҳи камолин кўргабиш.

20-22 декабрь 2001 й. Тошкент.

Жон кирадир баданимга гар эшитсам андин сўз  
Роҳат илғайди вужудим, кетадир тандин сўз  
Хуш учар, ақл саросимада, чиқмас мандин сўз  
Манга ул кўзи қаро деди чучук чандин сўз  
Не ажаб они қаро кўз деса му ширин сўз.

Келамен деди, кўзи жилваю жавлон қилди  
Ғамли кўнглимни ўша ваъдаси шодон қилди  
Кун ўтиб, соат ўтиб келмади, ҳайрон қилди  
Лаби юз ваъдани андоқ менга ялғон қилди  
Ки дей олмас киши юз йилда бир андоқ чин сўз.

Манга йилдек туюлур бир кун эса ҳажр куни  
Интизор банди бўлиб жон қуши чиқмайди уни  
Зор бўлиб мен кутаман кимса сезмайди буни  
Ҳажринг афсонасидин сўз дер эсам васл туни  
Топмағай тонгғача тун йилча эса таскин сўз.

Ақлими олған ушал мўрча миён, тўбий қад  
Кифригин ўқлариға кўксим эрур гўё сад  
Икки охусининг асири эканимдир беҳад  
Белию лаъл лаби олдида лол ўлди хирад  
Қим эрур бири дақиқа бири бас рангин сўз.



Неки сўз деса тилинг дилинг олдин пишитиб  
 Айтадир жилва қилиб майи ишва нўш этиб  
 Йиқилур эл сўзинг сеҳрида тарки ҳуш этиб  
 Ҳар фасоҳатки, лабинг қилди масеҳо эшитиб  
 Жон топиб келмади оғзи аро жуз таҳсин сўз.

Этадир телба фусун бирла бани одамни  
 Назару ноз тилсими йўқотурди ғамни  
 Куйладим мадҳини булбул каби олмай дамни  
 Ҳусни васфида сўзум тутти бари оламни  
 Муршиди ишқ менга айлагали талқин сўз.

Ошиқ аҳли ани таърифӣ учун бўлмиш жам  
 Барча саъй айлар эди бўлғали ёру маҳрам  
 Аҳли ушшоқ ичида хомуш Азизий ҳам  
 Базми айш ичра Навоий не ажаб урмас дам  
 Айтаолмас чу нишот аҳли аро ғамгин сўз.

**22 декабрь 2011 й. Тошкент**

Хоҳ баланд тутгилу хоҳ назарга илма мени  
 Фақат садоқатимни сира оз билма мени  
 Тағофилинг тиғи бирлан юрагим тилма мени  
 Юз урма ҳар тараф, эй шўху зор қилма мени  
 Қарор тут нафасе беқарор қилма мени.

Ширин сўзинг била дардманд кўнгилларимни овут  
 Лабинг зилолидин ўтлуғ оҳларимни совут  
 Сенга ҳамиша ошиққан юзим ёнига юз тут  
 Кўзимни шамъи жамолинг фуруғи бирла ёрут  
 Тонг отқуча кечалар ашкбор қилма мени.

Ўшал тарафгаки, ҳар қим суқланиб қарар, борма  
 Улар ғаразли кўзи сен ёа менга зарар, борма  
 Қаёнда пок севги учун бор эса хабар борма  
 Худой учун яна ҳар сори беҳабар борма  
 Фиғону нолада беихтиёр қилма мени.



Доғлар жигардаю дил ичида олов лола  
Юракларим ёнадир изларингга қараб қола  
Намунча тўлдирасен бағрими фиғон сола  
Тараҳхум айлагил, эй ихтиёрсиз нола  
Дамодам эл ичида шармсор қилма мени.

Вафоли ёр содиқаи аҳду сўзгадур, эй ишқ  
Камоли ҳусни билан ҳам яқин кўзгадир, эй ишқ  
Баробар агар эл фикри бизгадир, эй ишқ  
Мен ўзга, Вомиқу Фарҳод ўзгадур, эй ишқ  
Танаъум аҳли аро эътибор қилма мени.

Узилма ҳеч Азизинг ёнидин карамли ёр  
Тилим ва дилимда тун кун муборақ отинг такрор  
Севиб-севиб ёзаман соате сенга ашъор  
Қаёнки борсанг ўлармен Назоий янглиғ зор  
Юз урма ҳар тараф, эй шўҳу зор қилма мени.

**25 март 2011 й. Тошкент**

Ёр кўйида кезарман дарбадёр ошифта ҳол  
Номини тилдан туширмай, ёдидан сўйлаб мақол  
Гар бугун эрсамда соғинчи билан мажнунмисол,  
Кеча ул ой бирла эрдим ваҳ бу тушдир ё ҳаёл  
Туш эмас, чун йўқтурур уйқу, ҳаёлидур муҳол.

Очилиб гулзор ичинда ҳусн ошкор этса гул  
Булбули нолон иши зор йиғлаб этмоқлик ҳамул  
Неча дерлар менга йўқдир сўйда минг озурда бўл  
Ишқин изҳор айлабон васлин тилар мунглиғ кўнгул  
Бир гадо янглиғки, айбин кўрсатиб айлар суол.

“Шин” бўлиб тахланди мадҳинг бирла неча шеър сўз  
Дил “алиф” қаддинг тамошосига термулган ҳануз  
“Син” сумбул сочларинг, “сод”дир қабоқу саҳфа юз  
Ораз-узра “айн” янглиғдур узоринг узра кўз  
Нарғис узра нукта янглиғдир кўзинг устида хол.



Иштиёқинг изтироби кун ва тунлар ошади  
 Бу алам тўлқинларин мавжи кўзимнинг ёшида  
 Қомати дол ҳар кишиким, шунча савдо бошида  
 Эзма қаддим заъфи ҳаддин ошти ул юз қошида  
 Нотавон бўлғон каби хуршид васлидин ҳилол.

Телба кўнглим изларинг излаб узоқларга етар  
 Косаи сабрим тўлиб, фарёдим оламини тутар  
 Илтифотинг истаб куйинг аро умрим ўтар  
 Йиғлабон ул сарвнинг йўлига тушсам ноз етар  
 Сув билан туфроғдин бош тортқон янглиғ ниҳол.

Чун ҳарими ёр эрур ошиқ Азизийга талаб  
 Эшигида чарх урар тун-кун қуюндек тентираб  
 Бир нигоҳин ташласа лутф айлабон озода табъ  
 Ком эрур жонимга ул олудалиғдин пок лаб  
 Эй Навоий, ўлсам ичмон Хизр нўш этган зилол.

**1 октябрь 2001 й. Тошкент.**

Тилар васлини ақли калтабиним  
 Қулар андин узоғиму яқиним  
 Баногоҳ нур сочиб ул маҳжабиним  
 Не кун келгайки, келгай нозаниним  
 Не хуш бўлгайки, бўлгай ҳамнишиним.

Ҳамиша гул юзинг фикримда пайдо  
 Насибимдир фақат қилмоқ тамошо  
 Агарчи васл умиди йўқдир асло  
 Саодат хатлари қилмиш хувайдо  
 Итинг чангига суртилган жабиним.

Тўлар бир боққанида жон шукуҳа  
 Табассум қилганида жисм руҳа  
 Этиб беилтифотлиқ шум гуруҳа  
 Эрур ул шўҳ отган каж гуруҳа (ўқ)  
 Кўнгул ганжи аро дурри саминим.



Узоқ тушдим чигал андишлардин  
Узилдим ёру дўст, ҳампешалардин  
Магар кетдим баридин, ўшалардин  
Недин кўз чекар ўқ ўшалардин  
Гар ўлтурмоққа қилмайдир каминим.

Ғанимлар суҳбатин тутма арода  
Анинг дафъига қил ҳардам ирода  
Кўзинг мастонлиғидир ҳуш ифода  
Тегурма оташин лаълингга бода  
Ким ул ўтдин қуяр жони ҳазиним.

Чунон мен ишқу сидқ ичра ягона  
На қилсам даҳр ародир ошиқона  
Майу маҳбуб – ҳаёти жовидона  
Кетур, эй муғбача жоми муғона  
Эрур олсанг баҳоси нақди диним.

Тилу дилдан сира ёр мадҳи кетмас  
Азизий бу сафони тарк этмас  
Ҳушо, умр ичра севги дарди битмас  
Навоий, не осиф жононға етмас  
Наволарким, чекар жоним ғаминим.

**27 февраль – 1 март 2002 й. Тошкент.**

Сарви қадди таъзимин айлаб ҳамиша долмен  
Лутфидин уммидвору ёдидин хушҳолмен  
Кўз тутиб ҳар кун эшикка лунтазир аҳволмен  
Келса бир кун, неча кун келмаслигинин лолмен  
Бир кун ўз ҳолимда бўлсам неча кун беҳолмен.

Барча ожиз нотавонларға раҳимдиллик фани  
Марҳамат мулкида эҳсон, туҳфа этмакка ғани  
Кўнглида бор эрса мен жон бағишлавлик, қани  
Неча кунким, келмаса айлар ўлум ҳоли мани  
Келса бир кун ўлтурур, бу ишвалардин лолмен.



Ҳар куни кўрмоқ ўзини жону дил орзусидир  
Тентиратган ақл сайёдин кўзи оҳусидир  
Хотириим сочқинлиғин боиси зулфин мусидир  
Йўлида туфроғ агар бўлдим, ғараз побўсидир  
Бўлса бу комим раво, ғам йўқ агар помолмен.

Ул париваш ҳусн аро маҳтоб ила яксон эрур  
Унга жонлар мулкини фатҳ айламоқ осон эрур  
Хулқи хуш, лутфу мурувватли ажаб инсон эрур  
Дилбарим Ширин била Лайлига гар ақрон эрур  
Мен дағи Мажнун билан Фарҳодқа амсолмен.

Эй фалак, жону дилим исёндадир, лутф айлаким  
Йўл йўқотиб, ғарқ ўлуб тўфондадир, лутф айлаким  
Носеҳо, пандингни заҳри жондадир, лутф айлаким  
Соқийё ҳижрон ғами тугёндадир, лутф айлаким  
Дамбадам ошуфтаи бир жоми молломолмен.

Гоҳ Азиз айлаб вужудим ҳар сори еткурди ишқ  
Телбалик даштида гоҳ тиргуздию ўлдирди ишқ  
Олам аҳлин бу аянч аҳволима қулдирди ишқ  
Эй Навоий, бошима кўрким, нелар келтурди ишқ  
Пири ақл эрдим бу дам бозичаи атфолмен.

**2 февраль 2002 й. Тошкент.**

Эй гулим, бир айла хандон булбулигўё учун  
Таърифинг оҳангидин ул маст, бепарво учун  
Топингиз марҳам жигар-бағри ўлан яғмо учун  
Дўстлар, бир чора мен девонаи шайдо учун  
Ким ўлармен ул пари пайкар малак сиймо учун.

Мен жаҳон овораси, аҳбоб асло ғам емас  
Оҳу афғонимни тўфониға чора айламас  
Телбараб куйида кезсам ким мени мажнун демас  
Оташинг гул теграсида лаългун юз барг эмас  
Балки юз лаъл ўтқо солмиш булбули шайдо учун.



Офтобдек чехра очсанг зор жисмим интилур  
Олам орои малоҳат гулшани сен деб билур  
Маст қилғач ҳар не мушкин сунбулингдинким, келур  
Хом кўнглумким дудоғингни тилаб афғон қилур  
Бордурур ул тифлдекким йиғлагай ҳалво учун.

Ҳусни гулзоринг эрур Фирдавс гулбоғиға зеб  
Пора-порадир вужудим тири мужгон санчилиб  
Тўймагаймен наргисининг жилвасига термулиб  
Ашк ичинда ғарқамен зулфингни тутқайманму деб  
Уйлаким тожир тенгиз ранжин чекар савдо учун.

Кўйма тилдан ҳеч қачон маҳбубу дилбар отини  
Барчадин юсак тутиб ошиқу маъшуқ зотини  
Ишқ бирла тўлмаса кимники зоҳир ботини  
Гулханийдекдирки, истар гулхану олотини  
Сифлаким, меҳнат чекар дунёву мо фиҳо учун.

Эй Азизий, севги боғини доим обод айлагил  
Жону дил бирлан вафо аҳдини бунёд айлагил  
Сарвинозинг баркамол, хандону гулшод айлагил  
Бу Навоий бандани, эй сарв, озод айлагил  
Бўйла бир булбул керак сенек гули раъно учун.

**март 2002 й. Тошкент**

Ақлим ҳамон ҳайратдадир дилбар камолидин  
Учмас дилимда орзу ширин висолидин  
Куйлаб ҳамиша чехраи гулшан мисолидин  
Кўз боғида гул экмишам ул юз хаёлидин  
Вожибдурур кўзимга сув бермак жамолидин.

Сарви равони боиси ошифта эрмагим  
Ошифталик билан бўйин бўйимга эзмагим  
Руҳ бердию мастонавор эгнига тегмагим  
Уптим лабин, юз очқоч эрур турфа кўрмагим  
Гул бирла мева бир йўли ул кад ниҳолидин.



Бағрим жароҳати лаъли маълумиға акс  
Оху кўзин нигоҳи қарори мавҳумиға акс  
Оғзи гулистон ғунчаи маъдумиға акс  
Рухсори кўзгусида кўзим мардумиға акс  
Фаҳм айладим би айниҳи ул юзда холидин.

Нозу назокат дарсини ўргатди мактабинг  
Ҳарнеки, қилса кечир бу девона машрабинг  
Кўргач ўшал сиймин зақан дурри ғабғабинг  
Жоним гадолиғ этти бир ўпмак, вале лабинг  
Берса жавоб, кошки, онинг саволидин.

Умр осмонида ажиб кўринди бир ҳумой  
Кўк манзарида бир янги сайёра қўйди пой  
Олам эли тополмади бошин қўярга жой  
Рўят чоғи бийик даража бирла янги ой  
Кўрди назора аҳли қошингинг ҳилолидин.

Шавқ иштиёқи ўти Азизийни қистамиш  
Лекин анга тақдир марҳамат қилмамиш  
Ҳайҳот, биза ошиқ элин зорлиғи таниш  
Фарёд ила Навоий анинг васлин истамиш  
Фарёд, анинг бу навъ хаёли муҳолидин.

**16 сентябрь 2001 й. Тошкент.**

Умр остонига юксалган бу сабрим тоғидур  
Имтиҳон этгувчи сабрим айрилиқ қийноғидур  
Орзуйи васл гар бемор жисмим соғидур  
Айтмон кўзу кўнгул матлуби куйинг боғидур  
Бу бирига хору ул бирла ғараз туфрoғидур.

Айламиш тақдир насибимни фақат ҳижрат туни  
Қоплади оламни мундгн оху фарёдим уни  
Тун-кеча овораман изларда ҳусни гулбуни  
Қоши ҳажринда янги ой шаклидин фирқат туни  
Кўнглим афгор этгали гўё фалак тирноғидур.



Қалб кўри эрди не-не ошнолар кетдиким  
Дил у йин ялғизлигимдин ваҳм тўри тутдиким  
Бошда оқ гул, кўзда ойнак ичтиҳони кутдиким  
Демагил, бўлдинг қарию ишқ даври ўтдиким,  
То тирикдурмен менга ишқу муҳаббат чоғидур.

Дур топилмас токи кўксин чок этмасдир садаф  
Бу тариқа сийна чоки бахш этар анга шараф  
Гуллар ичра ўрнашуркан гоҳ ўт, сассиқ алаф  
Даҳр гулзори аро ҳасрат елидин ҳар тараф  
Томди булбул кўнгли қони дема гул яфроғидур.

Ёр Азиз айлаб садоқат доманини ушласа  
Шум рақибга илтифотсизлик улусин хушласа  
Тоқатимни кўргали қалтис ҳазиллар бошласа  
Эй Навоий, кўнглим олиб итларига ташласа  
Кўнгул онинг, барча мақсудим кўнгул олмоғидур.

20 май 2001 й. Тошкент.

Кўрмасам ул кунимки, ғамгиндур  
Бир кўрин, ғамларин тошин синдур  
Сўзларингнинг жавоби таҳсиндур  
Лаълинг, оё, не ажаб рангиндур  
Сўзи онинг не бало шириндур.

Кифрининг ўқу эзма қошинг ё  
Ўқлари дилимда топмиш жо  
Бир қарошинг яратди минг савдо  
Ҳам қошинг тақвию тоатқа бало  
Ҳам кўзинг офати ақлу диндур.

Чехранг офтоби таратқач нур  
Диллар оламига тўлди сурур  
Белинг назокати қил каби кўринур  
Хулла ичра баданингким, кўринур  
Гўё гулбарг аро насриндур.



Ортаберсин ёмонлара кининг  
 Қаҳринг ўти, қошинг уза чининг  
 Менга хуш қилмишинг бари сенинг  
 Қатлу тиргузмак эрур ойининг  
 Оллоҳ, оллоҳ сенга не ойиндур.

Соғинч тиканлари тирнар тинмай  
 Фигонларимни ёярда йиғлар най  
 Қачонгача дард ўтида ёнай  
 Соқий, ҳажрида тутгил менга май  
 Ким бу сувдин ўтума таскиндур.

Азиз сендин ўзгани соғинмас  
 Садқатингга ишончи синмас  
 Сенсиз анга ҳаёт гули унмас  
 Ҳажринг айёми Навоий тинмас  
 Бир кўриниб анга, кўнглин тиндур.

25 май 2001 й. Тошкент.

Ёр хусни гулшани нашъаи ижод берур  
 Ишқ ўти шуълалари ёнғали имдод берур  
 Тонг ели чулғаса гулбоғ учун обод берур  
 Боғ атри насими гули шамшод берур  
 Ёрнинг гул юзу шамшод қадин ёд берур.

Қилса дажжоли замон севги аҳлига ғазаб  
 Ишқ таркини алар жабҳасидин этса талаб  
 Бу зулм зуғмини билқулли бузмоқни тилаб  
 Борса Парвез бори ҳашмати елга не ажаб  
 Жони Ширинни чекиб оҳки Фарҳод берур.

Бузди шодлик уйини айрилиқ ели совуқ  
 Қоплади дил уйини зулмати ҳижрон овуқ  
 Ногаҳон сен кўриниш бердинг энди бари йўқ  
 Жилва қилди қадингу наргису гул бўлди тонуқ  
 Анга қуллуқ хатиким, савсани озод берур.



Тенги йўқ қувват эрур одам учун ишқ деган  
Ишқ борида ёвузлик томири қуриган  
Итшқ суви била покиза ҳаёт, жону тан  
Кўрмаган бўлса юзунг мусҳафини тифли чаман  
Неча гул дафтари аврокини барбод берур.

Не алам чеккамен ар бошима зулме етса  
Лек ўлармен ўша дам ёр ёнимдин кетса  
Чун Азиздир бу жаҳон ёр била умр ўтса  
Тиғи девона Навоийни не ғам қатл этса  
Чун анга жон яна ул ҳури паризод берур.

23 декабрь 2001 й. Тошкент.

Дема ошиқ Хўқанднинг хоридир бу  
Илинжи кунда дилбар соридир бу  
Нигори Шошни гулрухсоридир бу  
Дема юзким, Хўтан гулзоридир бу  
Дема хат нофаи тоторидир бу.

Гўзаллар кўрса ҳусни гулшанин гар  
Куйиб рашк ила ҳайрат илки тишлар  
Қилич қошию кифрик эрса ништар  
Кўзи ўлдирди, лаъли жон бағишлар  
Ажойиб муддао изҳоридир бу.

Қўниб омад қуши чун қулди иқбол  
Ҳузуримга келурдин форуғулбол  
Умид этдим висолингни ўшал ҳол  
Ўғирлар жон занахдонинг аро хол  
Ки Бобил чоҳининг айёридир бу.

Сабр тоғимни ишқ зўри ушотди  
Анинг сангпорасин ҳар ёнға отди  
Вужудим телбалик лойига ботди  
Кўнгул ўзликни бир соғарға сотди  
Магар дайри фано хумморидир бу.



Азизийнинг нигори сарзари раҳм  
 Малоҳат бўстони маҳзари раҳм  
 Агарчи қалбида жо жавҳари раҳм  
 Навоийға десам қил эй пари раҳм  
 Кулиб десам қил эй пари раҳм  
 Кулиб дер не ҳаёсиз қарридур бу?

8 декабрь 2001 й. Тошкент.

Яхшидин кўра ушал аъло хуш  
 Унинг ўзи гуҳари якто хуш  
 Фазлу файзи била ҳам доно хуш  
 Менга бор ул санами раъно хуш  
 Кўринур ўзга санамлар нохуш.

Кўргали хусни гулзорини зор  
 Кўзларим интиқу кўнглим хуммор  
 Билингиз дўсту аҳбобким, зинҳор  
 Ёлғиз они севарамким, менга бор  
 Ўзи хуш, ўзга киши йўқ асло хуш.

Сарви раъносигадир бўйни хамим  
 Номининг ёдида кечгуси дамим  
 Соғинишдан тўладир кўзда намим  
 Халқ нохушлигидин қайда ғамим  
 Бор эса ул санами зебо хуш.

Куйида телбалигим ортар эдим  
 Тентираб эшигида қайтар эдим  
 Кундузи сабр сўзим айтар эдим  
 Кеча ҳижронида май тортар эдим  
 Кирди ул гулрухи маҳсўмо хуш.

Эғнима аста қўлини солибон  
 Қулдию ҳайрат аро мен қолибон  
 Лутфидин ўзни йўқотдим толибон  
 Менда юз биймни тутқач олибон  
 Чекти ул шўҳ қадаҳнаймо хуш.



Ёр васлини, Азиз, ҳардам қут  
Бу жаҳон ташвиши баҳридин ўт  
Умрнинг моҳияти ушбу қут  
Дайр аро ўзни Навоий хуш тут  
Чун келибдур сенга ул тарсо хуш.

**26 май 2001 й. Тошкент.**

Танимга бир қарошидин муҳаббат ўти ёқилмиш  
Менга тақдир китоби дардни қисматда жо қилмиш  
Ики оҳу куйида зору сарсонлиқ раво қилмиш  
Не ҳам қошлардурурким, ҳасрати қаддимни ё қилмиш  
Не кифриклар ўқиким, рўзгоримни қаро қилмиш.

Ададсиз кимса беҳуд бўлди ҳар ён мушки сочилғач  
Паришон айлабон кокиллариини жилвалар қилғач  
Тушундим телбалигин элни тилсим сиррини билғач  
Не печутоби ҳадсиз домаи зулф эканки очилғач  
Демай кўнглим қушиким, уйла юзни мубтало қилмиш.

Асиру банди қилмиш юз очиб ўлгунча кўнглимни  
Нигоҳи маст айлар сўз очиб қолгунча кўнглимни  
Унинг мужгони тирин ўзига кўмгунча кўнглимни  
Не кўзлардурки, олмиш кўз очиб юмгунча кўнглимни  
Қилиб ҳар гўшада бемору қисми юз бало қилмиш.

Муҳаббат изтироби торта-торта топмайин имкон  
Жаҳонни қуршагач бу кун мени зор айлаган тугён  
Насиҳатлар била бошимга ёприлди неча инсон  
Қазодандур менга ишқ ўйнамоқ, эй насиҳи нодон  
Кўрубсенму киши ҳаргизки таййири қазо қилмиш.

Топилмас кимса озод бўлса гар бир лаҳза куфридин  
Солар дунёга тасхири била минг ларза куфридин  
Азизий сингари қурбони борму тоза куфридин  
Навоийдек халосим йўқ эди ул ғамза куфридин  
Хусусан зулфи зуннори доғи бўйнимга тоқилмиш.

**24 март 2001 й. Тошкент.**



Ул пари ҳар дам менга лутфу карам фан айламиш  
 Чу вафоу сидқ бирла ўзни яктан айламиш  
 Шул сабабдин умр боғини ажаб шан айламиш  
 Менмудурменким, қуёш қулбамни равшан айламиш  
 Оби ҳайвон зулматободимни гулшан айламиш.

Масту расволиғ била авж олса туғёним не тонг  
 Боққанида жилва бирлан чашми мастоним не тонг  
 Лутф ёғдусин сочарда лаълихандоним не тонг  
 Юз фалакча топса рафъат байти вайроним не тонг  
 Юз қуёш чунким бу вайронимни маскан айламиш.

Илтифот айлаб топиб бечора бу лабташнасин  
 Марҳамат бирлан тутиб оби ҳаётнинг чашмасин  
 Ноз ила сочди кўнгил уйига нури ишвасин  
 Кўз тегурманг, эй париларким, кўзим сарчашмасин  
 Ул парию ҳур ризвон рашки маъман айламиш.

Парвариш этган ниҳол бебаҳра қўймас мевадин  
 Нориға раҳм айлаганлар хайр кўргай тевадин  
 Кимки, эзгуликка қобил эрса ваҳм этгай надин  
 Мундин ўтмас дўстлуқ гардуни душман шевадин  
 Ким ўзин душманларим қасдиға душман айламиш.

Жамланиб кому муродим дарду ҳасрат бўлди тарҳ  
 Куйдилар бу қулган иқболимга ҳосид шобу шайх  
 Жону кўнгил розидир ҳар қанча қиммат эрса нарх  
 Бахти жовид ушбу бўлғайким, кўзим суртурга чарх  
 Итларнинг йўли туфрўғин муайян айламиш.

Гар кўнгиллар собит ўлса қасд ила армонида  
 Интиҳо йўқ эрса йўл қатъ этгали дармонида  
 Барқарор доим Азизий ишқ ила имонида  
 Эй Навоий, йўқ ажаб гар чарх ўз давронида  
 Меҳри бирла бир қарорғон кўзни равшан айламиш.

30 сентябрь 2001 й. Тошкент.



Жон кўргали бетоқатлиғи симобдек эрмиш  
Тан зор ўла мукчайгану бетобдек эрмиш  
Ашким ани ҳусни гулига обдек эрмиш  
Ул сарв узори гули серобдек эрмиш  
Лаъли лаби гул узра майи нобдек эрмиш.

Юз очса кўмилгай бу жаҳон ёғдуси ичра  
Минг жонлар асир тори қаро муси ичра  
Шахло кўзи бемисл замон оҳуси ичра  
Кўрдим қоши аксини кўнгул кўзгуси ичра  
Бу қибланамо ул мунга меҳробдек эрмиш.

Қушлар куйи мажнуни бошига қурибон ин  
Бетоқат ўла жони аро лаҳзае йўқ тин  
Фарёд чекиб дедим анга, эй ғорати дин,  
Кўрдум кўнгул аҳволини кўксум тушугидин  
Лаълинг ғамидин қатраи ҳунобдек эрмиш.

Сўзини шакар, хулқини ризвон каби дердим  
Босган изига йиғлаю кўз дуррини тердим  
Юз ноз ила истиғносиға тоқат қилабердим  
Ҳусн анжумани ичра юзин кўрмамиш эрдим  
Анжуман аро хуршиди жаҳонтобдек эрмиш.

Бу жон ила тан ғунча юзинг садқаси бўлсин  
Севгингни шаробига умр косаси тўлсин  
Куйингда бўлай хоку жаҳоним унитилсин  
Девона кўнгул қайди жунундин не қутулсин  
Қим ҳар ҳами зулфинг анга қуллобдек эрмиш.

Билгаймусен, эй ёр, Азизий дили дардин  
Илҳоқлиғи эрмиш аён хуни жигардин  
Лутф ила карам дарсин олиб аҳли ҳунардин  
Бир йўла Навоийни йироқ солма назардин  
Қим ул доғи бир кун сенга аҳбобдек эрмиш.



Мунтазирлик шиддатидир кун кунидин кўпроқ  
 Қўрмасам бир кун агар ул кун умрдин йўқроқ  
 Бул мудом ёнимда, асло бўлмагил мендин йироқ  
 Эй жамолинг нозу ишванг бир-биридин хўброқ  
 Қоматинг марғубу андин пайкаринг марғуброқ,

Ёр учун чексиз фидо деб менга эл тан бердилар  
 Севги даъвогарлари ибрат йўлидин юрдилар.  
 Ёр изига саждага мендин кейин саф тердилар  
 Ишқ аро Фарҳоду Мажнун доғи беҳуд эрдилар  
 Кимса мендин, ғолибо, бу ишда йўқ мағлуброқ,

Кун бакун ортиқ кўнгил бердим кўрар кундин сени  
 Тақдир айлабдир замиринг меҳру имондин сени  
 Эй париваш, демагайлар зоти инсондин сени  
 Ҳар не қилсанг нотаваон кўнглим севар жондин сени  
 Ҳақ яратмайдур экан сендин киши маҳуброқ.

Бу на иқболким, менга юз тутди шундоқ маҳлиқо  
 Лафзи ширин, лаъли майгун, нозанин, нозик адо  
 Гарчи васлингдир ҳаётим борлиғидин муддао  
 Толиб эрсанг қатлима, жоно, сенга қоним фидо  
 Не сенга матлуброқ, улдир менга матлуброқ,

Умр ганжидан насибанг бўлди дурри фаҳмким  
 Шул сабаб қалбинг вафо гулзори билмас заҳмким  
 Мен Азиздирмен қошингда бехатар беваҳмким  
 Гар Навоий бор эди мақбулинг, этгил раҳмким  
 Андин эмди йўқ эрур ушшоқ аро манкуброқ,

22 июнь 2001 й. Тошкент.



Ассалом аҳлан ва саҳлан асдиқоу ақрабо  
Барча шокирлар, вафолилар, ҳама аҳли ризо  
Назҳабу нахну тариқи, аллазий, банно лино  
Ашрақат мин акси шамсил каъс анворул ҳудо  
Ёр аксин майда қўр деб жомдин чиқди садо.

Ўтгану келмас ғамидин хотирингни айла жамъ  
Айни умринг даврига марказ эмишдур ушбу дам.  
Гарчи турмуш илкинга олтин қадаҳ тутганда ҳам  
Ғайр нақшидин кўнгул жомида бўлса зарра ғам  
Йўқтур, эй соқий, майн ваҳдат масаллиқ ғамзудо.

Йиллар ўтди. Ҳар қачон даврон етказди малол  
Лек касбим тозалик, луқмам эди доим ҳалол.  
Заъфли бир коса менга туҳфа қилмишди кулол  
Эй хуш ул майким, анга зарф ўлса бир синған сафол  
Жом ўлур гетинамо, Жамшид ани ичган гадо.

Бу сафол ҳар қайда ҳам беғаш шароб бирлан тўлур  
Ушбу май борида шодлик авж олар қулфат сўлур  
Оҳари умрим яроқлар, қайғу чанги тўкилур  
Жому май гар бўйладур, ул жом учун қилмоқ бўлур  
Юз жаҳон ҳар дам нисор, ул май учун минг жон фидо.

Кечау кундуз шароби нобдин тотсанг агар  
Гавҳари имонинга бир зарра бўлмайдур зарар  
Бошинг узра порлагуси доим алвони зафар  
Токи ул майдан кўнгул жомида бўлғач жилвагар  
Чеҳраи мақсуд, маҳв ўлғай ҳамул дам мо адо.

Кимки, ичса умр аччиқ бодасин беҳуд эрур  
Қисматиға рози эрмасдин анга не суд эрур  
Дайр пирига бўйин эгган одам беҳбуд эрур  
Сен гумон қилгандин ўзга жоми май мавжуд эрур  
Билмайин нафй этма бу майхона аҳлин, зоҳидо!



Даҳр агар паймона тутса галмагал соқийсидан  
Шукр ила сипқор ани олиб жадал, соқийсидан  
Етмасин десанг Азизийдек халал, соқийсидан  
Ташналаб ўлма Навоий чун азал соқийсидан  
«Ишрабу ё айюхал атшон» келур ҳар дам садо.

Декабрь 2005 . Тошкент.

Умр мазмуни чиройи оразинг гулфомида  
Куйламоқ васфингни орзу нозиминг илҳомида  
Нур ёғилгай сен каби хуршидваш иқдомида  
Сен қуёш янглиғ ёруб субҳи шабоб айёмида  
Бизга тундек тийралиғ қисмат қаролиғ шомида.

Ошиқинг гарчи жамият аҳлининг носозидир  
Ишқ жавлонгоҳида лекин ажаб шаввозедир  
Қоплаган ҳар ённи бахтингга дуо овозидир  
Тун саводида магар ҳуффошлар парвозидур  
Музтариб жонлар қуши шабранг зулминг домида.

Дарди ишқинг авж олиб савдойилигим урди бонг  
Тентибон куйида қолди на қушу на ақлу онг  
Лаблари ёди билан бормен тирик ҳар шом, тонг  
Лаъли етган бодадин умри абад топсам не тонг  
Майға чун ҳайвон суйи мамзуж бўлмиш жомида.

Кўнглим олган сарв қомат ҳам кумуш андомким  
Бир тўйиб кўрмоқ кўзимга чин муқаддас комким,  
Иштиёқида вужудим шунча беоромким,  
Демаким, кўрсанг ани кўнглингга бер оромким,  
Ихтиёрим йўқ анинг таҳрикию оромиди.

Дилбарим сургай малаквашлар элида салтанат  
Ҳусни гулзорининг айлай васфини булбул сифат  
Жисми сиймин, лаъли рангин, сийна олтун, сарвқад  
Руҳи лавни жими йўқ деган сўзин билгай ғалат  
Боқса ул гул менгизи ранги тану андомида.

Эй Азизий, севгида бедод ваҳмин урмағил  
 Ҳар не бўлса ишқ йўлидан ўзга йўлга юрмағил  
 Неки оиддир анга асло ёмонлиқ кўрмағил  
 Эй Навоий, ёр лутф айлаб тилабдур, турмағил  
 Гарчи кўп бедоди мумкиндур анинг пайғомида.

13-15 июль 2002. Олмаота.

Оразин этгач намоён эл бари шодон анга  
 Зулфи анбарбори боши узра чун райҳон анга  
 Орзуи васли бирла шод мен-нодон анга  
 Ул пари пайкарки, ҳайрон бўлмиш инсу жон анга  
 Кимки, ҳайрона эмас мен телба, мен ҳайрон анга

Шавқи ишқин авжида чиқдим фалак рафъиғаким,  
 Мумкин эрмас мунча юксаклик башар аҳлиға ким  
 Зарра парвосиз улуснинг айлаган манъиғаким,  
 Не ажаб парвонадек куйса юзи шамъиғаким  
 Кўп бўлубмен васл умиди бирла саргардон анга.

Ишқ оташгоҳида қул бўлди жон бирла бадан  
 Бу оловнинг тафтидандир барча олам ҳангу манг  
 Зор аҳволимдин асло беҳабар, эй сиймтан  
 Тойири ҳажринг бузуғ кўнғлумғаким, қилма ватан  
 Чуғздеқдурким, нишиман қилди бу вайрон анга.

Кечау кундузлари ваҳ, ваҳ ишим оҳу фиғон  
 Қисматим бўлди улус оғзида гоҳ-гоҳ достон  
 Васл умиди саробга бошлағай гоҳ-гоҳ қаён  
 Ҳажрида таҳ-таҳ кўнгул қон боғлагандандур нишон  
 Номаи шавқимки, кўздин тэмди тим-тим қон анга.

Орзу боғи аро ҳамдам эди менга сурур  
 Чун хаёлот ичра туғён айлабон боди ғурур  
 Ўйладим суқмоқ висолинг қасрига ўл кўрсатур  
 Тири боронинг ғами кўнғилғаким, ёғун эрур  
 Ҳар тарафдин барқи офат ламъаи пайкон анга.



Ошиқи содиқ эсанг маъшуқанг иқболин тила  
 Жонинг ийсор айла анинг теграсида ўргула  
 Етса озори қабул эт марҳаматлар деб била  
 Оташин гул чунки булбул куйдирур юз важҳи ила  
 Не осиф фарёду афғон бирла минг достон анга.

5 июнь 2004 й. Тошкент.

Қанча такдир этса зулме қилмадим асло гина  
 Ўтди исён тўлқини шундоқ ювошлиқда тина  
 Энди етмишдир менга толеъ мукофоти мана;  
 Бир кичик ёшлиғ нигоре топмушам нозуккина  
 Секретурга тавсанин майдон аро чобуккина.

Доимий мафтунимен ширин-шакар сўзгинасин  
 Жон берурмен ишва бирла сузса сал кўзгинасин  
 Гоҳ очар кўнглим гулистон айлабон юзгинасин  
 Гоҳ вафо, гоҳ нозу гоҳ афсун била ўзгинасин  
 Кўргузур ҳар лаҳза дилбарлиғда бир турлуккина.

Ўзидур кўнглимга матлуб якка бир жононгинам  
 Гоҳ кўриниш берса, кўзимдин гоҳи пинҳонгинам  
 Гар йўлин топсам қўлимга тушмаги осонгинам  
 Асру ялғон ваъдасидин куймиш эрди жонгинам  
 Онгдибон бир кеча тушди илгима усруккина.

Ботиниб келдим ёниға шунда тўғри-туппа мен  
 Бағрима босдим ниҳоли қоматини турфа мен  
 Тордек нозик белини мойил айлаб ўзга мен  
 Истадим бўйнин қучиб юзгинасидин ўпгамен  
 Иштироб айлаб талошди бор эмиш қучликкина.

Лаълнобига тилаб шаҳду шакар боре сепай  
 Тортиниб қайрилди, қолдим орзу ичра нетай  
 Гул жамолиға десам ошифта булбулдек қўнай  
 Юз ўпарга қўймади, илгин дедим борин ўпай  
 Ташлади юмруққина қилди кўзимни кўккина.



Шўришим вақти булутлардин этиб холий қовоқ  
Марҳамат даргоҳида қадр айлабон қилса қўноқ  
Сен ҳавас бирла Азизийга деюрсен ўша чоқ  
Ҳар не дединг бор эди ёлғонгина бошдин оёқ  
Эй Навоий мунча ёлғон дегучи ул шуккина.

10-14 ноябрь 2002 й. Тошкент.

Ошиқига ёр лутфи бемалол ўлди яна  
Чун ҳаёт осмонида пайдо ҳилол ўлди яна  
Умр ариғин сувлари тўлиб зилол ўлди яна  
Бода тут, соқийки, айёми висол ўлди яна  
Даст берди шодлиғ, ғам поймол ўлди яна.

Шодмонлиғ бирла сур даврон карам давридаким,  
Марҳаматли ёр, шўхи муҳтарам давридаким,  
Кўзи оҳу, мижа тир, қоши қалам давридаким,  
Май мудом ич ул лаби майгун санам давридаким,  
Зухд ила тақво ҳарому май ҳалол ўлди яна

Бели нозикликда тору кўксиде икки тугун  
Сарв қоматлар малоҳат бирла йўғрилмиш бутун  
Йўлида муштоқмен қаддим эгик, бошим нигун  
Ғамза бирлан кўзлари айни бало бўлган учун  
Ушбу маънига паришон зулфи дол ўлди яна.

Яхшиларнинг ҳусн боғида чаман очилди гул  
Барча кўзлар термулур онинг тамошосиға мўл  
Баъзилар мастону баъзи шавқ таъсирида ҳўл  
Хўблар куйига сайр айлаб бериб эрди кўнгул  
Кеч келурда сўнга билмонким, завол ўлди яна.

Эй Азизий, ёр васли шарбатин уммид қил  
Бу тилак ижросиға хизматда бўлсин қалбу тил  
Умр мазмуни муҳаббат ҳам висол эрконни бил  
То лаби жонбахшидин топти Навоий коми дил  
Эй ажал, улмак анга асру маҳол ўлди яна.

16-20 июль. 2002 й. Олмаота.



Кундузи фикрим асири юзу кўзи қошиға  
Тунда ётсам ботаман оққан кўзимнинг ёшиға  
Субҳидам кўнглим дегайким, чек қўйиб бардошиға  
Истарам етсам қуюндек гул узорим қошиға  
Оллида туфроғ ўлуб эврилсам онинг бошиға.

Мақсадим қўйсам оёғи узра бош, берсамда жон  
Қон ёшимдин зоҳир айлаб ҳар тарафда бўстон  
Жабҳани кўрсанг қизил ранг лолазор этма гумон  
Хоро узра лола бутгандек эрур ҳар ерда қон  
Боқсалар жисмимга отқон ҳар маломат тошиға

Фикру зикрим ёр биландир жисми зорим беқарор  
Заъфлик кўнглимга булбулдек овозидин мадор  
Гар ниҳон бўлса кўзимдин сели ашким шашқатор  
Кўзларидан ёш оқизгай балки қон беихтиёр  
Ҳар кишиким, солса кўз гирён кўзимнинг ёшиға.

Бахш хурсандлик менга айла, рақибларга алам  
Бошими кўкларга етказ қўйибон унга қадам  
Тахта айлаб кўкрагимни, айтгил, эй зебо санам  
Кўзларим қилсун садаф кифрикларим этсун қалам  
Бўладур бойисти зебо сувратинг наққошиға.

Кулбам обод бул паридек аҳли дилнинг азмидин  
Эрса шоир кўнгли ношод ул парининг жазмидин  
Бул пари сийлар Азизийни мурувват базмидин  
Ҳар гуҳарким, васфида сочти Навоий назмидин  
Ул пари девона деб бир тош отар подошиға

(ивазига, мукофотиға)

20 июль, 2004 й. Тошкент ш.

Шеър ёзарман ҳама дам сенга атаб  
Васфинга булбул каби, эй гулгун лаб,  
Куйдурур оташ нафасинг ўтга қалаб  
Ишкдин ёнса танам сўрма сабаб  
Куйса хошок ёлдиндин не ажаб.



Воалар тўсса йўлинг этса хужум  
Нолалар бирла босиб анда қудум.  
Болалар даврани қуршар гавжум  
Ҳўблар мактаб аро хайли нужум  
Ул қуёш ўртада моҳи мактаб.

Эгма қошингга асир кўкда ҳилол  
Ақлу хуш ўғрисидир икки ғизол  
Оғизингму кўринур ғунча мисол  
Зақанинг чоҳу анинг остида хол  
Чоҳнинг нуқтаси, эй нўшин лаб.

Иффату шарт ила шайдо қил кўнглин  
Ақли ушшоқни ойу йил кўнглин  
Маҳлиё этгусидур, бил, кўнглин  
Ҳусн ила ишвау ноз эл кўнглин  
Онча олмаски, ҳаё бирла адаб

Ёр бирла қурибон базми ниҳон  
Эй Азиз, ўткар умрни шодон  
Арзимас эрсада қайғуға жаҳон  
Ҳажр аро хаста Навоийға фиғон  
Эй висол аҳли, сизу лаҳни тараб.

19 декабр, 2020 й. Тошкент ш.

Сабо елди силаб оҳисга ғаб-ғаб  
Табассумда қизардилар ики лаб  
Қуёш юзига нур сочганда ўйнаб  
Қачон мактабга ул моҳи муаддаб  
Борур ўздин борурлар аҳли мактаб

Синфнинг барчасида қанча армон  
Кўрарлар сўз дури файзида уммон  
Қаро тахтага оқ маъно ёзаркан  
Бўлур лавҳи забаржад аҳли ҳайрон  
Чу олур илгига лавҳи музаҳҳаб.



Чу дарси чоғи ҳар ён сочилурлар  
Сафои умр, ишқ, имону нурлар.  
Бялим ёғдусига диллар тўлурлар  
Дегаҳ абжад бошинга эврулурлар  
Қамар бирла қуёш яъну жодуаб.

Муҳаббат одамийликдир юруши  
Жаҳолат офатидир борқ уруши  
Маориф гулшанидир тўш-тўши  
Нечукким, мактаб атқоли хуруши  
Ғамидин халқ аро фарёду ё раб.

Анинг бемисл шайдоси эрурмен  
Йўлига назмдин гуллар терурмен  
Мудом таъзимига бошим эғурмен  
Муаллим қуллуғига хат берурмен  
Ғар озод айласа сарви шакарлаб.

Сифотинг достони мадҳи авжим  
Тану жон дардига кўнгил мутаржим.  
Азизий ноласи тинмайди бир зум  
Навоий ашкидин то шом анжум  
Тукар чиққайму деб ул саъд кавкаб.

15 февраль, 2004 й. Тошкент ш.

Гулшани ҳуснини тавсифи назар илғанча ҳўб  
Чок қўксим кифрики ханжарлари тилғанча ҳўб  
Ҳар кишининг ёридир унга ўзи билғанча ҳўб  
Эл парию хурни дегай ғумон қилғанча ҳўб  
Лек эрур хури паризодим менинг юз онча ҳўб.

Лаълнаби жонсипардир, тор оғзи ғунчадек  
Суврати ғўё ики шаҳис кўзин сузган кийик  
Ким топилғай покдомон, ҳўблиқда мунчалик  
Давр ичинда фитна ҳам кўп, ҳўб ҳам беҳад валеқ  
Бўлмағай мингдин бир ул сарфитнаи давронча ҳўб.



Дардсизлар дардмандлар дардини кўрмас, не айб  
Муътадиллар ишқ аҳлин ҳолини сўрмас, не айб  
Беҳабар эл кўз ёшимга зътибор бермас, не айб  
Хуснига ушшоқ агар менча ҳалок эрмас, не айб  
Ким киши ул юзни кўрмабдур мени ҳайронча ҳўб.

Ҳўблиқда олам ичра беқиёс, ялғиз нигор  
Бир умрга олди биздан сабр бирла ихтиёр  
Тилда номи, жисм аро ўт, кўз йўлида интизор  
Эй кўнгул, Фарҳоду Мажнун бўлғай эрди бизга зор  
Бўлса эрди Лайлию Ширин бизинг жононча ҳўб.

Жон оғизға етганида хуснин айлаб ошкор  
Ҳам ҳаётим сақлаюр жисмимга бахш айлаб мадор  
Ваъдаси бирлан тирикман, иштиёқи бирла зор  
Буки, тарки ишқ этарлар ваъда ялғон қилса ёр  
Қилса бўлмас бўлса ёр ул ваъдаси ялғонча ҳўб.

Нозпарвар ёр қалам қош, кўзи мастон, маҳлиқо  
Гулшани хусн ичра танҳо, ишвасоз, нозик адо.  
Иффату одобда ибрат эрур, касби вафо  
Эй кўнгул, ҳуру пари васфин эшитдим гўйё  
Қеч қайси одамийлиғда эмас инсонча ҳўб.

Жаннат осо маскан ўлғай хонам ичра келса ёр  
Келмаса ёшлиғ кўзим куйига сув тўккай қатор  
Мен Азизий жон чекиб сенга демишмен неча бор  
Эй Навоий, куйининг хори кўзимга гулча бор  
Ким эрур оллимда куйи равзаи ризвонча ҳўб.

**15-16 июнь 2003 й. Олмаота.**

Гўҳ узоқлардан овозин тингласамда ўзлашиб  
Дермен ўлтирсам ёнида қўлни қўлга ушлашиб  
Не гўзал фурсат, севишганларки, бир дам уйнашиб  
Хуштурур бир тийра шоми ҳажр ики ёр учрашиб  
Ҳопишиб бир-бирларин маҳкам кучушуб йиғлашиб.



Гарчи ошиқ қисмати ғам тоғида тамкин бўла  
Бир муруват учқуни кўп меҳрдек талқин бўла  
Марҳаматли ёр лутфига ажиб таҳсин бўла  
Ҳажр дардию фироқ андуҳига таскин бўла  
Ўлтуруб улфат била бир-бирларига ёндошиб.

Гарчи учрашмаслигига оз фурсат бўлганин  
Айрилиқнинг бир куни йилдек бўлиб туюлганин  
Муттасил ёри жамолин кўргали интилганин  
Фурқат айёмида ҳар бирни бошига келганин  
Ўз туман ҳамдардлиғлар бирла ҳар дам сўзлашиб.

Гоҳи зулфи тусланишидин юзига етса зеб  
Ёр ҳусни шамъига парвоналикни кўрса эп  
Қўйнидан бир лаҳза эркин қўйғали афсус еб  
Гоҳ васл иқболининг ишратларидин шукр деб  
Гоҳ фироқ идборининг шиддатларидин мунграшиб.

Бири бўлса сарвқадға чирмовуқдек печтоб  
Ҳар иков тўлғонса гўё мавж урғондек симоб  
Гоҳ ёвушқон сингари коса ичида қанду об  
Гоҳ икки ришта янглиғким топар бир-бирга тоб  
Иккилик фаҳм ўлмағудек бир-бирига чирмашиб

Юзига гоҳ лаб тегиб, гоҳ лабларига тил тегиб  
Ёнишиб бўйига бўй шамшод қоматни эгиб  
Чун кучоқ тўсиқи бирла хипча белни беркитиб  
Икки ёндин қўл ҳамойил берк-берк андоқ чекиб  
Ким яна бир-бирдин айрилмас масаллиқ ўрмашиб.

Икки ёр иши тўла эрмас ҳикоят мужиби  
Ҳар бири билгай недур ишда кифоят мужиби  
Ибтидо, авжи амал ҳамда ниҳоят мужиби  
Айни васл ичра иши ўтса шикоят мужиби  
Икки ёндин рафъ этиб бир-бирларини алдашиб



Эй Азиз, ёринг изин кўзингга сурт, чангини ўн  
Ҳар не анга оид ўлса, бил муқаддас, асру ҳуб  
Ифтихор эт эрканингдин севги уммонида чўп  
Эй Навоий, бу маҳал андишаға чирмашма кўп  
Журъат айлаб бетоҳоший сўзларинг ҳар дам ошуб.

10-14 сентябрь. 2005 й. Тошкент.

Жигар ўтим кўрибон хаёл қилма олов  
Бу гулхани ишқдир. Қор ичра топти қалов  
Ишқ савдосида борувчи карвони улов  
Не билғай улки, қилур худ узра жилва ялов  
Менинг ўтимники, бошим узра ёнар лов-лов.

Ёрутса арзигулик мақомим ичларини  
Надинки ечмадим асло севги печларини  
Умр бўйи рад этибон қадри ҳечларини  
Бало аро чу мен ўлдим бало қиличларини  
Не тонг этгали лавҳи мозорим ўлса билов (қайроқ тош)

Бандиликда мени кўйиб наҳотки у кетгай  
Қаёнга борса ҳам эсим ани қувиб етгай  
Оёғиға ёпишмай заиф жисм нетгай  
Қўлимда банди жунун тасмаси не фикр этгай  
Паривашеки, миниб дев қўлиға олса жилов.

Фгон булутларим ўрамишлар еру кўкни  
Топармисан тан уза ёнмаган бирор тукни  
Наҳотки шу эрса азалнинг мен учун ҳукми  
Фироқ ўтида қарордим магарки бу ўтни  
Ёрутғали мени даврон иликни қилди кўсов.

Умр ниҳоясида ҳар киши қолур бекас  
Вале бу ҳаётнинг кўзларини юммоқ эмас  
Ҳамиша завқу сафо гўзаллик истаю бас,  
Юз узра хай, гул узра шабнамин қилма ҳавас  
Баёз шай била чун ёғун, бошинг узра қиров.



Бирор кун ҳам Азизий ёрдан бўлма йироқ  
Висол гулшанига айланур оловли фироқ,  
Фараҳумиди билан бўл, кетма андин узоқ  
Навоий айлаб эди гарчи роз қизини талоқ  
Ҳалола бўлса ҳам ул қизни олғуси бу қуёв.

29 октябрь 2005 й. Тошкент ш.

Субҳ ели сингари эпкин саломи бор анинг  
Жонимнинг сарлавҳига лойиқ паёми бор анинг  
Ҳар қадамда қанча ифбат, интизоми бор анинг  
Ваҳ, не руҳафзо қаду дилкаш хироми бор анинг  
Гўйё жон гулшани ичра мақоми бор анинг.

Лутфи жонбахши берур ҳар дам вужудимга сабот  
Меҳри нурида сафо осмонида ёзсам қанот  
Мен тирикмен ул малас кўрсатганида илтифот  
Ўлмагимда бир неча гуёки уммиди ҳаёт  
Жон била бу ишда балким, ихтимомми бор анинг.

Умрими мазмуни юзига тикилмак деб ҳамон  
Кутгамен ҳар кун қуёш янглиғ кўринса ногаҳон  
Бўлмагач бир лаҳза кўз кўзгусида ҳусни аён  
Қолди кўнглим ғам тунига субҳ васл аҳли қачон  
Айлагайлар фаҳмким, не тийра шони бор анинг

Неча кунлар топмадим ёрим изидан бир асар  
Нолишимдан барча махлуқот қочди сарбасар  
Хорлар тирнар танимни кезганимда дарбадар  
Жоним узра доғлардин, ваҳ, қачон топқай хабар  
Ўлки гулбарг узра холи мушкфони бор анинг.

Бошдан охир бурканиб ишқу муҳаббат рамзидин  
Фош этай сидқу вафо ҳар бир туғуннинг мағзидин  
Марҳамат илхомидир сўз чиқса ғунча оғзидин  
Топтилар руҳи равоним парвариш ҳар лафзидин  
Оллоҳ-оллоҳ не равонларвар каломи бор анинг.



Эй Азизий, ўзни содиқликда қойим топмоғинг  
Ҳар ишингда поклик ҳукмини ҳоким топмоғинг  
Ёр учун ҳар дам фидойиликни лозим топмоғинг  
Эй Навоий, давлати зоҳирни доим топмоғинг  
Фақр иқболидурур, улким давоми бор анинг.

4-5 декабрь 2005 й. Тошкент ш.

Дардпарвар кўнглим истар ёр ялғиз сен ўзинг  
Чун тирикдурмен баногоҳ мен сари тушса кўзинг.  
Аҳли дил, басдир маломат шафқат илкини чўзинг  
Ошиқ ўлдим, панд берманг, чорам асбобин тузинг  
Ишқ зор этганга зулм этманг тарахҳум кўргузунг.

Ёр лутфи офтобидин мунаввар жону дил  
Ғунчаи оғзини васфи бирга бурро бўлди тил.  
Ишқимиз туғёнидин бир зарра ноогоҳ эл  
Эйки, дерсиз, ишқ аро сабринг уйин обод қил  
Мундоқ этгунча ҳаётим қасри бунёдин бузинг.

Сидқу одобу малоҳат гулшанининг зеби ул  
Нола қилгай жон қуши гулзори ҳуснида хулул (кириб)  
Нозпарварду тағофилпешага тутсам ҳамул (сабр)  
Сарвинозимким, берур кўз боғидин қилмон қабул  
Гар анинг ўрнида тубо нахлини ўлтурғузунг.

Ҳар сўзи жону димоғимга эрур қанду набот  
Дил қуши андин фараҳ осмонига ёйгай қанот  
Тавсифин ёзмоққа етгай на сиёҳ килку давот  
Онсининг эй дўстлар, не захру не обиҳаёт  
Ким мусовийдур манга гар ўлтиринг, гоҳ тиргузунг.

Ёри йўлида фидойилик эрур ошиққа урф  
Берса кўнгил мулкини таслим этиб бир айну турф  
(кўз очиб юмгунча)

Ўзга таъсирга Азизий қалби ичра тушди қулф  
Чун Навоий кўнглина қилди гириҳ бир тори зулф  
Дўстлар, сарриштаи уммидни андин узинг.

31 май, 2003 й.



Жилвагардир суврати хотирим узра ҳануз  
Шул сабаб равшан замирим, ғарқдир нур ичра қўз  
Махтавига банд булбул сози, шеър у назму сўз  
Бор анингдекким керак ул қўзу қошу қадду юз  
Оллоҳ-оллоҳ, ким қўрибтур ҳусн бу янглиғ тўқуз.

Ҳар тақаллумда тўқилсин дурру гавҳар сўйлаким,  
Ғунча оғзин васфани, эй андалиб сен қўйлаким  
Эзма қошингдир қилич, кифрикларинг тиғ, ўйлаким  
Зулфинг эгрилик қадинг тузликдадирлар ўйлаким  
Сунбул эрмас мунча эгри, сарв эрмас онча туз.

Сен эурсан Зухра, мен севги аҳлин Тоҳири  
Тенг келолмас бизга ҳеч бир сидқ элининг доири  
Мен эсам девонавашлиқ сийратининг моҳири  
Сен эурсен ҳусн шоҳи, меҳри сойир тожири  
Ким чекибтур оллинг афлок жинсидин тўқуз

Илтифотинг шарбатини маст этиб ўтқузгасен  
Ёрлик таврида дилбарлар аро сен ўзгасен  
Мен билан сабру чидам аҳдини маҳкам тузгасен  
Неча қўнғлим кишваридин сабр тарҳин бузгасен  
Бор дағи бу хиттадин зулму ситам тарҳини буз

Кун ба кун ортар муҳаббат йўлида олган юким  
Айламиш тақдир азалдин шу жиҳат бирла ҳукм  
Ястаниб қуйингда ётмоқдин муродим ҳам шуким,  
Қўз оёғингга етар уммид бирланким бу ким,  
Оллинг юз қатла ҳар соат қўярмен ерга юз.

Ёзмишим тақдир насиби бирла бўлмишдир сабот  
Қасб этдим ушбу қисматга ризоликла қанот  
Фақри фахрий йўлидан бориб чиқардим яхши от  
Фақр қўби туфроғиким, улдур иксири ҳаёт  
Жон бериб қўз ёритувга олсанг олмишсан ужуз.



Овламоқ мақсудимиздир ҳар ҳавойи кўнглини  
Ишқ водийсини сарсону гадёйи кўнглини  
Хушласанг олмоқ Азизийдек адоӣи кўнглини  
Эй қаландарваш муғанний гар Навоӣи кўнглини  
Истасанг ҳар лаҳза беҳол айламак тузгил қубуз.

14-15 октябрь 2005 й. Тошкент.

Гарчи сўзингнинг давоми эрди менга шунча оз  
Тинглаб эрмасдим мунингдек хуш калому жумла соз.  
Ҳар қачон бахш эт қулоғимга бу оҳангу овоз  
Сарв янглиғ жилва қилсанг ноз ила, эй сарвиноз  
Жонлар этгайлар оёғингга фидо аҳли ниёз.

Олами ҳусн ичра сен янглиғ сулув, ваҳ, кўрмадук  
Ишқ тугёни аро бундай ғулув, ваҳ, кўрмадук  
Нозу ишванг ичра шундай ёришув, ваҳ кўрмадук  
Нури рухсоринг кўнглини қилди сув, ваҳ кўрмадук  
Шамъ тоби, уйлаким, андин лаган топгай гудоз.

Маҳфилингдир жаннат осс неча дил бош қўйдилар  
Остонангга йиқилганлар залил бош қўйдилар  
Барча дебон масканинг масҳин дадил бош қўйдилар  
Ул санамким, қасри атрофида эл бош қўйдилар  
Каъбадекдурким, қилурлар барча соридин намоз.

Оразинг хуршиди боисдир бу дунё маълумин  
Шуъласи ёрутгусидир барча маъно мафҳумин  
Тингла арзин беибо бедилларингнинг мазлумин  
Ё сипанд эт юз утиға кўзларимнинг мардумин  
Ё юзунгни ёпиб айла эл кўзидин эътироз.

Ёри дилбандим камолоти кўкларга етар  
Кимки, нозимдир анинг мадҳин қилиб назмин битар  
Бу муҳаббат донги балки еру осмонни тутар  
Ишқ агар қотилдурур маъшукни маҳкум этар  
Бўлмайин Маҳмуд бўлмоқ истама ёринг Аёз.



Илтифот этганда дилбар кўпу озидур дема  
 Гар тағофилу итоб кўрсатса нозидур дема  
 Севги гулбоғи Азизим мулки мозийдур дема  
 Гар Навоий йиғласа ишқинг мажозийдур, дема  
 Ким назар пок айлагач, айни ҳақиқатдир мажоз.

29 июль 2003 й. Тошкент.

Ишққа ярашур ишқибоз аҳли  
 Умринг беағи дилнавоз аҳли  
 Шукрлар айлағай сарфароз аҳли  
 Ҳар неча жавр қилса ноз аҳли  
 Тортмай найлағай ниёз аҳли,

Мен тирикмен висол нақдида  
 Гўйё бахт мулки тахтида  
 Кайфи бирла сўзини шахдида  
 Оғзи рамзию нутқи вақтида  
 Ажзга қойил ўлди роз аҳли.

Кўчаси узра мўътабар тупроқ  
 Ястанур жонлар унда чун япроқ  
 Қанча ошиқ харобу, кўнгли оқ  
 Куйи даврида бенаво ушшоқ  
 Тавф аро уйлаким Ҳижоз аҳли.

Бош эгиб ҳужуми олдида жим  
 Чиройига жонинг бўлур таслим  
 Мамнун ушбу иши билан ҳар ким  
 Бузди ҳусн аҳли кўнглум андоқким  
 Ёғий мулкин турктоз аҳли.

Ҳусни таърифини этсам назм  
 Куйдиришга қалбларни жазм  
 Бўлмади фош юракдаги азм  
 Риштаи жоним узди мутриби базм  
 Узса торин нечукки соз аҳли.



Ҳақ эрур кимки ишқи мажоз деса  
Қайтмагай нечаки дашном еса  
Айру қилманг бир-бирини кеса  
Мену ишқи мажозий элтур эса  
Йўл ҳақиқат сори мажоз аҳли.

Қанча илмни Азизий ўрганса  
Ета олмай чекига ўйланса  
Ишқу илму дебон у тўлғонса  
Шамъ янглиғ Навоий ўртанса  
Тонг эмас, бўйладур гудоз аҳли.

28 октябрь 2005 й. Тошкент.

Замона кам этмайди озорини  
Йиқитгай ниҳоят бу безорини  
Куни интиқу тунда бедорини  
Сўра келмади ёр беморини  
Бу иш қилди беморроқ ёрини.

Ниҳоятсиз эрса азобу алам  
Агар нишини санчса дарду ситам.  
Унут бўлғуси барчаси ўша дам  
Кўнгулсизлик андуҳидин, ваҳ, не ғам  
Киши кўрса ёнида дилдорини.

Ана маст чашмону ҳусну чирой  
Ана лаъли хандону ишратнамой  
Дилим мадҳида бўлди дostonсарой  
Онингким, қадин туби этди худой  
Беҳишт этди гулзори рухсорини.

Агар бўлса ҳар кун салому алик  
Фароғат нишотиға бўлмайди чек  
Кел, эй бағрима шод чўзиб илик  
Не хад кўнглакинг истамакни валеқ  
Ярам тиккали бир анинг торини.



Қўринмай бир қуни инглизор этдиким,  
Туюлди манга йил, хумор этдиким,  
Балоларга қанча дучор этдиким,  
Қўнгулни фироқ уйла зор этдиким,  
Магар васл дафъ этгай озорини.

Азизийни ҳолини сўр лутф ила  
Бўлур маҳв андуҳу шўр лутф ила  
Бағишла қўнгулга ҳузур лутф ила  
Навоийга жавр этма, қўр, лутф ила  
Тани зорини, жони афгорини.

**2-3 ноябрь 2005 й. Тошкент.**

Кимки, билмас мендин ўргансин муҳаббат сиррини  
Ҳам гўзалликнинг муҳаббат ўргатувчи сеҳрини  
Қўп ҳаёл айлаб гулистон гулларин тасвирини  
Тушта сарву гулни ислаб бирни қучтим, бирини  
Айлагил, эй сарви гулруҳ, бу тушим таъбирини.

Зулфи сунбулларни домига асир ўлди вужуд  
Сарви қаддининг хиромига пойандоз жисм худ  
Тушти мастона нигоҳи оҳим узра чиқди дуд  
Англадик, ўтлуғ юзи қўнглим не янглиғ қилди суд  
Мум ароким, қўрмамиштур шуъланинг таъсирини.

Бу қуюндек тентирар саргаштаники, чоғлангиз  
Қўнглини ишқу жунун ўчоғи узра доғлангиз.  
Телба аҳволимни истар эрсангиз оёғлангиз  
Дўстлар дафъи жунуним гар тиларсиз, боғлангиз  
Ул пари куйида бу девонанинг занжирини.

Сарв қаддинг, зулфи мушкинг, гул юзингдир булъажаб  
Беҳисоб эрмиш тамошоси учун аҳли талаб  
Гар яратмоқни, пари, хуснингни қоғозда тилаб  
Сувератингдин ожиз эрса Моний, эрмастур ажаб  
Қайда наққош айлагай килки қазо тасвирини.



Нозанинлар ноз аро моҳир вале қадрин билур  
Қадр қилганларни кўнглин тоғ этарга интилу  
Жон фидо содиқларин албатта диққатга илу  
Васл ила қилғил бузуқ кўнглим иложинким, қилур  
Шоҳ адл этмак била вайроналар таъмирини.

Ёшлик гулзори ҳар доим беҳишт эрмиш манга  
Ишқ майдонида чобуклик сириниш (одат) эрмиш манга  
Ёр учун жонни фидо этмоқ риш (табиий) эрмиш манга  
Ишқу май, эй шайх, азалдин сарнавишт эрмиш манга  
Ваҳ нетай, хуш кўрмагаймён тенгрининг тақдирини.

Эй Азизий, ишқ афғонин самолардин ошу  
Дард туғёнинг вужудинг сатҳидин тўлиб тошу  
Олам аҳли чорае топмай бу ҳолингга шошу  
Эй Навоий, дерсен ул ой ишқини элдин ёшу  
Оти мазхур ўлса, найлай, ҳолатим тағйирини.

1 ноябрь 2005 й. Тошкент.

Ишқ кунжидурур умр боши  
Фасонадир элга сирим фоши  
Қолмади жаврларга дил доши  
Селларким, тукар кўзим ёши  
Сойининг тошидур ядо тоши.

Эгилди қад таъзимингни қила  
Қадалди тиғи кифрининг тила  
Омонлик, эй кўнгил, эмди тила  
Даъви этгайму эрди қошинг ила  
Бўлмаса ёйнинг ики боши.

Чидамни гар қўйсамда жойига  
Ишониб бесабр англайига  
Тушди сабру тоқатим пайига  
Қаҳридан чинки, тушди манглайига  
Чиннинг остида нун эрур қоши.



Ҳуснидин руҳланиб ёзди қанот  
 Нақшлар бино этувчи зот  
 Ҳублик санъатида ёйғали от  
 Рангин эзмакка солмиш оби қаёт  
 Чеҳранг очқонда сунъ наққоши.

Чиройу назоҳат аро танҳо  
 Ёш гузалга бўлиб эдим шайдо  
 Ўйлабон шу ишим эрур аъло  
 Қариған чоғда айлади расво  
 Мени гарчи кичикдурур ёши.

Азизий оғишмай ўнгу сўлидин  
 Борар умрнинг боғу чўлидин  
 Гарчи ҳеч иш келмагай қўлидин  
 Гар Навчий қочар фано йўлидин  
 Не ажаб йўқ анда йўлдоши.

**29 октябрь 2005 й. Тошкент.**

Қўймагаймен тилдан бир дам номининг такрорини  
 Танга жон киргай эшитганда ширин гуфторини  
 Умр мулкимни ёрутгач кўрсатиб дийдорини  
 Қилдим ул ой оллида ошиқлиғим изҳорини  
 Мен анга сиррим дедим, билмон анинг асрорини.

Бош яланг, озғин тана, эғнимда эски жомае  
 Бўлмишам куйида тентиб эл аро хангомае  
 Арзи ишқим этгали олдим қўлимга хомае  
 Қўз қаросин ҳал қилиб ул ойга ёздим номае  
 Бори бу тазвир ила кўргай кўзим рухсорини.

Бир куни кўрмас эсам жисмимга ёпишгай мамот  
 Лек овозини эшитгач, жон қуши ёзгай қанот  
 Гар тириклик боисимдир ул малак, ул хур зот  
 Қўзидин то жонға етмон, лаълдин бермас ҳаёт  
 Ул Масиҳ ўлдим деганда тиргизур беморини.



Эй Азизий, ёр даргоҳин муқаддас билғасен  
Боргоҳига садоқатнинг ялсвин илғасен  
Чун вафо аҳлига ибрат бўлғали интилғасен  
Эй Навоий, шавқидин ўлсам иморат қилғасен  
Туфроғим бирла муҳаббат қуйининг деворини.

2 май 2002 й. Тошкент.

Орзуйим ҳар нафас кўрмоқ анинг дийдорини  
Куйламоқ булбулсифат хусни гулу гулзорини  
Тинглаганда маҳвашим девона кўнглим зорини  
Қилдим ул ой оллида ошиқлиғим изҳорини  
Мен анга сиррим дедим, билмон анинг асрорини.

Телбаликлар бирла бўлдим эл аро хангомае  
Бошда кир қалпоқ яна эғнимда йиртуқ жомает  
Ўлтириб девонавор олдим қўлимга хомает  
Кўз қаросин хал қилиб ул ойға ёздим номает  
Бори бу тазвир ила кўргай кўзим рухсорини.

Ёр кўнглим қадрини қилганда айлаб илтифот  
Лутфи қалбим тўрида жойланди, этгум ихтиёт  
Икки оҳусин тамошоси менга авжи нишот  
Кўзидин то жонға етмон лаълидин бермас ҳаёт  
Эй Масиҳ, ўлдим деганда тиргизур беморини.

Етмади хуснинг гули тасвирига бардоши сунъ  
Тори зулфинг ҳам белинг нозуклигин сирдоши сунъ  
Эй малоҳат боғида ялғиз ўзинг қардоши сунъ  
Оразинг даврон чекарда гўйё наққоши сунъ  
Меҳр даври бирла тенг очмиш эди паргорини.

Ошиқ аҳли ёр васлидин умидин узмасин  
То мукаррам бўлмагай базми сафосин тузмасин  
Тула соғар қўлларимда хуш шаробин сузмасин  
Тўлма жомин ким, бало сели жаҳонни бузмасин  
Мист кўрсанг, зоҳидо, дайри фано хумморини.



Ёр отини Азиз жон қулзумида билғасен  
 Умрлардир васл даргоҳи сари интилғасен  
 Иштиёқи бирла йўлида не лозим қилғасен  
 Эй Навоий шавқидин ўлсам иморат қилғасен  
 Тупроғим бирла муҳаббат қуйининг деворини.

16-17 ноябрь 2003 й. Тошкент.

Ошиқингга лутфу эҳсонинг тириклик неъматини  
 Шаққарафшонлик билан сўзинг масиҳий қудрати  
 Олтинун гавҳар сафосидир каломинг иззати  
 Эй дудоғинг шарбатида оби ҳайвон лаззати  
 Лаззати бўлғай насибим бўлса лаълинг шарбати.

Тун қоронғуси берувчи акс иқболимғадир  
 Янги ойнинг ўроғи ўхшаш қади долимғадир  
 Кўкда юлдузлар мисоли кўз ёши олимғадир  
 Кечалар ҳажрингда беҳудмен менинг ҳолимғадир  
 Шамънинг гоҳ қуймоғи, гоҳ нолаеси, гоҳ раққати (юмшамоғи).

Севги авжин боиси сендек пари озод эрур  
 Лутф уммиди, айрилиқ ваҳми дилимда ёд эрур  
 Эҳтимоли васл зоҳир эрса хотир шод эрур  
 Меҳнати ҳайфингда ишим оҳ ила фарёд эрур  
 Оҳ, агар фарёдини етмас висолинг давлати.

Бир нигоҳинг учқуни тушмоғи умримда талаб  
 Қоматим ҳам эрканига эзма қошингдир сабаб  
 Тўтийи жон истаган мақсуди сен, эй нўшлаб  
 Лаъл нобинг ҳасрати кўнглимда бўлса не ажаб  
 Шиша бирла боданинг бир-бирга кўптур нисбати.

Ошиқ аҳли гирдида ўзига ўхшаш хайли бор  
 Махмуру лаб ташналарнинг истагидир майли бор (шаробли юк)  
 Ўтга интилган юракка дедим охир, майли, бор!  
 Оразингга, эй пари, мажнун кўнглининг майли бор  
 Телба янглиғким, анинг ўт бирла бўлғай улфати



Асрларким, бу ҳаёт тартиби ўзгармас ҳамон  
Кунлар ўтгай бирма-бир борони кулфат ёғибон  
Мутасил боргай тириклик садди аста ёғибон  
Умр эрур ишқ аҳлиға пайки насим, эй боғбон  
Басдурур бу муддаоға шоҳид анинг суръати.

Неки тақдир бахш этар ол демайин чуну чаро (нега, нима учун)  
Хоҳи гултож бошингау хоҳ кўксингга яро  
Сен билан ёруғ Азизий умри, эй кўзи қаро  
Юзу холингдин Навоийнинг кўзидир қонаро  
Лоладекким, доғи бўлмиш кўз қароси ҳайъати.

**19 ноябрь 2003 й. Тошкент.**

Кеча-кундуз кўрмак истаб айларам афғон сени  
Кўрмагим бир бор эмас чандон ҳам чандон сени  
Булбули зоринг кутарда, эй гули хандон, сени  
Кел-кел, эй оромижонким, тилайдур жон сени  
Чеҳра очким, кўрмак истар дийдаи гирён сени.

Телба жисмим тентираб излаб изингни топмади  
Ўша издан ўзгага асло назарни солмади  
Қайси хушбўйлик дучор бўлса назарга олмади  
Эй ғизоли, мушкбў, келким, қуюндек қолмади  
Водийе, ахтармагин истаб бу саргардон сени.

Ёшурун тутдим ўзимни инфиаоли заъфдин  
Кўрмадим ҳеч бир самар мундоқ ҳаёли заъфдин  
Чун жисм илҳоқлиқда, йўқ мажоли заъфдин  
Сен пари пинҳон учун мен ҳам камоли заъфдин  
Ғойиб ўлдим эл кўзидин кўргали пинҳон сени.

Таърифингдин ўзга бир назм келмагуси килкима  
Ёзган ашъорим узатсам анча илкинг силкима  
Якка ялғиз сен севинчим, дардим айтай кима  
Гарчи мумкин йўқ вале бир қатла кирсанг илкима  
Борса бош андин чиқармоқ ўзга не имкон сени.



Май тилаб дайр ичра тоқат бирла кутдим ҳар неча  
 Қанча махмур кетдилар ҳушдин қўлингдин май ича  
 Охири омад юриб келганда навбат менгача  
 Қўз юзингдин олмасам айб этмагил, эй муғбача,  
 Айлай олмон дийдадин ғойиб мени ҳайрон сени.

17 июль, 2004 й.

Ташналаб ҳуммор Азизий ҳолидин бўл бохабар  
 Чунки илкингдин шароб ичган замон у сарбасар  
 Куйинг узра мастликдин ўзини билмай борар,  
 Эй пари, гар телбариб бўлмиш Навоий дарбадар  
 Бу анга мақсуд эрурким, истагай ҳар ён сени.

Кимса борму ишқ ўтинда бир ўтиндек ёнмади  
 Ёр отини тилга олгандин ани қизғонмади.  
 Улки бошига қилич келганда ишқдин тонмади  
 Кони лаълингнинг хаёлидин кўнгул қозғонмади  
 Тушта сув ичган била лабташна ҳаргиз қонмади.

Кексалик ишқимни дoston этдилар ёшу қари  
 Ишқ савдосида кетдим барчасидин илгари  
 Ёр куйи остонасидин кетмагай бошим нари  
 Оҳ, саргардон кўнгилдинким, ул ой куйи сари  
 Бергали бир ҳам бизинг ссри яна айланмади.

Қанча дардинг бўлса изҳор этма, доим ичга ют  
 Ғам тутунлар ёйса сабр этгил, оловга боқмай ўт.  
 Авж олиб интилса ёнғин шуъласи бағрингни тут  
 Кўр не ўт бўлғайким, ўртандим, қаёнким солдинг ўт  
 Ёлғиз ул ўтдинким, мен кўйдим кўнгул ўртанмади.

Кимки, содиқ эрса охир меҳрдин гуллар терур  
 Ҳар қалай муз офтобнинг шуъласи ичра эрур  
 Тошбағирлар меҳрсизлик даштидин нисбат берур  
 Ўлмак осондур кўнгул узмак бировдин саъб эрур  
 Эй ҳуш улким, кўнгли бир бадмеҳр ила ўрганмади.



Ёшлик умрида Азизий зор-зор эрди валеқ  
Бир вафосиз дардида кўп интизор эрди валеқ  
Қарилиқ айёми анча хушгўвор эрди валеқ  
Гар Навоий заъфи тебрангучи бор эрди валеқ  
Ҳажр ўқи кўксинггаким, тегди яна тебранмади.

3-4 ноябрь 2005 й. Тошкент

Нигоҳидин хирад эсдин адашти  
Забон лолу ҳушим терс, ақл шошти  
Кўриб ҳайронлиғим ҳаддидин ошти  
Юзи хуршидидан кўзлар қамашти  
Валекин тобидан жонлар путошти.

Қуёшдек чехрасин очганда жонон  
Шифои нуридин ёрушти осмон.  
Кўрунуб тонг, чекингач субҳи ёлғон  
Бу хуршид узра майдин гуллар ўлгон  
Гул узра қатралар янглиғ ярашти.

Қошу кўз дардида бағримни эзсам  
Мижанг тиғини жон лавҳига тизсам  
Муҳаббат қиссасида сидқ ҳиссам  
Сочи савдосида ошуфта қилсам  
Тасалсул бирла бир-бирга улошти.

Вужудин чулғади ишқинг хираднинг  
Ҳушини илғади ишқинг хираднинг  
Рангини сўлғади ишқинг хираднинг  
Қўлини тўлғади ишқинг хираднинг  
Агарчи ул мунинг бирла талошти.

Фиғону нолалар селин тошурмоқ  
Юракнинг ғиж тўла дардин ёшурмоқ  
Жаҳонни телбалиқ бирла шоширмоқ  
Фалакдин нолани, тонг йўқ, оширмоқ  
Фалак зулми чу бизга ҳаддин ошти.



Азизий ҳажр ташвишин емаским,  
Шукр қилғонға, билсанг, ҳар не баским.  
Агарчи баридин мамнун демаским,  
Шафақдин кўк юзи гулгун эмаским,  
Фироқингда Навоий қони тошти.

Биларман чин вафо деб мазҳабингни  
Сурарман кўзга хоки маркабингни  
Қучиб сарвин сенингдак моҳтобингни  
Тиларман ислаб-ислаб ғабғабингни  
Ғаҳ ўпсам оразингни, ғаҳ лабингни

Итинг бўлиб рақиб қавмини қопсам  
Энгимга телба полосини ёпсам  
Изингдин ўргулиб ортингдан чопсам  
Эрур бу бир таманно, балки топсам  
Юзим суртарға наъли маркабингни.

Ошиқмоқдин юракни ёрғум, эй чарх  
Самолар узра тентиб ҳорғум, эй чарх  
Сомон йўлига ўзни қорғум, эй чарх  
Юзу зулфун кўрарға борғум, эй чарх  
Жудо қилғил қамардин аҳрабингни.

Дедим, бу илтижони анга сирлаб  
Дуода чеҳра кўрсатмоққа чорлаб  
Тўсатдан еру осмон кетди порлаб  
Юзи, эй чарх, бурқажъ очти терлаб  
Бўлутқа чирма обу кавкабингни.

Тамошосида ишрат базмини туз  
Ягона менга ёру ул нигор ўз  
Нигоҳимда камон қошу кийик кўз  
Қади боринда тўбидин дема сўз  
Қил, эй зоҳид, бийикроқ машрабингни.



Висол уммиди бирла ўзни алдаб  
Азизий қисматига шуқр айлаб  
Дуода ҳар замон сени авайлаб  
Навоий ёр раҳм этгайму, ёраб  
Эшитса мунча ёраб, ёрабингни.

12-13 октябрь 2005 й. Тошкент.

Оқ сийнанинг дуркунлигига кўз тўймагай  
Юпқа белинг назокати ўлчовни билмағай  
Сарвингга рашк этиб не не шамшод сўлмагай  
Нозик ҳарир агар танинга ҳойил ўлмағай  
Кўрса жамода мумкин эмас мойил ўлмағай.

Кўнглим юзинг, жисмим танинг ошифтасидурур  
Ишқим бори жунуними сирриштасидурур  
Тоқатни тоқ қилувчи кўзинг ишвасидурур  
Чун тору пуди лутфида жон риштасидурур  
Тенг йўқтурур агар танинга ҳойил ўлмағай.

Турмуш мени ишқ дарсига шундай ўқиттиким,  
Бу илмда комиллигим ҳаддидин ўттиким  
Қошу кўзинг сеҳри чунон банд эттиким,  
Лаълинг хаёли жон аро бир нақш туттиким,  
Обиҳаёт била ювсалар зойил ўлмағай.

Васлингни муддаосида қоплаб ҳушим хаёл  
Гўё насиб бўлмиш манга орзиққаним висол  
Беҳуда истагинг учун энди кўнгил уёл  
Қилдим кумуш билакларидин бўсае савол  
Мендек жаҳонда хомтамаъ сойил ўлмағай.

Лаълинг қизиллиғига иқтизо қилиб хирад  
Лафзингни шаҳдидин илтижо қилиб хирад  
Дил хоҳишини гўйё баржо қилиб хирад  
Исботи жузв ло ятож жазо қилиб хирад  
Оғзинг вужуди нуқтасига қойил ўлмағай.



Қўз гавҳарин одати қабогингга саждае  
 Бошим эгик қилурға димоғингга саждае  
 Сўзлаб этар Азизий қулогингга саждае  
 Йиллик ибодат эмиш оёғингга саждае  
 Бошин Навоий олмағуси то йил ўлмағай

30-31 октябрь 2005 й. Тошкент.

Қомати сарви сиҳи аълодек  
 Қўзларин сеҳри магар яғмодек  
 Қуйида тентираган ағмодек  
 Телба ким қўрди мени шайдодек  
 Пари ул ҳури малак сиёмодек.

Карам айла биза ташла назар  
 Ани қадри менга бир умр қадар  
 Ойу йиллар жаҳон ичра агар  
 Истасам сен каби покиза гуҳар  
 Бўлғай ўлғайму қўзум дарёдек.

Ўзидир барча гузаллар ҳўби  
 Дилу жонимнинг ўшал матлуби  
 Чаманим нозик адо маҳбуби  
 Бўстон сарви гар ўлсун тўби  
 Эмас ул нахл қади раънодек.

Севгилим сўзлари гулқанд, шакар  
 Ўт солар жонға ики лаъллар  
 Лутф нуруни сочар хуршидвар  
 Тангри ишқ аҳли шикастиға магар  
 Ҳўблар қўнглин этар хородек.

Дилбаримдир менга дурри якто  
 Борлиғи меҳр гулига маъво  
 Шул сабабдин деяолмам асло  
 Ишқ мажнунни қўп этди расво  
 Қилмади, лек мени расводек.



Умрини қилгин узун, эй оллоҳ  
Жилваи хуснига тўлсин даргоҳ  
Васлидин узма Азизийни, оҳ!  
Эй Навоий тилаган зуҳду салоҳ  
Кўзию кўнглини ҳам асродик.

7-8 сентябрь 2003 й. Тошкент.

Чехраи олинг кўзимга ғунчаи гулнордек  
Тори зулфинг масту ошиқ бўйнига зуннордек  
Рангу рўйинг қаршисида тан бузуқ девордек  
Турфа рухсорингки, ҳусн ичра эрур гулзордек  
Турфароқ будурки, гулзор эрмас ул рухсордек.

Ғунча оғизлик нигорим сўз дуррини терур  
Ҳусн аҳлиға вафоу меҳр дарсини берур  
Ноз ила шамшод нахли боғ тўрида турур  
Сарвинозим бошида турна парин кўрким эрур  
Шамънинг бошида қул бўлғон паришон тордек.

Ёр лутфи марҳамига ўргатиб эрди мени  
Соғ этиб ҳар дам висолин шахдини берди, мени  
Ҳар куну ҳар ой фароғат бахш этиб сўрди мени  
Бир тун ул ой ҳажридин кўйдим, улус кўрди мени  
Тонгласи бир йил такассур портқон бемордек.

Эркалик бирлан висол боғида сайр этдим мудом  
Қисматим бўлди мурувват баҳраси ҳар субҳу шом  
Бир нафаслик нози шунданким, туюлмишдир мудом  
Ул қуёш маст ўлди гўёким, қилиб эрди хиром  
Юз жафо жонимға айлар чархи кажрафтордек.

Эй Азизий, ёр қуйини тилардин қолмадинг  
Қуйи туфроғин кўзингга суртмоқдин толмадинг  
Ўзга не гулшан сари ҳатто назар ҳам солмадинг  
Телба кўнглингни Навоий забт айлайолмадинг  
Энди чек андин илик ҳар сори борса бордек.

19 апрель 2003 й. Тошкент.



Кўрсам ўт жонда ёнар тан югурук  
 Титрагай жисмиму ҳатто ҳар тук  
 Тута олмам қучоғим ичра тузук  
 Ул париваш эрур андоқ нозук  
 Ким қуёш партавидур жисмига юк.

Оғзи тор, икки қабоғи йирик  
 Тиғдир кўксима ҳар бир кифрик  
 Боқаолмай юзига асло тик  
 Гарчи қотил кўзидин ўлса тирик  
 Тирилур нўши лабидин ҳам ўлук.

Ўлдириб ҳамда тирилдирди сўзинг  
 Бир нафас олма юзим узра юзинг  
 Бўлабор мутлақо ёнимда ўзинг  
 Кўнглима ўқ узра ўқ отди кўзинг  
 Не ажаб бўлса тетик узра тетук.

Ишқида қуллик этар ҳар бир зот  
 Дилиму тилда эрур ушбу от.  
 Лабининг шарбатидин олсам тот  
 Қотмангиз лаъли уза обиҳаёт  
 Гарчи бу шарбат эрур асру чучук.

Носеҳо, кет, кет ёнимдин ўтқил  
 Пандовар оғизинг беркитгил  
 Илтифотингни ошиқроқ бут қил  
 Соқиё, бода лабингдин тутқил  
 Кайфиятлиғ дағи гулрангу сузук.

Юзинги куйи тавофига ўғур  
 Этишиб ёр изига бошинг бур  
 Бўл Азиз шодлик ила диврон сур  
 Ташлаб ўзлукни Навоий қадам ур  
 Ким йироқ йўлдуру бу оғир юк.

16-17 ноябрь 2005 й. Тошкент.



Кўз узилмас чеҳраи хуршид.мисолингдин кўзим  
Тонгғача наззораи моҳи камолингдин кўзим.  
Йиғламоқ бирла қизарди ҳусни олингдин кўзим  
Онча кавкаб тўкти шоми ғам хаёлингдин кўзим  
Ким ёруди оқибат субҳи висолингдин кўзим.

Суҳбатин этса насиб кўзи қаро, эй муғбача,  
Етқуриб масти нигоҳидин сафо, эй муғбача,  
Эрса махмурлиғда чашмим бенаво, эй муғбача,  
Қуй ақиқи май суҳайли жом аро, эй муғбача  
Ким ёрур ул ахтари фархундафолингдин кўзим.

Севгимизга қанча тўсқин бўлса монёв бўлмади  
Жону дил аҳёнда бир кўрмакка қонёв бўлмади  
Шукрилиллоҳ қисматим машъум толев бўлмади  
Васлингга еттим, биҳамдуллоҳки, зоев бўлмади  
Улки, қон йиғлар эди ҳар дам хаёлингдин кўзим

Умр ишининг имтиҳони қанчалар зўр ўлмади  
Сабру тоқатдин жавоб бердим ишим шўр бўлмади  
Нури меҳрингдин умидим меваси ғўр ўлмади  
Бу сабабдинким, недин сенсиз келиб кўр ўлмади  
Боқаолмайдур юзингга инфиолингдин кўзим.

Янги қор ёғса одамлар бир-бирига хат берур  
Фасли наврўз қизлари тол шохидин попук терур  
Гул юзинг тавсифини жон булбули доим деур  
Янги ой кўргач халойиқ кўзни юймоқ расм эрур  
Лекин очилди кўриб мушкин ҳилолингдин кўзим.

Кўзларим равшан, кўнгилларда сурур, яйрар тана  
Тўлди иқболим куёши нурига кулбам мана  
Эй Азизий, тут ғанимат ушбу дам, ушбу сана  
Шукрилиллоҳким, Навоийдек мунаввардир яна  
Хоки пойингдин юзим, шамъи жамолингдин кўзим.

14-15 апрель 2002 й. Тошкент.



Шириним, эсла неча сенга ширин сўз дедим  
 Назаринг жону таним руҳи, қаро кўз, дедим  
 Келишинг борида кетмоқдин умид уз, дедим  
 Шоми васлингни кўруб субҳи дилафрўз дедим  
 Субҳ ҳажрингга етиб шоми жигар сўз дедим.

Кўкка етгандай ўлур тегса бошимга қадаминг  
 Сарви сиҳингга ёпишган кўнглаку очиқ ёқа, энг  
 Тун каби сочу сузук кўз ила буғдойи энг (юз)  
 Тенг кўрунди кўзима васл аро қадду зулфинг  
 Кеча кундузни кўриб тенг они наврўз дедим.

Топамен чехранг уза яшамоқ илҳомини  
 Ҳеч ҳаю иш бералмас бунинг оромини  
 Жонима қасд этадир қошингу кўзинг сени  
 Чини зулфинг ғами муҳлик дедим, ўлтурма мени  
 Чин дедим ҳар нени, мен зору ғамандўз дедим.

Не ажаб соҳир эрур банди қилурга ўзига  
 Неча жон қушлари ястандилар онинг изига  
 Ҳусни гулзори аро сўз улайолмай сўзига  
 Янги ўрганди кўнгул булбули ул гул юзига  
 Тенг эмастур агар ул қушни навомуз дедим.

Ёр ушшоқ элига марҳамат ила қарасин  
 Дили мажруҳлар учун малҳам ўлурга ярасин  
 Топибон менда ҳама дардмандлар сарасин  
 Тикти панд игнасиндин даҳр эли кўнглим ярасин  
 Халқ нишини бу маъни била дилдўз дедим.

Кўйлабон васфини жон булбули топмайдур тин  
 Ҳуснига мафтун эрур одамизод, инсу жин  
 Нега тинмайсен Азиз дерсен анинг махтавидин  
 Эй Навоий, ёрушди шомим ул ой партавидин  
 Не таажжууб гар ани моҳи шабафрўз дедим.



Сузук нигоҳинг ёжаб камол эмиш, билдим  
Анинг менга тушари эҳтимол эмиш, билдим.  
Етишмоқ ошиқ учун ҳалол эмиш, билдим  
Лабинг ҳаёт суйидин зилол эмиш, билдим  
Зилол нуқтаси устида бол эмиш, билдим.

Ҳушим учар кўришиб кифригу қаро кўзла  
Илиқ табассум ила жоним олмоғинг кўзла  
Нигор мадҳиясиға, тилим, мудом сўзла  
Учуқ лабингда эмас реза инжу лаъл узра  
Ки барги гул уза бир қатра бол эмиш, билдим.

Соғинчига чидамай жон оғизгача етти  
Йўлингга интила эс-ҳуш баданни тарк этти  
Чидамни косаси ҳам лиқ-лиқ тўлиб кетти  
Қадимки, ҳам бўлиб оғзинг ҳаёлидин итти  
Адам ичинда ҳамоноки, дол эмиш, билдим.

Висол боғини сайри учун кўнгил тўла жуъ (иштаҳа)  
Қадинг ниҳолию райҳон сочингга дилда ружуъ  
Қачонки, кўзга чаман сумбулини этди рукуъ  
Юзингни билмас эдим, зулф аро чу қилди тулуъ  
Ғариб ахтари фархунда фол эмиш, билдим.

Яшарлар эл баҳрасиз назм назоҳатидин  
Фирибу фисқ базмини ўтказиб ниҳоятидин  
Ақл шошди тубанлар ҳужуми ғоятидин  
Даний тажаммулию озоданинг фалокатидин  
Замон табиати безътидол эмиш, билдим.

Фалак, ҳамиша баланд асра ёрим иқболин  
Муносиб айла анга Азизий афъолин  
Кўриб вужуди аро ишқ ўтининг ишғолин  
Фироқ шомиди сўрдим Навоий аҳволин  
Сочинг ҳаёлида ошифтаҳол эмиш, билдим.

17 июль 2004 й. Тошкент.



Ишқ сиррим фош ўлур ҳар қанча пинҳон айласам  
Элга билдирмай дебон не-неки имкон айласам  
Эмди васлинг уйига етмоқни осон айласам  
Хилвате топиб сенга жисмим аро жон айласам  
Балки жон хилватсаройи ичра меҳмон айласам.

Ой само сайрига токи тушмасидан сал бурун  
Олам узра тун ридосин ёнганида кечқурун  
Дилбарим ёнимда ялғиз махфий тутмоқлиқ учун  
Хилват элдин ёшурун, хилват аро тан ёшурун  
Танда жон янглиғ сени жон ичра пинҳон айласам.

Васлидир борлиғ ҳаётим ошкор қилмоқ нечун  
Буки ҳолат сен билан мен писта пўчоқдек бутун  
Беркинаё эл кўзидин бўлсам тамомийла нигун  
Анда ҳам жон пардасин ҳар сори осиб сатр учун  
Васлинг ихфоси нечаким, бўлғай имкон айласам.

Ёр хилват ичра танҳоу ниҳоний эрканин  
Кимса билмас, беҳабардирлар бари инсону жин  
Анда у жон сингари холийдир оламдин чунин  
Чун бу хилват ичра не ўзлук эрур маҳрам на мен  
Ҳар не номаҳрам эрур ўздин паришон айласам.

Хилвате эрканки, ҳаргиз чиқмагай андин садо  
Ёр ҳозир ундаю фикрим эрур ёдида жо  
Ўзга ҳар бир нарса йўқдир ёр ҳузурида расо  
Дафъ ўлуб ағёр топсам бор ул хилват аро  
Безабонлиғ бирла шарҳи дарди ҳижрон айласам.

Дилбарим якто меҳр бобида юз тимсол аро  
Ҳар куни такрор-такрор барча қийлу қол аро  
Ишқим изҳорини этсам телбалик аҳвол аро  
Умр боқий топқамен бир лаҳза ушбу шол аро  
Ўзни беҳуд кўзни рўзгоринга ҳайрон айласам.



Кимса ишқ наҳрида кўрганмас менингдек ғарқини  
Шул мукофотга муносиб бўлаолмас ҳар киме  
Тун ва кун машғул Азизий ёза севги шарҳини  
Эй Навоий дема иқрор айла ишқи тарқини  
Ким инонғай гар ўзимга буйла бухтон айласам.

23-25 октябрь 2005 й. Тошкент.

Шарҳи аҳволим қулоқ бер сенга бир-бир этгамен  
Умрим, эвоҳ, соғинмоқ бирла охир этгамен  
Кўз ўнгимда сувратинг ҳар дамда таҳрир этгамен  
Оразинг нақшин кўнгул лавҳида тасвир этгамен  
Бўлмаса тақдир ани кўрмак не тадбир этгамен.

Сен париваш аҳлининг ноз офарини, нодири  
Мен эса севгучилар ичра ягона собири  
Ошкор айлай недур кўнглимни тўлдирган сири  
Эй қаро кўз, бўлмас ул юз шавқидин юздин бири  
Кўз қаросидин агар юз нома таҳрир этгамен.

Ҳам нигоҳим, ҳам ҳаёлим боғлаган гулруҳдин  
Айру кўз ёшим ошар Қорадарё Сўхдин  
Ҳар дам ўлғай ошкор девоналиқлар руҳдин  
Ёшурун қолғайму ишқим, бўйлаким, ул шўхдин  
Чикса бир сўз беҳабар юз қатла тақрир этгамен.

Васл умиди бирла фикрим тўлдирибмен васфиға  
Хусн боғин тавсифи илҳоми назмим аслиға  
Бундайин туғён тушар эркинму инсон наслиға  
Не жунундур буки, ҳар тун ул париваш васлиға  
Юз ҳаёл айлаб яна бориға тағйир этгамен.

Ишқ дардидин умрлар топмадим асло даво  
Чун муҳаббат йўлида топгай ҳаётим интиҳо  
Орзуим, бўлса ёнимда ўшал нозик адо  
Эйки, дерсен васл коминг бўлса жон қилғил фидо  
Улмуяссар гар бўлур мен худ не тақсир этгамен.



Ёр куйида, вужудим, тупроғ ўлгил, кетмагил  
Эй иликлар, ёр этакидин бўлакни тутмагил  
Неки ёздинг ўзгани дил сафҳасига битмагил  
Ишқ азалдандир насибим носеҳо манъ этмагил  
Манъ қилсанг ҳам нетиб мен манъи тақрир этмагум.

Ўтса умрим термулиб икки кўзи шаҳлосига  
Садқа қилсам хонумоним бир нафас парвосига  
Илтифот этса Азизийдек ғариб шайдосига  
Эй Новой, нақди жон бергил дединг савдосига  
Бўйла савдо гар муяссар бўлса тавфир этмагум.

4-6 октябрь 2003 й. Тошкент.

Кўз узмагум бир лаҳза ҳам кўзи қаросидин  
Беҳоллиғимдир қомати нозик адосидин  
Бормен фақат уммид ила меҳру вафосидин  
Сарвеки, нолишим бийик ўлди ҳавосидин  
Юз минг фиғонки, огоҳ эмас мубталосидин.

Тушса нигоҳи зор кўнгил оламга сиғмагай  
Кўксим мижса пайконидин ўзгани йиғмагай  
Ҳижрон хавотири сари жисмимни йиқмагай  
Кўнглимни кўзларидин айирмангки, чиқмагай  
Мажнун насиҳат ила кийиклар аросидин.

Эшикида бўлди ишим ҳар лаҳза жусти-жў  
Кўрган деюр, не истагай, ҳайдангки, телба бу  
Ялғиз ёта ҳар дам қилай васлини орзу  
Мен тийра уйда беҳуду юз навъ гуфтигў  
Ҳар куй бошида телбалиғим можаросидин.

Ҳуснинг камолидир беҳишт боғидин башанг  
Қаддинг ниҳоли айлади сарви сиҳини танг  
Очмоққа сиррим, эй пари, алҳолки қистасанг  
Кўнглимда тоза доғларинг шаклини истасанг  
Фаҳм айла ўтлуғ икки кўзимнинг қаросидин.



Арзин эшит дил булбулин неларни куйлар ул  
Сенсен ҳаётим манбаъи, ҳам матлабим ҳамул  
Муштоқмен дийдоринга ҳар лаҳза, тоза гул  
Қувват топар лабинг ғамин еб ҳазин кўнгул  
Гўёки қон таваллуд этар б, ғизосидин.

Юз шукрки, ҳижрон туни келмади етиб  
Тўймайману жамолига кун қолар битиб  
Шафқат билан Азизийни ол илкидин тугиб  
Ғам шомидин Навоийни нетгай халос этиб  
Ёрутсанг уйини шамъи жамолинг зиёсидин.

**10-11 май 2003 й. Тошкент.**

Севгили ёрим менинг инсонларин аълосидан  
Чехраси хуршид, қадди сарвиғул, раъносидин  
Бағрим этган тилка пора қошларининг ёсидин  
Бир паривашким, кўнгул девонадир савдосидин  
Гар эрур бандангки, озод ўлмон истиғносидин.

Ишқ қудратдир жаҳонда тенги топилмас бирар  
Анга тобеъ ҳар вужуде файзу дид бўлса агар  
Ишқ инсонни жаҳон корига илкин силкитар  
Ошиқ ўлса шоҳу маъшуқи гадо балким, чекар  
Ишқ ғавғосин ани хайлу сипоҳ ғавғосидин.

Жисм агар хошок эса севги анга чақмоқ демак  
Оташида кул бўлур сабру хушу ақлу юрак  
Қанча улкан хонумонлар созрилур топмай тирак  
Ошиқ ўлғай аждаҳо бўлса забун бўлмоқ керак  
Жавр тортиб ишқ куйи мўрининг ийзосидин.

Тақдир ўрмони каби беҳад муҳаббат бешаси  
Сабр тоғини йўнар гўёки Фарҳод тешаси  
Қайда тоқат айлагай бу кучга кўнгил шишаси  
Не ҳавойидир ҳавойи ишқким ҳар пашшаси  
Тўзма айлар ақлу тақво қофнинг анқосидин.



Ишқ дунёси улғудир тавсифин қилмай узун  
 Ким анинг шодлиғи қисқа кулфату дарди фузун  
 Дардманд дилларгина лойиқ анинг бахтига чун  
 Ишқ аро шоҳу гадо тенгдур, гадо балким фузун  
 Гар гадолиғ айлар ўлса ишқнинг яғмосидин.

Ишқ даъвосин қилур улким, ўзин айлар завол  
 Ишқ йўлида туман жавру жафо келмас малол  
 Ишқнинг ботирларига ёр лутфидир ҳалол  
 Кимки, раънолиқ била ошиқ бўлиб истар висол  
 Тортингиз отиға хат ишқ аҳлининг асмосидин.

Ишқ йўлига кирувчи кимса одамдирким ул  
 Одабийлик авжи узра баркарор ҳамдирким, ул  
 Сегви отини Азизий тутди, бардамдирким, ул  
 Ишқ атвори Навоийға мусалламдурким, ул  
 Юз бало чекти дағи ўлди анинг ихфосидин.

**21-23 июль 2004 й. Тошкент.**

Ошиқ аҳли жон топар ўз лоларуҳи ҳуснидин  
 Васл орзуйи эрур мазмуни умри беҳбудин  
 Гул жамолинг васфига созламиш булбул удин  
 Англамон сувдек юзингдурму кўринган кўзгудин  
 Ё юзингдин кўзгу сув бўлди юзинг зоҳир сувдин.

Кўрмасам букун сени умримни тўфонлар тутар  
 Кўз ёшимнинг шиддати бўрону селлардин ўтар  
 Зулмат ичра зор кўнгил ҳуснинг қуёшини кутар  
 Рўбару бўлғоч юзинг ғам шоми оллимдин кетар  
 Соя тушгандек кейин хуршид бўлғоч утрудин.

Сен дебон фикру хаёлимдин жаҳон бўлди унут  
 Боқибон ҳайрат билан аҳли замон айлар суқут  
 Носеҳо, интилма сўйлаб кар қулоғимға ўғит  
 Йиғламоқ чун айлади даъво кўзим бирла булут  
 Барқ гўё мунин фаҳм айлаб йиқилди кулгудин.



Тўлғанурмен уйқисизлик бирла оқшомлар неча  
Тонг сахар кўз илғагай ёрим хаёлимда куча  
Ногаҳон келгач ёнимга моҳжабиним юз оча  
Тушта ул маҳваш юзига то кўз очтим ҳар кеча  
Истамасман турфатул айне кўз очмоқ уйқудин.

Бор ҳаётим ўша бирлан, фикру ёдим ўшада  
Марҳамат кўрсатса ёрим борлиғим шу тўшада (озуқ)  
Куйди бағрим интилиш ўтида олтин шўшада (сик)  
Холий ул юз васли топқан вазҳудин бир зўшада  
Зулфи янглиғ тўлғониб бошим қуйидир қайғудин.

Зоҳир ўлғоч кўзларим олдида ул сарви равон  
Юз уқубат занжиридин холий ўлдим шул замон  
Чирмашиб қаддин ўзимга мойил айлаб ўша он  
Ком соқий лабларидин топтим, аммо олди жон  
Эйки, даврондин қўш ичтинг ғофил ўлма корудин (иваз)

Неъматини васлин кутиб эрдим Азизий интизор  
Марҳамат хонини ёзди лутф ила қутлуғ нигор  
Нозу ишва бирла аввал айлади беихтиёр  
Борғон эрмишмен ўзимдин жилва қилгон чоғда ёр  
Сўрмай ўтмиш, эй Навоий, худнамойим беҳудин.

**28 апрель – 2 май 2002 й. Тошкент.**

Маҳфил ичра зор эдим кўрмоққа хуш ҳамдам юзин  
Бор парирухсори яъни тоза, чин одам юзин  
Сақламоққа жону дилда шу ғанимат дам юзин  
Соқие очтинг чу май тутмоққа жоми жам юзин  
Юз ғамим дафъ айладингим, кўрмагайсен ғам юзин.

Бир ютум сақбо-суйи ҳайвон чекинтирди мамот  
Ҳам такаллум бодаси эғнимга бахш этди қанот  
Мундайн муъжизани оламда кўрмиш қайси зот  
Уйла руҳафзо лабинг анфосидин топдим ҳаёт  
Ким гар ўлсам топмагайман Исоу Марьям юзин.



Таширифи шоҳонасига мунтазир жисмим биқулл  
Таъзимида бош қуйи, қўксимга чўккан икки қўл  
Жону дилга қаҳр ила дермен бу даргоҳдин чекил  
Ёр меҳмон бўлмоқ эрмиш, боринг, эй жону кўнгул  
Исторам ким, қўрмагай, албатта, номахрам юзин.

Ким вафо аҳлига мансуб сабр эшикини тутур  
Ишқ савдоси жафоу жавр ила боғли битур  
Зулмдин қўрққан билингим, ишқ йўлин тарк этур  
Гар вафо аҳлига олам зулм қилмоқ бас недур  
Дуди оҳимким, қаро айлабтурур олам юзин.

Еткурурсен ошиқ аҳлига вафолар туҳфасин  
Севги гулзориға ҳар дам сидқ сувин сепгасен  
Ё Азизий, муғтанам тут ёр нозу ўпкасин  
Эй Навоий, тушса маст илгинга бир кун ўпкасен  
Ҳам қабоғин, ҳам сақоғин, ҳам дудоғин, ҳам юзин.

**16 октябрь 2005 й. Тошкент.**

Гул юзингдин ўрганурга интизорингмен бутун  
Жону дил қўйингда тентир садқа бўлмоқлик учун  
Кутгамен оқшомни дардинг бирла ёниб уззи кун  
Субҳ чун борғунг келиб кулбамга пинҳон кечқурун  
Ҳажр ўқин жонимға сен отма тонг отмасдин бурун.

Соядек айрилмасам ёнингдин умрим борича  
Чирмовуқдек нашъа қилсам сарв қаддингни қуча  
Кошки маст ўлсам эди васлинг шаробини ича  
Неча эл мендин ёшургайлар сени, ваҳ, бир кеча  
Нетти кулбам сори кирсанг борча элдин ёшурун.

Бир нафас ҳам айру эрмасман нигорим ўйидин  
Ажралиб элдин бутунлай мотами ва тўйидин  
Шарпа гар сезсам қачонким, дилбаримнинг сўйидин  
Жон магар чиққай ва ёҳуд сели ашким қўйидин  
Чиққудекмен бори ул қўй ичра тутмайман ўрун.



Таъсир этмаслар сеҳр қилса ўзимга шўхлар  
Тутсалар райҳон ила гуллар юзимга шўхлар  
Кулдилар ҳар неча мажнунвор сўзимга шўхлар  
Жилва қилғанда кўрунмаслар кўзимга шўхлар  
Эй пари, сен боре бу девонага гоҳи кўрун.

Ларзалар солдим шаҳарга холи зорим айтибон  
Кечдилар аҳбоблар дўстлик изидин қайтибон  
Севгида қойим Азизий шунча дашномлар ебон  
Эй Навоий, тифллар қовған замон мажнун дебон  
Бу баҳона бирла ўз лайливашинг сори урун.

27-28 май 2003 й. Тошкент.

Эй малак, туш осмондин ёнима кел ушбу кун  
Иштиёқинг ўтида ёнмоқдадирмен уззу кун  
Шафқат ила гул тутибон шодмон айлаб бутун  
Субҳ чун боргунг келиб кулбамга пинҳон кечқурун  
Ҳажр ўқин жонимга сен отма тонг отмасдин бурун.

Умрларким, илтифотингни кутиб, жондин кеча  
Элни дашном тошларига сабр айларман неча  
Қанча манъин этсалар ҳам марҳамат қилғил пича  
Неча эл мендин ёшургайлар сени, ваҳ бир кеча  
Нетти кулбам сори келсанг барча элдин ёшурун

Қайтмагайлар неки бошга тушса ёрим ўйидин  
Кўз узолмай бир нафас ҳам чеҳраи хушрўйидин  
Телбаваш ўрзулгамен сарву санобар бўйидин  
Жон магар чиққай ва ёҳуд сели ашким қўйидин  
Чиққудекмен бор ул куй ичра тутмай мен ўрун.

Ўзгалар ҳусни гулистони намоён бўлса гар  
Анга кўнглим булбули бир заррача қилмас назар  
Нозу ишва бирла боқса неча-неча сиймбар,  
Жилва қилғанда кўринмаслар кўзимга шўхлар  
Эй пари, сен бори бу девонага гоҳи кўрун.



Зормен, саргаштаю қувғинда қолған беомон  
 Қўйинги излаб қуюндек тентирармен ҳар қаён  
 Кексалар дерлар Азизий телба янглиғдир ҳамон  
 Эй Навоий, тифллар қовғон замон Мажнун дебон  
 Бир баҳона бирла ўз лайливашинг сори урун.

15 октябрь 2005 й. Тошкент.

Гулшан ичра шу очилғон гулда хоре бўлмасин  
 Мендин ўзга ҳусн гулзориға зоре бўлмасин  
 Кун аро дилшодлиғдин бошқа кори бўлмасин  
 Ғам елидан ёраб ул гулга ғуборе бўлмасун  
 Балки онсиз даҳр боғида баҳоре бўлмасун.

Оразин равшанлиғидин баҳраманд ишқ аҳлидир  
 Жону кўнгуллар тирик бўлганда боғин дахлидир  
 Беҳисоб ошиқларининг ушбу ўйу нақлидир;  
 Қаддининг сарвиғаким, боғи латофат нахлидир  
 Чашмаи ҳайвондин ўзга жўйборе бўлмасун.

Оғзи ғунча, лаблари лаъл, зулфидур сумбул валеқ  
 Ҳусни гулбоғи аро мен мунгли бир булбул, валеқ  
 Дурри хушобини муштоқи эрур кўнгул, валеқ  
 Айшу ишрат жомидин бўлсун юзи гул-гул, валеқ  
 Кўнглиға ғам гулбунидин хор-хоре бўлмасун.

Лайливаш ёр ишқида мажнунлиғим эрмиш аниқ  
 Мен унинг қурбони, ёрим покдомону шафиқ  
 Қайси анвоъи севишганлар мунингдек муттафиқ  
 Гар буюрсанг садқа бошиға эвурмас, эй рафиқ  
 Будур уммидимки, мендин ўзга боре бўлмасун.

Ошиқ элнинг жавру кулфат тиғи тирнайду танин  
 Лек анинг ҳеч қайсиси тарк этмас ишқи гулшанин  
 Ҳар бири олғай нафас ёд айлабон ўз севганин  
 Даҳр боғининг насими совурур гул хирманин  
 Анга ул гул гулшани сори гузори бўлмасун.



Эй Азизий, ёр кўйига ўзинг банд айлаким,  
Узви жузъинг кўйи тупроғи аро қайд айлаким,  
Жон қушини ихтиёран домига сайд айлаким.  
Эй Навоий, қил дуо жониғаву жаҳд айлаким,  
Майлинг онинг қуллиғидин ўзга сори бўлмасун.

**24 октябрь 2004 й. Тошкент.**

Дарди ишқинг жисм ила жонимни ўртайдир бутун  
Кўрмайин гулзори ҳуснинг нола қилдим тун ва кун  
Борлиғим ҳижрон ўти ичра қуйиб ёнган учун  
Етқуриб эрдим фироқинг тунлари гардунга ун  
Шукрим, васлинг куни эмди не ул ундур, не тун.

Ҳар куни чеҳранг чаманзори бўлиб қаршимда фош  
Баҳрасидин юксалур эрди самолар сори бош  
Ногаҳон тақдир иқболим уйига отди тош  
Юз ёпиб қилдинг узун шомга ғамимни, эй қуёш,  
То қуёш мағрибқа мойил сояси кўпроқ узун.

Қайғу тиғи босса ҳам ўзни алам-ла тиғлама  
Тоқат илкин ушла маҳкам ошкоро йиғлама  
Мен дейин, қурбон ўлай ҳамдардликда тўлғона  
Дема зулфум бандидин бош чекма бўйунг тўлғона  
Тиғ агар сурсангки, мен бош қўйдиму туттум бўйун.

Кутмаган эрдим замоннинг шунчалар зулм уймакин  
Соғариға захр олуд майни лим-лим қўймакин  
Зор кўнглим хоксорлик, хорликка тўймакин  
Тийра оҳим элга зоҳир қилди кўнглим қўймакин  
Гарчи ўт ёшунса они ошкор айлар тутун.

Неча фурсат ёр ёди хотиримни тўлғазар  
Лекин интиқлиқ тикони санчилиб бағрим эзар  
Кўнглим элнинг панду дашноми жафосидин безар  
Уртаниб жисмим бало даштида саргардои кезар  
Шуъладин таркиб топқан бўйла ким кўрмиш қун.



Орзиқиб ҳар тонг кутармен субҳнинг шаббодаси  
 Ёр пайғом йўллаюр де: ёдлабон бу бандасин  
 Эсламас эрса мени девонаю шармандасин  
 Соқиё тут жом, солма тонглаға май ваъдасин  
 Тонгла чун маълум эмас, бори ғаниматдур бугун

Талпинар жоним қуши парвона янглиғ учқали  
 Хусни шамъи гирдида сйланса қўймай ўчқали  
 Васл базмида Азиз дилкаш шаробе ичкали  
 Эй Навоий, қўл суроҳийдек буйунни қучқали  
 Этмаса, бори суроҳи бўйнига илкингни сун.

24-25 март 2002 й. Тошкент.

Бўйингга баса хонумоним фидо  
 Сўзингга руҳи жовидоним фидо  
 Нигоҳингга жону жаҳоним фидо  
 Қўзингга тани нотавоним фидо  
 Равонбахш лаълингга жоним фидо

Умр боғи ҳуснинг гулидин жамил  
 Юзинг тобидин офтоб мунфаил (хижолатда)  
 Қошинг ёсига бош эгик муттасил  
 Лабинг ранги оллида қоним сабил  
 Қадинг жилвасига равоним фидо.

Тукиб тиғи кифрикларинг қонниким,  
 Эшитмай қулоғинг юз афғонниким,  
 Назокатда маҳв айлаб инсонниким,  
 Белу оғзинг одди тану жонниким,  
 Анга ошкору ниҳоним фидо.

Умр ўткарурменму беҳуда, ҳайф  
 Йўлинда фидо этмасам ҳарчи ҳарф  
 Бағишлар вужудим аро авжи кайф  
 Бағир лаъли кўз дурри оллида сарф  
 Демайким сенга баҳру коним фидо.



Оёғ банди савдойилик халқаси  
Хушим элтадур дард майин қуйқаси  
Аламдин тўла ҳар ҳаёт сафҳаси  
Жунун бирла ақлим ғаминг садқаси  
Ки оллинда яхши ёмоним фидо.

Жисм хоксор, қалб садпоралиқ  
Азал қисматим, фақру бечоралиқ  
Куюндек жаҳон ичра сайёралиқ  
Фано даштида қани оворалиқ  
Ким ул сайрга хонумоним фидо.

Не содир эса даҳрдин ема ғам  
Завол чанги кўпу сафо атри кам  
Азизий дуода кўзи тўла нам  
Навоийдин олдинг кўнгул, жонни ҳам  
Сенга айлай, эй дилистоним, фидо.

8-9 июнь 2002 й. Тошкент.

Қошингга эгилган равоним фидо  
Юзу холингга хонумоним фидо  
Қиё боқишингга жаҳоним фидо  
Кўзингга тани нотаваоним фидо  
Равонбахш лаълингга жоним фидо.

Йўлинг узра тентираб ойу йил  
Бало чанги ичра адо бўлди дил  
Мижанг ханжаридин вужудим қатил  
Лабинг ранги оллида қоним сабил  
Қадинг жилвасига равоним фидо.

Қошинг ёси маҳв этди инсонниким,  
Йўқотда киши барча имконниким  
Сўзинг қилди торож имконниким,  
Белу оғзинг олди тану жонниким,  
Анга ошкору ниҳоним фидо.



Фироқинг ҳамиша солур дилга хавф  
Хавотир тиғидин юракларда заъф  
Тилимда отинг, ёт эрур ўзга ҳарф  
Бағир лаъли, кўз дурри оллингда сарф  
Демайким, анга баҳру коним фидо.

Ҳаётим вафо малҳаминг садқаси  
Вужудим раҳи мақдаминг садқаси  
Димоғим Масихдек даминг садқаси  
Жунун бирла ақлим ғаминг садқаси  
Ки оллингда яхши ёмоним фидо.

Бошим қуллиғинг айлаб оллингда ҳам  
Кутар лутфинг, эй марҳаматли санам  
Ёзибон Азизийга хони қарам  
Навоийдин олдинг қўнғул, жонни ҳам  
Сенга айлай, эй дилистоним фидо.

22 март 2003 й. Тошкент.

Оразингни тавф этарга субҳ ошиққай сабо  
Бўй эгар оллингда гуллар келтириб таъзим бажо  
Мен каби бир қадди дол йўқдир йўлингда ёстано  
Сен каби бир гул топилмас кезса юз гулшан аро  
Қоматингдек нахли тар минг сарв ила савсан аро.

Юз туман савдойилар тентир тенгингни билғали  
Топмағай дунё аро бирни назарга илғали  
Не ажаб моҳир эурсен бағрларни тилғали  
Сен қилурсен нозу ўлтирғин тамошо қилғали  
Руҳи шахсийдур, эмас кўз мардуми равзан аро.

Олами одамни лол этмиш ажаб сеҳринг сенинг  
Эзгулик гулбоғига сув еткурур наҳринг сенинг  
Эй рақиб, четлан, эрур ожиз бутун қаҳринг сенинг  
Жоним ичра, бўлмаса, эй сиймтан меҳринг сенинг  
Меҳрибонлик расмида жоним керакмас тан аро.



Қадр дуррин қийматин бозори истиғно битар  
Шул сабабдин илтифотин ёр гоҳо кам тутар.  
Умр эмас, ул соатеким, интизорликда ўтар  
Лайлию Ширину Узро ноз сендин қасб этар  
Зуфнунлар, кўрки, шогирдинг эрур бу фан аро.

Кўз унгимда бир сароб янглиғ кўрингач сарвқад  
Телба дил ул ён югурди, ақду хушни этди рад  
Бу жунун туғёнига инсон топарди қайда ҳад  
Куксум ичра йўқ эса кўнглум, ажаб йўқ, эй хирад  
Не ажаб девонани гар топмасанг маскан аро.

Гар Навоийдан ғазал бу дарду афғонга тўла  
Бенаволик ҳасратини кўтарурда бир йўла  
Ёр тавсифи садоқат рамзи бирла йўғрула...  
Эй Азизий, бетахаллус эрконини тўғрила  
Икки шоир номин айлаб битта бешлик ичра жо.

**10-12 июнь 2002 й. Тошкент.**

Агарчи ёшлик айёми қачанлар эрди ўтмишлар  
Нахуш тақдир китобимга мунаққаш лавҳа битмишлар  
Нигоқим гул юзингга ҳам қўлим бўйнингга етмишлар  
Сенинг хуснинг, менинг ишқим ажойиб унс тутмишлар  
Магар бу шуълани ул шамъ тобидин ёрутмишлар.

Муқаббат водисида гарчи эрсам зору шарманда  
Куйи даргоҳинга бордим бўлай деб хокига банда  
Вале ботирлигим этмай писанду айлабон ханда  
Бериб эрди ики кофир кўзинг қатлим учун ваъда  
Ҳамоно айни усрукликдин ул ишни унутмишлар.

Менга малҳам эди сабрим ғалак бедоду ранжинда  
Фиғоним, янграгайди, қўйссалар, афлок авжинда  
Будир тақдир ҳукми ёзилғон ушбу ажримда  
Мену дарду бало, эй шодлик, борғилки ҳажринда  
Мени ғам тунлари бекаслигин вақти овутмишлар.



Нигоҳинг қулбаи кўнглимни фориғ айлағай ғамдин  
 Тирикдурман масиҳ осо димоғинг йўллаган дамдин  
 Топилғайму бирор сендек сафоли зоти одамдин  
 Кўнгулда ёраларким, бутмади ҳар навъ маҳрамдин  
 Лабинг нўши қавосин истимоъ этганда бутмишлар.

Қошинг қалдирғочи икки қанотин мунча кермаским,  
 Асир ўлғон кўнглининг кунларин эркига бермаским,  
 Белинг қучмоқ ҳаёлин жоним ўзидин ажурмаским,  
 Тамаъ узмак ики ширин лабингдин мумкин эрмаским,  
 Ки то ул шаҳддин тотмишмен оғзимни чучутмишлар.

Овозингнинг жарангин соғинибон телбариб елмиш  
 Тошош юзинг шавқида доим дарбадар бўлмиш  
 Муҳаббат иштиёқида ҳушидин буткул айрилмиш  
 Чун мен безормен иткан кўнгулдин демангиз келмиш  
 Нега ул телбаи расвони бу жониб ёвутмишлар.

Ёмонлиқ илкини тутма зулм ўтқазса зиён аҳли  
 Оғишма ростлиқ йўлдинки борғайдур жонон аҳли  
 Азийий дер, жафожўйликни кўрсатса жаҳон аҳли  
 Навоий май била кўнглумға ўт солким, замон аҳли  
 Совуқлиқ онча қилмишларки кўнглумни совутмишлар.

**Август 2003 й. Тошкент.**

Наво булбулга бахш этгучи гулзоринг жамолидир  
 Халойиқ кўнглин ошуби ажаб файзи камолингдир  
 Қаро кўзлар назоҳат гулшанин икки ғизолидир  
 Қошинг авжи малоҳатнинг янги туққан ҳилолидир  
 Қадинг нахли латофат боғининг наврас ниҳолидир.

Сенга ой бирла юлдуз моҳрўйлик ичра тенг эрмас  
 Менга иқболи олий зулфинга банд ўлдуғимдир, бас  
 Киши борму юзу қаддинг камолин кўрса жон бермас  
 Фидо жоним қадинг нахлиғаким, гарчи эрур наврас  
 Вале андому раънолиқда ҳадди эътидолидир.



Саодат оламин ҳусни висоли жаннатинг субҳи  
Карам гулдастасидин айлама ҳеч дастими тиҳи (бӯш)  
Нафосатда мислсиз белу оғзинг торлиги, эҳе  
Назокат гулшанида тоза гулбун қоматинг шабҳи  
Анинг табъида музмар ғунча йўқ оғзинг мисолидир.

Лаби лаълинг баён этган гўзал ниятдаги нутқи  
Қилибон марҳамат менга тузан суҳбатдаги нутқи  
Овозинг булбули жон гулшанин одатдаги нутқи  
Чучук лафзинг Масиҳонинг туфулиятдаги нутқи  
Белинг жонбахшлиқта кўнглига кирган ҳаёлидир.

Хавотирсиз эрурмен айрилиқнинг қаро ваҳмидин  
Умид айлаб вафоли ёш маҳбуб ёр раҳмидин  
Муҳаббат қойими қўрқмас жафоу жавр захридин  
Не тонг кўнглим агар мажруҳ ўлуб кам бўлса захмидин  
Ки узган ғунчадек бир тифлвашнинг паймолидир.

Муҳаббат йўлидин озган киши бор эрса у ўлди  
Тириклик сувидин баҳра тополмас ғунчадек сўлди  
Кечиб ўздин, кишиким, ишқ ила мастонавор бўлди  
Хила мавжуд эмас сув зарфидин чиққач ҳаво тўлди  
Ҳавойи ишқдин мамлудур ўздин кимки холийдир.

Қаролиғнинг хазонин шева қилмоқлик адаб эрмас  
Улуғловчи кишини, севгидир, ёшу насаб эрмас  
Азизий, кўз ёши эл кулгисига ҳеч сабаб эрмас  
Навоий ашикидек ул шўҳ агар тонмас, ажаб эрмас  
Қилурлар пўя ёшлар то югурмак ихтимолидир.

**2-3 октябрь 2004 й. Тошкент.**

Иқболимизи мухталифи обу ҳаводур  
Кунлар ўтадир соғинишим ортаборадур  
Жон пардасига савтинг уни ларза соладур  
Кўнглимни фигор этдингу жонимда балодур  
Билмон яна, эй сарв, бошингда не ҳаводур.



Нотоблик этиб бир кеча аҳволингни ишқал  
Тонг чоғи шамол қочди олиб соғлиғингни сал  
Дармон келувин чўзди давосизлигу пайсал  
Бошингга чироқ, юзинга тор, олдинга сандал  
Эл жонига ул шаклни билмон не балодур.

Кайфиятими сезгали парвоеки қилсанг  
Ғам моддаси йиғналган ўшул терини тилсанг  
Пустини олиб соф назаринг тиғиға илсанг  
Ўз дардинг унут бўлғай агар шаммаи билсанг  
Ҳажринг туни ичра бу уқубатки мангодур.

Авж олди ҳарорат ва у маст этди кўзингни  
Танглик чангини кувдим эшитганда сўзингни  
Майли қизил ўлсин сира ўғирма юзингни  
Жон эврлубон бошинга сен чирмаб ўзингни  
Ғунча кибиким, гардида саргашта сабодур.

Шаҳло кўзини сеҳри қолишмайди кийикдин  
Руҳ юксаладур бўлса саломингга аликдин  
Бўлмоққа шифо кирса табиб гоҳо эшикдин  
Кўнглим солибон набзки, борур иликдин  
Набзинг сори кўрсамки, табиб илги бородур.

Эминда эмас дардда жоҳил била олим  
Кўймайди осойишда кишин даҳрки золим  
Нолам тутуни сингари аччиқ бу мақолим;  
Афғонки, хазон меҳнатидин қолмади солим  
Ҳар сарви гуландомки, бу гулшан ародур.

Менга туюлар гавҳар ўлиб ёр юзида тер  
Эй сен, санаминг чеҳрасидин дурларини тер  
Йиғлаб юрагидан бу Азизий тилагин дер;  
Ёрабки Навоий ғаму дардига даво бер  
Ким ёр саломатлиги дардимга даводир.

28-30 декабрь 2006 й. Тошкент.



Олам ичра ҳар кишининг даҳрдин бир зори бор  
Даврнинг ҳам унга доим етказур озори бор  
Сезмагай дардин, агарчи, қўнғлида юз хори бор  
Кимки, онинг бир малак сиймо париваш ёри бор  
Одаме эрса пари бирла малакдин ори бор.

Гулшан ичра гул ҳавоси бирла булбул навҳагар  
Севги куйини гулистонларда ҳар дам янгратар  
Нолау афғон шамоли гул шохини тебратар  
Неча улким, чирманур бир гул била, не тонг, агар  
Ғунчадек ҳар субҳ ўлуб хандоннишот изҳори бор.

Бу жаҳон сатҳи очилган гул тўла гулзорким,  
Ҳар гули хандонни ҳам ўз андалиби борким,  
Қўрмаса ул гулни нолон дилға дунё торким,  
Йўқ ажаб, булбулға гул шавқидин ўлмоқ зорким  
Пардин ўқ, жисмиға санчилғон ададсиз хори бор.

Қадди шамшодинг уза жон қушларини, ўргилур  
Бел назокатда миёни мўрчадин суврат бўлур  
Лаъл лабларнинг зилоли шахд таъмидин эрур (эрийди)  
Белингу лаълинг хаёлати била қўнғлим эрур  
Анкабутеким, анинг жон риштасидин тори бор.

Эй Азизий, билмасин эл сенда умринг шиквасин  
Жон била этгил қабул дилдор нозу ишвасин  
Қасб айла ишқ аро доим садоқат пешасин  
Эй Навоий, ёр узар бўлса муҳаббат риштасин  
Келмас ўлса ул сенинг сори, сен онинг сори бор.

**5 декабрь 2004 й. Тошкент.**

Эй хушо, қулбамга бу кун нозанин ойим келур  
Жаврга йўқсул, валекин меҳрга бойим келур  
Ишвапардозу садоқат мулкида қойим келур  
Кеча ҳар кавкаб қўрингач, ёдима ойим келур  
Ой чу толеъ бўлди меҳри оламорийим келур.



Оз маҳал ҳам бўлса турмуш жумбоғини ечгали  
 Қанча журму беадаблик, қусрларни кечгали  
 Меҳрибонлик, ҳамфикрликнинг либосин бичгали  
 Зухру тақво бутрошингким, бу кеча май ичгали  
 Байтулаҳзонимға шўхи бодапаймойим келур.

Гоҳ-гоҳи бевафолик бўлмоғидин дилда ваҳм  
 Кўнглим ичра из солибон эрмиш эрди қанча заҳм  
 Энди бўлса зора лутфи шарбатидин томчи таъм  
 Бу сориг рангини кўрмаски, қилғай кўнгли раҳм  
 Баски, юзга қонлиғ ашки чеҳра олойим келур.

Ёр базми роҳати орзусида мен хом хаёл  
 Отию зотини васфи бирла дедим кўп маҳол  
 Билмадим анга етишмоқ ошиққа эрмиш кўп маҳол  
 Ваҳ на ҳижронда буким, айлай десам зикри висол  
 Дамбадам оғзимға оҳи меҳнат афзойим келур.

Ишқ дунёсида тенгдир барча бемору соғи  
 Қовурар ҳар бедили зорин ҳамиша ўз ёғи  
 Шаҳр ичра тоқатим тоқ, сабр маҳв ўлғон чоғи  
 Озими дашти фано бўлдим келур мажнун доғи  
 Гар қадам тез урмон андандурки ҳампойим келур.

Эй Азизий, ишқ юкин дилда тут ороستا  
 Ҳар не озор зоҳир ўлса, ичга ют ороستا  
 Сабр ила ҳар қанча лозим бўлса кут ороستا  
 Кўзлару жону кўнгулда манзил эт ороستا  
 Эй Навоийким, бу кун маҳбуби худройим келур.

**30-31 декабрь 2006 й. Тошкент.**

Ҳусн гулзоринг муҳаббат аҳлига мақдам бўлур  
 Булбул афғонига ғунча кулгиси ҳамдам бўлур.  
 Оразинг гулдек очиқ эрса, лабинг маҳкам бўлур  
 Фирқат ичра шарбати лаълинг висоли кам бўлур  
 Гарчи дерлар талх дарёда чучук сув ҳам бўлур.



Севги ўқи дардидин мажруҳмен, кўксим яро  
Эгма қошингга агарчи бош эгйк, қаддим дуто.  
Ой юзинг нури билан умрим ёруғ, эй дилрабо,  
Зулфи рухсоринг ғами, не тонг, бузуғ кўнглум аро  
Аждаҳо гар бўлса вайрон ичра маҳзан ҳам бўлур.

Икки кўзим равза боғин ҳури ризвониндаким,  
Қоши ёсин мўлжали ошиқ элин жониндаким,  
Орзуйим шул қадалган тири мужгониндаким,  
Кўксума бир ўқ от ёна бир ёниндаким  
Ул дағи кўнглумни шод айлар бу ҳам маҳкам бўлур.

Ташна кўнглимга ҳамиша шарбати васли талаб  
Бу тилакдин дилбар айлар нозу истиғно, ғазаб  
Юз туман андиша бирла қилмайин тарки адаб  
Ул пари ишқин халойиқдин ёшурсам, не ажаб  
Дарди йўқлар дард аҳлига қачон маҳрам бўлур.

Софлик юзига солманг шубҳа бирлан сояким,  
Ё ҳасад тўқмоғидин урманг бошимга пояким  
Чекканимдан дард зўридан саҳарлар нолаким  
Оҳу ашкимдин шикоят кўп қилур ҳамсояким,  
Дуд равзандин кирар уйнинг биноси нам бўлур.

Севги даргоҳида қуллик қисмат этмиш менга ғайб  
Менки, мамнунлик била қилдим ҳаётим сенга жайб  
Тақдир айлар имтиҳон меҳнат энгимга юклайаб  
Гар эгилса қоматим ишқинг юкидин қилма айб  
Ким спехр узра бу оғир юкни қўйсанг ҳам бўлур.

Моҳи тобоним ўшал тун ўзни ифшо айлади  
Борлиғим сомон йўлидек дилни унга бойлади  
Бахтиёр толеъ шу эрканни Азизий англади  
Олам аҳлидинки, ул ойни Навоий танлади  
Билмадики, ишқидин овориш олам бўлур.

31 август-2 сентябрь 2003 й. Тошкент.



Ишқ туғёни юракда ҳар недин ҳам зўр эрур  
Бағрими тилган муҳаббат наштари ўткир эрур  
Умрим офтоби ўшал бир моҳчеҳра ҳур эрур  
Ҳар қаён боқсам кўзимга ул қуёшдин нур эрур  
Ҳар сори қилсам назар ул ой менга манзур эрур.

Чеҳра гулзорини пардоз ила ошурмоқ не суд  
Ошиқ аҳлин изтиробин ёна тошурмоқ не суд  
Ошкор этгай ҳарорат дардни сўрмоқ не суд  
Чун масал бўлди сочин зулф ичра ёшурмоқ не суд  
Мушк исин ёшурса бўлмас, бу масал машхур эрур.

Рост алифдек қоматимни букди мажнунлик юким  
Куйида изғишни тақдир айламиш менга ҳукм  
Ўйламай асло йўлида мен ким эрмону у ким  
Телбадурмен то ани қўрмак, ажойибдур буким  
Ул паридево на кўзидин дағи мастур эрур.

Эй малоҳат аҳли, ошиқ тобидин кўнгил узинг  
Бесабрлар шўришин бостиргали бир йўл тузинг  
Эй париваш дардида малҳам нигоҳинг ҳам ўзинг  
Чун мудом эрнинг (лабинг) майи қошиндадир кофир кўзинг  
Недин эркиним, даме усрук (маст) даме маҳрур эрур.

Қўкрагим захда, юрак ўтда, тўшакдур бўрё  
Ёр даргоҳини хоки кўзларимга тўтиё  
Куймагимнинг тафтидин четланинг аҳли риё  
Дилраболар доғи жоним сафҳасида гўйё  
Дард эли ишқим учун муҳр айлаган маншур эрур.

Севги даргоҳи муқаддасдир, садоқат аҳли ганж  
Ушбу ганж арзир чекарга қанча дуч келса шиканж (қайноқ)  
Ёрга етмоқ Азизий — орзу парвозида авж  
Гар Навоий сиймбарлар васлин истаб кўрса ранж  
Йўқ ажаб, невчунки, хом этган тамаъ ранжур эрур.

15-17 сентябрь 2002 й. Тошкент.



Соғинмоғим чидамим мулкига талон соладир  
Танимга ўт кўядир, бўғзима фиғон соладир  
Азоби ҳажри аламлар ёмон ёмон соладир  
Биров ғами яна кўнглимга кўзғолон соладир  
Биров демайки, бу ошубни фалон соладир.

Ширин такаллум этарда овозидир сокин  
Менга етурди сўзин лабини лаъли текин  
Вале бу лабки кўзим кўраолурми экин  
Неча яқин бўладир ул оғиз йўқи лекин  
Такаллуми яна кўнглим аро гумон соладир.

Жамоли васфини куйлар ҳамиша ижодим  
Камоли хулқини ибрат тутарда бунёдим  
Мудом кўзим ўнгида бўлса сарви озодим  
Таажжуб айламангиз дафъи-дафъи фарёдим  
Ки шавқи кўнглима ёдин замон-замон соладир.

Жунуним авжига еткурғиси, найлай, ишқ  
Танамни занжир ила наинки бойлай, ишқ  
Янада турфа азобга ўзимни шайлай, ишқ  
Десам шикёб ила ўзни забт айлай, ишқ  
Яна бу шуълани кўнглумга ногаҳон соладир.

Умр иморатига буюк тўсиндир меҳр  
Ҳаёт боғига у бағишлагуси чеҳр  
Бу нашъага шайдо андалиб бошлади шеър  
Не навъ булбули зор этмасин фиғонки, спеҳр  
Бу гулшан ичра баҳор ўлмайин хазон соладир.

Жаҳон эли, севгининг йўлидин узоқ кетманг  
Бу йўл ниҳоясига ошиқиб жадал етманг.  
Азизни маъзур этинг, ишқиға яқо тутманг  
Навоий ўлса қуҳан пиру қуйса айб этманг  
Ки мундоғ ўт анга бир шўхи навжувон соладир.

5 май 2002 й. Тошкент.



Гунча юз, қоши қалам, икки кўзи шахло бас.  
 Кифригин ўқларидир кўксим аро баржо бас  
 Чирмовуқ гулмен ўшал менга қади раъно бас  
 Олам ичра менга ул ҳури малак сиймо бас  
 Ул қачон бўлса муяссар қадаҳи саҳбо бас.

Ошиқ аҳли бутун умрида тилар астойдил  
 Айрилиқ бўлса рақибларға насиба билкулл  
 Васли ёр ўлса шабистонда чин ошиққа шуғл  
 Ғул шабистон ичида ҳоҷат эса шамъ ила нуқл  
 Ҳам ўшал маҳжабину лаби шаккарҳо бас.

Мақсадим шулки, аинг кўчаси узра қолсам  
 Хокида ястанибон тентирамоқда толсам  
 Раҳм этиб ёнима келса бўйига қўл солсам  
 Нақди жон бўлсаму лаъли лабидин қут олсам  
 Умр бозорида мен хастаға бу савдо бас

Жону дил ушбу малакнинг майидиндир сармаст  
 Ўзгача фикру амалнинг идиши топди шикаст  
 Билмаган носеҳ эса панд қилурда пайваст  
 Кимга бу даст берибдирки, сенга бергай даст  
 Айла бу фикри малоҳатни, эй шайдо, бас.

Севарим битта ўзидир ўша сочи мушкин  
 Қомати сарви равон, ҳулқию сўзи ширин  
 Шу паривашни қанотида Азизий тутқин  
 Эй Навоий етаринг ёрга эрмас мумкин  
 Қилмасанг кўнглинг аро ғайри ҳаёлин то бас.

4 май 2002 й. Тошкент.



Мен анингдир, ул менинг бизга шудир изҳор бас  
Хусни таърифига ҳеч қилмам ширин гуфтор бас.  
Кимса борму мен каби тақдирга миннатдор бас  
Хўблар минг бўлсалар мен хастага бир ёр бас  
Анда меҳр атворининг мингдир бири гар бор бас.

Ул жафожўйлик надур умрида асло билмасун  
Ошиқдин ўзга ҳеч бирни назарга илмасун  
Кимки, ошиқдир вафо сарманзилидин жилмасин  
Айтмонким, ҳар вафо қилсам жафое қилмасун  
Ҳар вафоға минг жафо гар айламас изҳор бас.

Эзма қошинг шавқ-парвозига бергайдир қанот  
Тўтийи жон чеҳра боғингдин терар қанду набот  
Икки лаълинг иштиёқида тилар қалбим нишот  
Мен киму нўши лабингдин истамас қуйи ҳаёт  
Айласа ғамзанг синони қатл бу миқдор бас.

Эй Азизий, мақдами ишқ ичра қойилроқ бўл  
Тоқатинг қалқон каби тут ёғса тошлар ўнгу сўл  
Неки зоҳир бўлса ёринг этакиди узма қўл  
Юз бало келса бошингга сабр қилғил, эй кўнгул  
Ё халойиқ ихтилотин қил Навоийвор бас.

**10 май 2002 й. Тошкент.**

Сени кўрмай кўнгул шодона бўлмас  
Хаёлинг бир нафас бегона бўлмас  
Юзингга мен каби ҳайрона бўлмас  
Ғамингдин, эй пари, девона бўлмас  
Кишиким, ҳуш топса ёна бўлмас.

Агар қилмас эшигида гадолиқ  
Туман дарду балоға мубталюлиқ  
Ҳавас аҳли билан банди жудолиқ  
Анга йўқ ишқ бирла ошнолиқ  
Ки ақлу ҳуштан бегона бўлмас.



Эрурмен ҳажри ҳибси ичра тутқун  
Вале эрмас надомат менга ойин  
Анинг ёди қамиша дилга таскин  
Кишига васл иқболи не мумкин  
Агар ҳижрон аро мардона бўлмас.

Менга панд айлагучи ёру хешлар  
Ажаб ва қўрмаганлар мундоқ ишлар  
Таажжуб бирла ҳайрат илки тишлар  
Керакмас май агар худ жон бағишлар  
Менга соқий агар жонона бўлмас.

Дилу жонин фидойи этмаса ким  
Фиғону нолаларни тингласа жим  
Муҳаббат сори ҳаргиз қистамангким,  
Хирад муғ дайри ичра истамангким,  
Бу йўлда оқилу фарзона бўлмас.

Азизийга беринг бир холий маскан  
Ёрутсин қора уйни қалби равшан  
Ки ҳар ошиққа ўз жойи ярашган  
Навоийга бузук, булбулга гулшан  
Ки ҳузну айш эли ҳамхона бўлмас.

17 июнь 2004 й. Тошкент.

Масканимдир қўйи тупроғи бўлак мақсад эмас  
Бир нигоҳи лутфомези тушар эрса шу бас  
Тўтиё қўзимга хоки, хок уза ҳар хору хас  
Демаким, нўши лабидин қути жон қилдим ҳавас  
Оби ҳайвондин ҳаёти жовдон қилдим ҳавас.

Касб этдим лаъли хандонига термулмакни жим  
Гул юзига лаб тегизмак журъатини топгучи ким.  
Кайф бирла гашти сармасти сузилган чоғи ним  
Лаъли нўшидин гар ўлсам хом эмастур айбким,  
Жазм этаолмас ғизо мен нотавон қилдим ҳавас.



Ёдин айлаб тулғанурман телбалардек тун ва тонг  
Орзу айлаб висолини йўқотдим ақлу онг  
Бенаволиқ бирла қўйида кезарда ҳангу монг  
Тош ебон атфол гоми бирла жон берсам не тонг  
Ким пари васлиға жонни комрон қилдим ҳавас.

Ким қанотин севги парвозида кермас айбким  
Ястаниб қўйида ётсам кимса дермас айбким  
Ишқ аро жонин фидо этгувчи эрмас айбким  
Остонинг истадим бош қўйсам эрмас айбким,  
Салтанат тахтини мен бехонумон қилдим ҳавас.

Дард туғёни камаймас қанча ёзма, битмаким,  
Васл авжига Азизий мумкин эрмас етмагим.  
Шул сабабдир чорасизлик дашти ичра кетмагим  
Эй Навоий, тоғу водий тутмоғим айб этмаким  
Ёшурун дердим демак тортиб фиғон қилдим ҳавас.

**19 декабрь 2002 й. Тошкент.**

Асирлигимга сўзи шаккари эрур боис  
Латиф назм ила маъни гавҳари эрур боис  
Нигоҳи масти, лаби ахтари эрур боис  
Менинг жунунима гар ул пари эрур боис  
Ҳалокима қад ила пайкари эрур боис.

Эрур муаллимаси камол мактабининг  
Дедим, яширма кўрай сафои маҳжабининг  
Куяр йўлида вужуди неча мен кабининг  
Дема, недин куясанким, анинг юзу лабининг  
Бу ишга шуъла била ахгари эрур боис.

Ётар қўйида кўзин узмайин ёшу қари  
Юзин наззораси иштиёқи бирла бари  
Дариғ этма карамдин, ўзингни тутма нари  
Кўнгул қуши туну кун мулки бохтар сари  
Ҳаво қилурға маҳи ховарий эрур боис.



Карашмау нозу ишвасиға йўқ эса ҳад  
Кулиб қиё боқиши жонни олғуси албат  
Назокат ила хиром айлаганда шамшод қад  
Менгаки, ғамзасидин ўлмаса ҳаёти абад  
Хаёлиға лаби жонварвари эрур боис.

Силар яноқларини тонг шабодаси беор  
Ўшал замон бўладир рсишқдин дилим бемор  
Анинг жамоли васфини айлай фақат мен зор  
Чаманда булбул этар шавқ нуқтасин такрор  
Ки гул варақларининг дафтари эрур боис.

Ҳаёт китобларини варақласам нечалар  
Чу уйқи лашкарини ҳайдабон узоқ кечалар  
Ғанимати ушбу дам ҳақида сўз очалар  
Ҳамиша дайр ичида бўлмоғимға муғбачалар  
Карашмасию фано соғари эрур боис.

Азиз Хўқанди латифда иқомат айлади оз  
Тошқадй дилкаш аро бўлди илмға ҳамроз  
Ватан кучоғида ўтган умрни ҳар қуни соз  
Навой ўлмасиға озими Ироқу Ҳижоз  
Магар назоҳати мулки Ҳирий эрур боис.

**2-7 июль 2002 й. Тошкент.**

Ёр илкени тут аста сарви сиҳини қўзғот  
Елдек иафасинг бирлан райҳон сочини тебрат  
Лаб боғла қулоғиға мақсудинги бир-бир айт  
Шўх икки ғизолингни ноз уйқусидин уйғот  
То уйқилари кетсун гулзор ичида ўйнат.

Хуснинг чаманин очиб оламга намоён қил  
Чехранг гулини кўрсат кўзгулари ҳайрон қил  
Кокилни қилиб майда домлар анга пинҳон қил  
Тишлабки, сочинг ўрдинг очқонда паришон қил  
Офоқ саводинда жон рэйиҳасин бутрот.



Дил булбулининг васфи доим ўша гулруҳда  
Ҳар бир сўзи дурдона, ҳар мисраи бир нукта  
Осмоним эрур сочиғ савдосига омукта  
Кулбамга хайафшон кел зулфунг қилиб ошуфта  
Анжум сипаҳин синдур, офоқ улусин қўзғат.

Ҳар зулмга бардошда токай синамоқ бизни  
Жон тўтисини сийла, соч унга шакар сўзни  
Бас шунча бекинмоқлик гаҳ кўрсатибон ўзни  
Ораз қуёшин очиб ашки қуруған кўзни  
Кўп ҳажрда йиғлатдинг бир васлда ҳам йиғлат.

Тақдир китобидин ишқ таълимини олиб  
Кун кунга бу савдода борди талабим ортиб  
Афғоними дудидин осмон юзасин ёпиб  
Бир оҳ ила қул бўлдим, эй чарх, талаб топиб  
Фарҳод ила Мажнунга ошиқлик ишин ўргат.

Севги, караму шафқат нурила ёрусин дил  
Кин, ғийбат ила ялғон чангидин узоқлаш тил  
Давронга ҳеч алданма ҳақ йўл уза маҳкам бўл  
Хоро тўбиға еткунг йўқ суд агар юз йил  
Кўк атласи устида жисмингни ётиб оғнат.

Умр ичра Азиз кўксин тиғлар эса, эй соқий,  
Журм ўтида бағрини доғлар эса, эй соқий  
Бир лаҳза фараҳ дoston чоғлар эса, эй соқий,  
Базм ичра Навоий кўп йиғлар эса, эй соқий,  
Ҳуш элтгучи дору жомига ани чайқот.

**20-21 июль 2003 й. Алматы.**

Ой каби чеҳранг зиёсидин ёришти коинот  
Бу ёруғлиғдин етишди кўнглима авжи нишот  
Лаъл нобинг шарбатидин жону жисмим ичра тот  
Лаъл эмас ширинг лабингким, жон топар андин ҳаёт  
Қим сўриб билдим ул эрмиш лаългун қилғон набот



Лаъл ранги лабга ўтса мундайин лаззат қани  
Лаъл конин эгаси гар бўлса эҳсонда ғани  
Ваҳм қилмам шу наботи лаъли ўлдирса мани  
Лек ул янглиғ наботеким қуяр чоғда ани  
Шираси жон шираси эрмиш, суйи оби ҳаёт

Одам эрмасмен агар кўрганда жоним тутмасам  
Ойу йиллар, тун ва кунлар дилда ёдин этмасам  
Бир нигоҳи ишва пардозин умрлар кутмасам  
Оқса рухсорида ҳай, не тонг кўнгул тўхтатмасам  
Тоғ бўлса топмас ул сайр ичра имкони сабот.

Сўзлари муштоқ кўнгуллар учун шаккар ангез  
Юзларидин ёйилур ҳар сориға нури тамез  
Бадахлларга қошининг чини отса тиғи тез  
Хўблар хайли аро ҳар сори тутмиш рустахез  
Гўйё майдон ичига чобуким секретти от.

Ўзидир умр осмоним узра ёруғ юлдузим  
Лутфу меҳру сидқ нуридин чароғон кундузим  
Ишқида жондин фидойиси Азизий мен ўзим  
Эй Навоий, кўргали они учар ҳар дам кўзим  
Лек не суд, учмоқ ул қушким, анга йўқтур қанот.

17 июль 2003 й. Олмаота.

Гар ҳаётинг йўлига нурини сочса моҳру  
Шуълаи меҳри била ёрутса кўнглинг ул сулув  
Ишқ гулзори аро сидқу вафодин берса сув  
Пок ишқ аҳли нечук васл айлағайлар орзу  
Номуносибдир балокашларга бўлмоқ комжў.

Севгида ёр дил қушин хилват тўрига қистаган  
Гўйё момиққа кўргандий раво санчмоқ тикан  
Баски ошиқ одати қўйида жон бермоқ экан  
Лолагун рухсору мушқин зулфидин ком истаган  
Ишқ ойинида гўё билмади жуз ранг бў.



Ишқ дардин билмаган дил дил эмас, удир ўлик  
Чин гузаллик завқидан бебаҳра, ғафлатдин сўник  
Булҳавас, сен булҳаваслик чиркига энди кўник!  
Кўнгли пок эл гар маломат ранжида қилса сулук  
Бок эмастур, бода бўлмас ранг қилган бирла сув

Ишқ бирлан барҳаётлар айш йўлиға кирмағон  
Пеш этиб ошиқлиғини севги лофин урмаған  
У самандар сингари ўт ичра ўрнин бермаған  
Пок ошиқ ўртаниб парвонадек дам урмаған  
Бўлғонидин яхшироқ булбул каби бисёрғу.

Аҳду паймонида содиқлиқда белни бойлаган  
Неки келса бошига тоқат йўлини сайлаган  
Чин садоқатни умр қўйида доим сийлаган  
Ишқ таврида кўнгул тилин забт айлаган  
Ўту сувни жамъ этар. Кимга муяссар бўлди бу?

Дашт ичра ожиз эрса ҳам зрур аъло кийик  
Тийнати пок, нияти соф қўзлари шахло, йирик  
Севги файзига тўла озода инсондир тирик  
Рутба лекин бўлса пок элга булут янглиғ бийик  
Барқ ўтин ёмғур аро асрар зиҳи покиза ҳу.

Чарх, ошиқ бошига ғам тошини ёғдурмаким,  
Ошиқ ўлсанг севги чекидин нарига юрмаким  
Сабр ила шукру ҳаёдин, эй Азиз бош бурмаким,  
Эй Навоий, ишқ даъвосинда кўп лоф урмаким,  
Фанинида соҳибкамол эл бир тараф қилмас ғулув.

**25-26 апрель 2005 й. Тошкент.**

Сиҳи қаддинг айлар ниҳол орзу  
Лабинг шарбатин шаҳди бсл орзу  
Тамошоси менга хаёл, орзу  
Агар ошиқ этса висол орзу  
Аён этмиш ўлғай ниҳол орзу.



Қдвас ўтида бўлдим оташпараст  
Қўнғилда на тоқат, қарору нишаст  
Ширин орзуларла масту аласт  
Анга баски, қилгай агар берса даст  
Йироқдир кўрарга жамол орзу.

Тилаб ҳар замон васлдин баҳрани  
Писанд айламай олтину нуқрани  
Кезарда жаҳону жиҳот, жабҳани  
Қуруб оғзим истарман ул чехрани  
Сувсиз айлагандек зилол орзу.

Мени эслагайсенму, бергил хабар  
Топилмас фидойи сенга мен қадар  
Висолинг боғидин бағишла самар  
Сувга, йўқса кўзгуга солғил назар  
Гар этсанг ўзингга мисол орзу.

Паришон сочинг бўйнума солғали  
Юзинг аксига кўзларим тўлғали  
Қаро холинга термулиб ўлғали  
Ҳам ошуфта, ҳам тийрадур бўлғали  
Замирингга ул зулфу хол орзу.

Омонлик осмонида бўлсин бошинг.  
Азизий, тўла дарддин ичу тошинг,  
Ани, аҳли дил, қутқарувга шошинг  
Навоий тилар ийд шоми қошинг  
Улус айлагандек ҳилол орзу.

27-28 июнь 2003 й. Олмаота.



*Бош эгар гуллар пари сайри гулистон айлагач  
Ғунча ораз шавқи булбулнн сухандон айлагач,  
Сочи мушкинбўларини рашки райҳон айлагач  
Ҳусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач  
Шамъи равшанроқ бўлур торин паришон айлагач.*

*Гоҳ лутфу гоҳ тағофил бирла аста пойладинг  
Ноз ила қўнгил қушин ипсиз йўлингга бойладинг  
Мени ишқингда фидо бўлмоққа доим шайладинг  
Юзни гуллардин безабму бизни қурбон айладинг  
Ё юзингга тегди қонлар бизни қурбон айлагач.*

*Сенга бахш этгум бутун умримни қўпу озини  
Жон фидойилик эрур ижроси ошиқ розини  
Қонға чулғанди йўлингга ким тилар дамсозини  
Қон эмаским, ёпти гулгун ҳулла жаннат хозини  
Ишқ мақтулин шаҳид айларда урён айлагач.*

*Дарди ҳижронинг ғамидин дил бўлиб ташвишнок  
Бу хавотир хавжари қўксимни қилди чок-чок  
Ёшурун тутсам муҳаббат гавҳарин бағримда пок  
Танга қўйғач юқди нақди ишқинг қилди қўнглимни ҳалок  
Улдурур маҳрамни султон ганж пинҳон айлагач.*

*Бир умр ишқ дарди танларга ёпишди, кетмади  
Гоҳ Азиз этди, гоҳи ҳижрон ўтида ўртади  
Орзуйим қушлари мақсад тоғига етмади  
Эй Навоий, ишқ агар қўнглингни мажруҳ этмади  
Не учунким, қон келур оғзингдин афғон айлагач.*

**12 июнь 2002 й. Тошкент.**



Не ойдек чехрадирки, ўтлари кўнглимга ёқилмиш  
 Не нозу жилва ўйноғи юрак бағрим адо қилмиш.  
 Дудоғи лаълноби шавқи қалбим ичра жо қилмиш  
 Не ҳам қошлардурурким, ҳасрати қаддимни ё қилмиш  
 Не кифриклар ўқиким, рўзгоримни қаро қилмиш.

Изини истабон кўйи аро сарсонлиғим билғач  
 Асири сумбулистонлигимни кўзига илғач,  
 Кўнгилнинг ҳур қушин доми ичида пойбанд қилғоч  
 Не печу тоби ҳадсиз доми зулф эрканки, очилғоч  
 Демай кўнглум қушиким, уйла юзни мубтало қилмиш.

Жунуну дайдилиқ муҳри билан тузмишда белгимни  
 Қоши меҳробига тинмай чуқур таъзим қилғумни  
 Кўрибон илтифотиға умрлар зор илгимни  
 Не кўзлардирки, олмиш кўз юмуб очғунча кўнглумни  
 Қилиб ҳар гўшада бемору қисми юз боло қилмиш.

Не янглиғ ошноким, анга дил доғи юзим сарди  
 Асар қилмаски, юқтирмас тўтиёлиқ учун гарде  
 Топилғайму бирор мендек муҳаббат водисин марди  
 Не ораз лоласидирким, кўнгулни қон этиб дарди  
 Тугон қўйғон била дафъига ул қоннинг даво қилмиш

Не сўзларки, чиқар ун ғунча оғзидин очилса ком  
 Менга қанду асалдекдир, агарчи таъми анча хом  
 Не маънидир овози асли эрса. манбаъи ором  
 Не нозик ху эрурким, айламиш утрудо юз дашном  
 Гадоеким, анинг зулфу кўзу қаддин дуо қилмиш.

Азалдан хонумонимни хароб этмиш уриб тўфон  
 Муҳаббат дардини доим чекиб жон булбули нолон  
 Кўз ўнгимдин узилмас бир нафас тасвири шул жонон  
 Қазодандир менга ишқ ўйнамоқ, эй насеҳи нодон  
 Кўрибсенму киши ҳаргизки, тағйири қазо қилмиш.



*Хаётим холий эрмас ишқ аро бир лаҳза куфридин  
Вужудимда ҳукмрон шу сабабли ларза куфридин  
Азизий кўкси очиқ гарчи етса найза куфридин  
Навоийдек халосим йўқ эди ул ғамза куфридин  
Хусусан зулфи зуннори дағи бўйнулмға тоқилмиш.*

**21 октябрь 2005 й. Тошкент.**

*Малоҳатда қадинг нозик адо, сарви равон эрмиш  
Назоҳатда вужудинг гулшанин ҳусни ягон эрмиш  
Қаро сумбулларинг жон қушларига ошиён эрмиш  
Латофатда юзинг ҳам гул эмиш, ҳам гулистон эрмиш  
Ҳаловатда лабинг ҳам жону ҳам оромижон эрмиш.*

*Хаёлин қилғоним чоғда учар ҳуш, кетгамен ўздан  
Магар хушёрлиқ қайтар эшитсам бир оғиз сўздан  
Кўзим ўнгида ҳар дам жилва қилғон гулшани юздан  
Бу маъниданки, доим чун ниҳондур ул пари кўздан  
Иши жону кўнгулга ўртамаск доғи ниҳон эрмиш.*

*Этибмен одатим ҳамдамлиғин маъвойи ишқ ичра  
Анинг васли ягона мақсадим даъвойи ишқ ичра  
Агар бир соат андин айру ўлсам жойи ишқ ичра  
Шарарлар бирла оҳим дудини саҳройи ишқ ичра  
Киши кўрса гумон қилғай минг ўтлуғ корвон эрмиш.*

*Очилса ғунча гуллар бў таратса менга йўқдир суд  
Агар раъно гулим ул эрди юз кўрсатмаса беҳбуд  
Тилаб ҳуснин тамошосиға интилдим мени ношуд  
Чаманда ҳар сори қилдим гули раъно гумон ул худ  
Сариғ гул жомида гулгун сиришким бирла қон эрмиш.*

*Менга лутфи илоҳийдан бошим етган эди кўкка  
Ғурурим ҳаддин ошди, энди қолдим яккаю дукка  
Пушаймон бўлмадимму қилмишимданким, тушиб чўкка  
Тукиб май муҳтасиб мен йиғладим лекин ул усрукка  
Сув келтирган ҳамону кўза синдирган ҳамон эрмиш.*



Умрлар ўтди ҳар дам жабр тоғиға сабр қилдим  
 Жафо жисмин чидам тирноғи бирла ҳар замон тилдим  
 Ҳаё ҳам сабру шукр илмин тўла билмоққа интилдим  
 Фано дайрики, гардун ҳуснидин маҳкамдурур билдим  
 Кн гардим зулмидин фақр аҳлиға доруломон эрмиш.

Муҳаббат айламак парво магар қулсен ваё эркин  
 Не қилсанг қил, вале доим вафо даргоҳида беркин  
 Азизий ишқ аро қойим, эшитгил эмди не деркин  
 Навоийни дедим ишқ ичра сомоне топиб эркин  
 Вале кўрдум ҳаму девонау беҳонумон эрмиш.

**21-22 октябрь 2005 й. Тошкент.**

Кўринса кўзим шу саодат бўлур эрмиш  
 Маҳзун дилимга кони фароғат бўлур эрмиш.  
 Лаб очса агар не не фасоҳат бўлур эрмиш  
 Юзу энгида мунча латофат бўлур эрмиш  
 Қошу кўзида мунча ҳам офат бўлур эрмиш.

Одобу ҳаёсида ҳама фазл жамул жам  
 Оҳу кўзининг бир назари дардлара малҳам  
 Юз гулшани очганда чиройини ўшал дам  
 Ҳуснидин анинг ҳур итоб қочди пари ҳам  
 Бир одамида мунча латофат бўлур эрмиш.

Нур сочди жаҳонгаки у кун ўн бешгаки, тўлди  
 Дунё юзасин боиси ёруғлиғи бўлди  
 Мавҳум қаро пардасидин тунда қутулди  
 Моҳим юзини чун ки қуёш кўрди тутулди  
 Мунча фалаки элда касофат бўлур эрмиш.

Кифрик ўқи жисмимга қадалган эди маҳкам  
 Қошинг қиличи зарбига бўйнимни этай ҳам  
 Сўзингки тириклик нафасин элтгуси ҳар дам  
 Лаълинг майига чашмаи ҳайвонни қилиб зам  
 Чучукрок эрур, мунча сарофат бўлур эрмиш.



Ҳаттоки, тасодиф била мендин юз ўғирма  
Бетоқат ўлан қалб чидам лофини урма  
Бир лаҳза кўролмас эсам аҳволими сўрма  
Жавр этганида ўлмас эдим, гар анга сўнгра  
Билсам эдиким, лутфи изофат бўлур эрмиш.

Бир заррача парво чангини олмадию сар  
Саҳро йўли мавҳумлигини этмади бовар  
Юрдим тўлибон ғайрату шиддатта саросар  
Кирганда бало даштига фикр этгай эдим гар  
Юздин бири билсамки, махсфат бўлур эрмиш.

Ёр зулфи қади сарвини хонандасидирмен  
Гул ҳусниға термулғучи шармандасидирмен  
Беҳол Азизий сабаби хандасидирмен  
Дебтурки Навоий сўзининг бандасидирмен  
Бу лутф ила ул шаҳда зарофат бўлур эрмиш.

**10 март 2003 й. Тошкент.**

Кўзларингга дилни сармасга айлаламакликдир юмуш  
Қоши ёйлардан етар кўксимга тоғидин улуш  
Сумбулистонинг қарою оқ сийнандгир кумуш  
Ҳусн боғи ичра қаддинг сарв бўлмоқлиққа туш  
Ҳар ҳаво қилган кўнгул ул қад уза сарв узра қуш.

Қанча ошиқ жонини қурбон этишмуш оллинг  
Ёна қанча ушбу йўл бирла кетушмиш оллинг  
Тентираб бир ялғизинг ҳозирда тушмиш оллинг  
Умрларким, бўлган оваринг етушмиш оллинг  
Марҳабосиға илик сун худ дўйолмасманким қучуш.

Қилмади тақдир менга кам сира озорини  
Кунбу кун ошурди жонимга жафо миқдорини  
Гарчи кўрсатган эсам ҳар қанча тоқат борини  
Кўксума ғам тоғида ишқинг бало масморини (қозиқ, мих)  
Беркитурда айлади Фарҳод метинин чўчуш.



Хусни гулзоринг сифатин куйламак булбул иши  
 Қайси инсон кўрди чехранг гулшанин кетди ҳуши  
 Телбаликда кечмак эрмиш асли ошиқ турмуши  
 Лаъли шахдига ҳаво қилғанда, эй жоним қуши,  
 Гар десангким, топмайин махлас чибин янглиғ ёнуш.

Бу замон моҳияти ҳар кимга доим уқдурур  
 Ҳар қадамда қанча ташвиш бари одамни кутур  
 Баски, даврон қилмиши қар кимга ялғиз шудурур  
 Ишрат этким, чарх оллинда тафовут йўқдурур  
 Ҳоҳ базм ичра симоъ эт, хоҳ кунж ичра тумуш.

Мен Азизий эшикингда жонсизин тутдим мақои  
 Жон кирар танга овозинг келса уйдан ногаҳон  
 Илтифот қилғил гадойинга боқиб, эй меҳрибон  
 Дема ҳажримдин Навоий ғамсиз эрмас бир замон  
 Истасангким, ғамдин айрилгай, анинг бирла қовуш.

21-22 ноябрь 2005 й.

Не бахтки, икки севикли ёр эмди топушмиш  
 Қучоғни тўлдирибон икки сарв шохи ўпушмиш  
 Оғиз бир бирига интилибки, топди юмуш  
 Лабингни сўргали муҳри сукут оғзима тушмуш  
 Ки ул шаккар била эркин бири бирига ёпушмуш.

Қаю шахд ўлса ҳам лаълинг зилоли лаззати йўқтур  
 Жаҳонда мунчалик оромбахш шарбате йўқтур  
 Димоғингдин узилмоққа нафаснинг тоқати йўқтур  
 Ҳаётим андин эканким, чиқарға қуввати йўқтур  
 Заиф жонки, лабинг ҳажридин оғзига ёвушмуш.

Қошингнинг эгрилиги таъзимимга ўхшаш эрур  
 Қаро кўзингни нигоҳи менга манбаъи сурур  
 Мижангни тиглари қўксимда нелар айлади, кўр  
 Юзинг хижолатидин арғувонга тушти тағайюр  
 Дарахти рангдин англари кишининг қони қурушмуш.



Жаҳон элига жамолинг қўрмоғи эрди ҳавас  
Сўралса ҳар биридан ўзга ниятини демас  
Боқиб самоға осмон юлдузларига эмас  
Қулоқ дуриға харидор эди юзинг ажаб эрмас  
Нишот эл ароким, Зухро Муштарийға қовушмуш.

Азал этар насибаси фараҳ мулкин ангаким,  
Эришса шу давлати олийга таҳсин ангаким.  
Кимики соҳиби иқбол, тушунча берган ангаким,  
Ҳаёт мушкидин этмак сафар не мумкин ангаким,  
Келиб ватанга сафардин нигори бирла қучушмуш

Ҳаёт дарахтига севги бергуси улуг қудрат  
Анинг буйи чўзилиб касб этар ажаб қомат  
Қуёш нури каби севги сақлагай ани албат  
На бок пок қўнғул сори чарх солса кудурат  
Зилол қўзгусини соя тийра қилса не тутмуш.

Агарчи ишқимиз оташ зарар йўқ эрур биздин  
Узоқмиз элга демоққа бир гапе бизу сиздин  
Азизий боргай умрлар севги танлаган издин  
Навоиё дема ишқинг сўзин чиқарма оғиздин  
Ёшурмоғим не осиф, чун халойиқ оғзиға тушмуш.

**19-20 ноябрь 2005 й. Тошкент.**

Нигоҳинг шуъласини ташлаб ўт, ёш  
Кутар лутфинг эгилиб бу қумуш бош  
Соғинмоқ қулфатиға бермайин дош  
Қаттиқ дардим зилоли ашк этар фош  
Сузук сув ичра қолмас ёшурун тош.

Шукрлар, мақвашо, додимга етдинг  
Бошимдин ғам булутини аритдинг  
Карамдан дард тошини эритдинг  
Ҳалоким васл аро мингдан бир этдинг  
Ки бергай тангри бир ёшинга минг бош.



Кўзинг шахлосига кифрикми ҳамдам  
Отар кўксимга торини дамодам  
Қабоғингдан узилмайдир кўзим ҳам  
Демакки фитна таълимин бўлиб ҳам  
Қулоғинг сори бош элтибдур ул қош

Менинг ишқимни туғёни нединким,  
Ғулу босмиш жаҳонни кийнидинким,  
Оқармиш кўзларим оқ сийнадинким,  
Магар сочингни тийдинг фитнадинким,  
Паришон ҳол оёқингга қўяр бош.

Паривашлик сифати санда аъло  
Назокат дарслигига пири доно  
Ниҳолинг сувратини айламиш жо  
Ясар чоғда лабинг рангини гўё  
Эзиб тур оби ҳайвон бирла наққош.

Шароби васлингга мен интизоринг  
Ҳамон махмур, бесабру кароринг  
Дегайлар оқил аҳли нари боринг!  
Қадақ эй муғки, жой айлай нисоринг  
Неча бўлғай харобот ичра қаллош.

Азизий изинг истаб дарбадардир  
Жаҳонда дарбадарлик шу қадардир  
Унитмиш неки фойда не зарардир  
Навоий жони сенсиз дардисардур  
Борурда они ҳам олғай эдинг кош.

3-4 октябрь 2004 й. Тошкент.



Тун ва кунлар соғиниб кетди бошимдин аклу ҳуш  
Ногаҳон кўрдим ниҳоли қоматинг. Бу ўнгму туш?  
Сарви бўстонинг тамошоси нигоҳимга нахуш,  
Ҳусн боғи ичра қаддинг сарв бўлмоқлиққа туш  
Бир ҳавас қилғон ул қад уза сарв узра қуш.

Ҳар нафас фикрим, ҳаёлотим кетишмиш оллинг  
Орзу лочинлари парвоз этишмиш оллинг  
Бош эгибон таъзим одобин туттишмиш оллинг  
Умрларким. бўлғон оваранг етишмиш оллинг  
Марҳабосига илик сув, худ деёлмасман қучуш.

Йўлида ёстонмоғи жону кўнгулга бўлди майл  
Телбау нодонлиғимнинг авжи ҳам ушбу тўфайл  
Кўзғотолмас эрсада куч бирла не офат, не сайл  
Кўйидин бизни чиқармоққа, рақибо, йиғма хайл  
Хасни қувмоққа насиме бас, эмас ҳожат уруш.

Эл учун боғлаб камар майдон аро мардона тур  
Яхшилиқ офтоби умринг уйин этсин пурнур  
Эзгулик ишратгоҳида айш этиб қандингни ур  
Ишрат этким, чарх оллинда тафовут йўқтурур  
Хоҳ базм ичра самоъ эт, хоҳ кунж ичра тутуш.

Васл дилида дуррини кўнги.л тўрида сақлабон  
Ғунча оғзинг, гул юзинг мадҳини қуйларди ҳамон  
Бир куни кўрмаслигин тутма Азизийга осон  
Дема ҳажримдин Навоий, ғамсиз эрмас бу замон  
Истасангким, ғамдин айрилгай, онинг бирла қовуш.

24 июнь 2003 й. Тошкент.



Олам ичра қайси инсон бор сенингдек покроқ  
 Фурқатинг ваҳми билан мен сингари дарднокроқ  
 Бир нафас қўрмас эсам қўнглим чунон ғамнокроқ  
 Қўкрагимдур субҳнинг пироханидин чокроқ  
 Кифригим шабнам туқилган майсадин намнокроқ.

Меҳр нури ҳар кишининг тўқис айлайдир камин  
 Илтифот офтобидин равшандир осмону замин  
 Афзал айлаб ҳаммадин ушбу фидойи ҳамдамин  
 Лайли андин қўйди Мажнун қўнглида рахти ғамин  
 Ким йўқ эрди манзил ул водийда андин покроқ.

Зулфи сал силкинса борми ёйилур боғ ичра мушк  
 Ким жигар сўзонасидин жону дил касб этди хушк  
 Ғайрига лутфини ваҳмидин ҳалок тан, қўзда рашк  
 Уйла мужгон ханжариға ёпишибдур дурри ашк  
 Ким магар андин яtimi йўқдурур бебоқроқ.

Ноз бирла бир қиё боққанда охулар менга  
 Шул мени бечорага дунёи эҳсони менга  
 Иштиёқинг тафта бирла сабру бардошин менга  
 Лабларингдин жон олурда барча эл қулдур сенга  
 Жон берурда бир қулинг йўқ бандадин чолоқроқ.

Беадолатдин ясабдур кимсага маҳфузи лавҳ  
 Қисмат этгандир жаҳоннинг ишларин беҳуда тарҳ  
 Гарчи юсаклик аро инсонга қўйган бирла нарх  
 Одабийлик туфроғин берса фано йўлиға чарх  
 Оҳким, йўқтур киши аҳли вафодин хокроқ.

Қанча куйсанг ишқ ўти бағрингда ёрқинроқ бўлур  
 Ул Азизроқдир, агарки, феъли вазминроқ бўлур  
 Оҳ чекмай нола қилган дарди ҳам чокроқ бўлур  
 Неча ўқисанг Навоий қўнгли захминроқ бўлур  
 Кўрмадик захмини, теккан сой бўлгай чокроқ.

22 январь 2003 й. Тошкент.



Дамингки, кўнглим учун ёқимли бу янглиғ  
Топилмагусидир шайдо бирорта у янглиғ  
Сафои чеҳранг эрур соф кўзгу янглиғ  
Кўнгул қушига сочинг тори хилқаму янглиғ  
Озода холу юзинг дона бирла сув янглиғ.

Хонанг висол беҳишти, кўчанг равзаи боғ  
Дилим ҳамиша бу жаннат макон ёдида чоғ  
Боқиб йўлингга кўзим мудом топарди фароғ  
Беҳишт тупроғи гарчи муаттар этса димоғ  
Мунаввар этмагуси кўз бу хоки кўй янглиғ.

Уларки, телбалиғим менга таънин айларлар  
Жунунда бандилиғим тарки саъйин айларлар  
Ишқсизликни агар шарҳи раъйин айларлар  
Қачонки дўстларим ишқ манъин айларлар  
Кўзимга ҳар биридир қон тўкар адув янглиғ.

Ҳаёт осмонида моҳим юзини ёлма саҳоб  
Топар ёруғлиқ анинг ҳуснидин замину об  
Ичармен ишқ ўтида қуйиб ҳамиша шароб  
Деманг салоҳки, ишқдин денг, эй аҳбоб  
Ки ҳеч нукта эмас ҳуш бу гуфтигўй янглиғ.

Азизий қадр қил ижодни Навоийдек,  
Тиришгил этгали бунёдни Навоийдек,  
Жаҳон топмади ишқдин шодни Навоийдек  
Соғинма Вомиқу Фарҳодни Навоийдек  
Ки ишқ асирлари эрмас эрди бу янглиғ.

12 июль 2002 й. Тошкент.

# ҒАЗАЛЛАР

*Азиззий ишқ боғида тилаб булбулнаволигини  
Юзи гулгун очилган ғунчаи хандон билан ўйнар.*



Хаёлинг тунлари тинмай бу ошиқ жон билан ўйнар  
Менинг фикру хаёлим сен пари жонон билан ўйнар.

Чаманда ҳуснинг ўйнашса қизил гул ғунчаси бирлан  
Қаро кокилларинг ҳам силкиниб райҳон билан ўйнар.

Магар парвона шам ёғдусига парвоналик қилса  
Менинг кўнглим қуши бир хуршиди тобон билан ўйнар.

Бутун ақлу ҳушимни банд этар ҳуснинг тамошоси  
Юзинг кўрганда бу жисмим жимирлаб қон билан ўйнар

Очиб гул юзларинг, ёрим, табассум бирла гар қулсанг  
Қаро шўх кўзларинг ҳам маст ўлиб мужгон билан ўйнар.

Азизий ишқ боғида тилаб булбулнаволикни  
Юзи гулгун очилган ғунчаи хандон билан ўйнар.

1944 й. Қўқон.



Тополмасман кўзимга тўтиёлиққа ғуборингни  
Асириман сузилган маст охуйи хуморингни

Учар ақлу хушим бошдан ҳамон кўрганда рухсоринг  
Ваёким хўб ярашган ҳар чаманларда гузорингни.

Мудом кўнгил қушин қасдидадир ул чашм жодулар  
Намоён айлабон доим чиройи навбаҳорингни

Фироқинг найзасин сағчмоқни асло ўйга келтирма  
Шароби васлдин маст айла бу махмур зорингни

Муҳаббат риштаси бўйнимда зулфинг печутобидир  
Анинг ҳар толаси боғлар менга савдою корингни.

Кўзим мардумлари ёдингда ҳеч уйқуни кўрмайдир  
Қачонким, кўзгусида ағсини топса узорингни.

Аё ошиқ, мудом этгил хаёлин энг Азиз улфат  
Ки ёди ҳам шириндир ўзидек севган нигорингни.

1943 й. Қўқон.



Айланур жон сен каби сарви ниҳол атрофида  
Гулшани хусн ичра қадди бемисол атрофида

Ишқ дардида юзинг тасвирин илҳом булбули  
Ўргулиб назм этди гулзори жамол атрофида

Дард ўти доим муҳаббат оташин ёнидадир  
Ҳар қачон ишқ оташи ошифтаҳол атрофида

Шул сабаб учгай ҳушим гар сувратинг пайдо эса  
Гоҳ кўз ўнгимдаю гоҳо хаёл атрофида

Жойлашибдир беқарор ақлимни ўзга тортгали  
Кўзга иссиқ юлдузинг икки ҳилол атрофида.

Шамъи ҳуснингдин вафо нури ёғилгай ҳар замон  
Ўргулай парвона янглиғ бемалол атрофида.

Эй Азиз ёрим, умр болидин инъом айлагил  
Бу ҳаёт шахдин ёшурмиш қора хол атрофида.

**9 декабрь 1944 й. Тошкент.**



Кўрдим юзингни, эй гул, бир бўстон ичинда  
Бердим ўшанда кўнгил шу гулистон ичинда.

Тушгач юракка меҳринг қўймай хаёлу фикринг  
Булбуллар этди зикринг ҳар достон ичинда.

Кўз кўрди қоматингни, гул барги хилъатингни  
Сақлай бу сувратингни жисмимда жон ичида.

Жон бўлди зору шайдо бошланди дилда ғавғо  
Ҳуснинг этиб тамошо гулшан макон ичинда.

Қўзинг кўнгилни билди ноз ила бир бурилди  
Кифрикларинг сузилди этди ниҳон ичинда.

Кўкда ҳилолинг акси оташ жамолинг акси  
Лаъли зилолинг акси бу танда жон ичинда.

**Декабрь 1944 й. Тошкент.**



Азиз улфатлар ичра зикр этай номингни ҳурматда  
Дилимда оташи ишқинг ловуллар ушбу соатда.

Жамолинг гулшани ҳусн оламин боғида пинҳондир  
Қадинг ҳам хуш назокатда, лабинг гулдек латофатда.

Гузаллар шамъи ҳуснига кўзим бир лаҳза боқмайдир  
Кўнгил парвонасин фикри сенингдек моҳи талъатда.

Келиб бу базми ҳуснингда май ичмак менга не даркор  
Қиё боққанда маст этди кўзинг жодуси ғоятда.

Ёшурмоқ истабон шу қоматинг тасвирини кўздин  
Қучоғлар сарв қаддингни қаро сумбуллар одатда.

Вафолар ғунчасин тугмиш гузал меҳрингни гулзори  
Унинг васфи билан жон булбули тинмай ҳикоятда.

Қалам таърифи, кўнгил зикри, ошиқларни чин ёди  
Азиз жондин аталган ишқ элин шоҳига одатда.

1944 й. Тошкент.



Юзинг аксин, лабинг татин топиб ичган шаробимда  
Курарман ҳар неча хуш сувратинг мастона хобимда

Сени кўрганда бошимдин магар хуш учса истарман  
Кўзимдин лаҳза бу туш учмасин деб ўз ҳисобимда.

Қачон бу уйқи кетгандя қарорим кетганин кўргач,  
Деди тун, зулфи бағримда, жамоли моҳитобимда.

Топибдур чин вафо ёғдулари ҳуснинг аро таркиб  
Жаҳон осмонига ойу, кўнгилга офтобимда.

Сенингсиз доимо бағрим, вужудим тоқатим куйгай  
Шарори ишқ таъсири шу ўтлуғ изтиробимда.

Менга ҳаргиз муҳаббат таркидин сўз очма, эй ҳосид,  
Маломат чангидин ўчмас жилолар дурри нобимда.

Азиз умримда иқболим ўзингсен севгили ёрим  
Қачон кўргаймен, эй раъно, қадингни печу тобимда.

**8 март 1945 й. Тошкент.**



Не гузаллик акс этаркан кўзларим кўзгусида  
Кўринур сендин аломат ялғиз ул утрусида

Шулки, гулшанларда булбул боиси шайдолиғин  
Лабларинг хандони жодир гунчалар кулкусида

Шоми ҳижроним ёрутти субҳи васлингда кўёш  
Чеҳралар сочганда дилга меҳр ҳар ёғдусида

Юзларинг кўрган чаманлар рашкдин бўлди қизил  
Доғлар бағрига тушди лоланинг қайғусида

Термулар ой суқ билан ҳуснингга то тонг отгуча  
Шўх жилмайганда лаълинг нозли уйқусида

Торта олмас диққатимни тоғу тош оҳулари  
Фикру ёдим сен каби гулбоғлар оҳусида

Эй Азизим, тоза ишқи раҳнамо гар бўлмаса  
Қайси ошиқ эрка мендек гулшани орзусида.

5 август 1945 й.  
Шоҳимардон, Фарғона вилояти.



Сувратинг тушгач кўзимга тўлғанурмен ҳар кеча  
Чунки ой ҳуснинггаю зулфингга бўлди пар кеча.

Беқарор ақлим учиб куйинг аро тутмиш ватан  
Оташи фикринг тўла бошимдан ул яқсар кеча.

Ўтдаю кўнглим, ҳароратдин тилим лол то бугун  
Шуъла солғондинг қуёш ҳуснингдин, эй дилбар, кеча.

Чун дилим жоми лабо-лаб лаҳза-лаҳза мастман  
Тўлдирур ёдинг шаробин кўнглима соғар кеча.

Кундузи беҳушлик сори ҳаёлинг бошлағай  
Ул менга бедорлиқ йўлида ҳам раҳбар кеча

Уйқини ёд айламас кўзлар унитгандин бери  
Уйқидин афзал ҳаёлинг қалб ила аксар кеча.

Жон тутар бағрида маҳкам энг Азиз ишқинг фақат  
Кечмагай андин сира олса ўзидин гар кеча.

**1945 й. Тошкент.**



Тинчимас бир дам юзинг кўрганда бу жон ўрнида  
Ҳуш эмасдур жисм уйи булбулга бўстон ўрнида.

Ҳар неча ишқинг сирин жондек ниҳон айлай десам  
Найлайин турмас бу жон ҳуснинг кўрар он ўрнида

Хонаи кўнглимга ўрнашмиш хаёлинг то абад  
Чун анга ҳушёрлик бир лаҳза меҳмон ўрнида

Кел, жамолинг оч Азизийга тамошо бахш эт  
Юз ёшурмас ноз илан гул ғунча хандон ўрнида.

**1945 й. Тошкент.**



Қанчалар жон куймасин ҳижрон утининг тобида  
Дил уйи доим мунаввар меҳрнинг офтобида.

Тўтиёдир қўзима босган изингнинг туфроғи  
Саждагоҳим муттасил икки қошинг меҳробида.

Қисматим йиллар бўйи эрди фироқ захр ошуби  
Нотавон кўнгил эса васлинг шароби нобида

Қўз ўнгимда жилва қилғай хуш нажот соҳиллари  
Тўлғонурман гарчи ҳар дам айрилиқ гирдобида.

Қаҳру озор, жавру қулфат эшиги бўлди очиқ  
Қулф қўрдим доимо лутфу карам абвобида.

Зулм ила этдинг ҳамиша имтиҳон, де, эй фалак,  
Мен билан кимдир баробар сабру тоқат бобида.

Кечди умрим карвони сидқ йўлида тугал  
Марқадим бўлғай Азизий, ишқ элиға обида.

5 февраль 1995 й. Тошкент.



Хонанг аро парвонадек учсам чироғинга  
Ўчгач чироғ хаёл каби кирсам қучоғинга.

Икки кўзим ой юзларинг шавқида шуълавор  
Етгаймукин мадҳинг тўла созим қулоғинга

Девоналардек тентидим ҳижрон даштида  
Етқумдурур бир кун дебон васл боғинга.

Чехранг қуёши нур сочар ўзгалар сари  
Кўргач мени келгай булут қош қобоғинга.

Тоғ чўққиси баланд турар осмонга бўй чўзиб  
Қайдин унинг юксаклиги тенгдир димоғинга.

Ҳар дам ўтарсен ноз ила парвое ташламай  
Боққаймисен бошим агар қўйсам аёғинга.

Етказдинг, эй нигор, ошиқинга шунча захмким  
Мажруҳ Азизийнинг юраги тўлди доғинга.

24-25 октябрь 1997 й. Тошкент.



Фараҳ бирла боқармен юлдузи иссиқ шу жононға  
Анинг равшанлиғидин нур ёғилгай қулбаи жонға.

Очиб юз ҳусн боғида такаллум қилса дур сочиб  
Солур туғёну шўриш булбули сернавҳа нолонға.

Тиши инжу, лаби лаълу энги гул, кўзлари оҳу  
Нигоҳидин кўнгил сармаст ўлуб бош урди ҳар ёнға

Ишимдир мунтазирлиқ халқасида пойбанд ўлмоқ  
Қўзимдир тўрт йўлида, қачон боққай бу сарсонға.

Малоҳат гулшанида баркамоллик авжида якто  
Анинг васфини қилсанг сиғмагай ҳар неча дostonға.

Ажаб ҳуру малақ, одобу иффат оламин шоҳи  
Тамомий сарви гуллар бош эгар кирганда бўстонға

Хиром этса чаман ичра йиқилғонлар саноқсиздир,  
Қадам бошига етмоқ бахти бирла масту шодонға.

Омонлик тожи, эзгулик дури бошида ўрнашсин  
Тоғиб жой қадр тахтида сафо бахш этди давронға.

Назар қилмиш анга ёшу қари доим ҳавас бирла  
Азиз ўлғай кимиким, етса мундоқ давлату шонға.

3 февраль 2001 й. Тошкент.



Парвонамен ўшал пари шамъи жамолиға  
Ҳайратдадир олам унинг фазлу камолиға

Тинглар экан бундай гузал устоз дарсини  
Ушоқлари тўймас сира ширин мақолиға.

Шогирдпешалар анга фарзанддек яқин  
Доно жавоб топар бари берган саволиға.

Ҳусну билим, одоб ила зийнат берур мудом  
Муаллима ўз мактабин ночор ҳолиға.

Моҳир мураббий, шоира ҳам меҳрибон она  
Ўрнак эрур ҳар касбда даврон аёлиға.

Бўлдим паришонлиқ аро мажнунга ақрабо  
Кўнгил бериб замонанинг лайли мисолиға.

**18 март 2001й. Тошкент.**



Термулиб йўлингга нолон зор-зорингмен яна  
Косаи сабрим синиқ бир интизорингмен яна.

Неча дермен ўз-ўзимга тоқат анжомин тутай  
Лек қўл силтаб барига беқарорингмен яна.

Ақлу ҳуш тасбеҳини ҳарчанд терсам, эй пари,  
Охири занжирбанд девонарворингмен яна.

Кексалик чоғи йигитлик фаслини ёд айлабон  
Васл жоми кайфидин уммидворингмен яна.

Сен билан обод умидим гулшани, умрим боғи  
Хизматинга бел тугиб чобуксуворингмен яна.

Неча дард эрса шифодир илтифотинг малҳами  
Бу тамошо жон физойингга хуморингмен яна.

Эй Азиз, равшан жаҳон нозли нигорим меҳридин  
Мен тирикдирмен ҳамиша, деса ёрингмен яна.

3 май 2001 й. Тошкент.



Топгач хаёлимда сувратинг неча  
Сен бирла бўлурмен бирга ҳар кеча.

Тушда фароғи суҳбатинг етиб  
Эрдим баҳраманд то тонг отгуча

Муштоқимен лаби лаълнобинги  
Тўймай сира нозик белингни қуча.

Бездим фироқ зарбидин ваҳким,  
Сармаст ўлай висолинг майин ича.

Ширин сўзингни эшитган чоғдаёқ  
Жон жисмдан кетар, ҳуш бошдан уча.

Бормен ҳаёт йўлида сарсон ва зор  
Олмай анинг муаммоларин еча.

Бемор Азизий шифосига, нигор,  
Малҳам ўзингсен, ёнида бўл нича.

16 июнь 2002 й. Тошкент.



Кўнглим очилгай лоладек лаълинг хаёлида  
Ғам доғлари ювилгуси лафзингни болида.

Илҳом булоғи қайнагай ҳуснингни шавқида  
Васфинг дури ҳар қатраси оби зилолида

Кунлар юзингдан нурланиб товланди офтоб  
Тунлар қошинг таъзимидир осмон ҳилолида.

Лайливашим ягонадир аҳли вафо аро  
Дарду жунун мен каби мажнун мисолида.

Ёр этакин кўзга суриб икки қўлингга ол  
Йўқдир сафо дайр аҳлининг синған сафолида.

Севги тумори боғлаган бўйнингни ғоз тут  
Хоҳ ҳажр зиндонида хоҳ боғи висолида.

Севги ёвузлик томирин ханжар бўлиб кесар  
Ушбу жавоб Азизийдин даврон саволида.

22-24 июнь 2003 й. Тошкент.



Умр кузида баҳор лоласи очиб чеҳра  
Безанди кунгил уйи нуридин топиб баҳра.

Йўқолди қолмай асар барча бор зимистонлар  
Таралганида қизил лоладин ёруғ шуъла.

Қуёш кундузи бергай анга қирмиз ранг  
Кеча ёруғланур ойу таърифи қилур Зухра.

Бу лола бағридаги доғ эмас у қалбимдир  
Муҳаббат ўтида қуйган қўмир каби тийра.

Вале у мажруҳ эмас ястаниб олур ором  
Шафиқу ҳомий ўлан лола барглари ичра.

Ажаб тароват эрур лола, гул ва япроқлар  
Меҳр қизиғи била гўзалланур давра.

Азиз, нигор жамоли гулшанини мадҳ этиб  
Тутиб қўлини анинг васл боғида яйра!

29-31 март 2004 й.е Тошкент.



Қай кунн гулшан жамолингни тамошосин кўриб  
То бу дам жон беқарор васлинг таманносин кўриб

Кўзларингнинг домига сайд ўлди кўнглим ул кунн  
Базм аҳлидин ниҳон қошингни имосин кўриб

Эмди ҳар тунлар хаёлинг бирла кўнглим ўртанур  
Кетмагай кўздин сира қаддингни раъносин кўриб

Оташи ишқим юзинг кўрганда ёнгай шунчалар  
Не бўлур лутф айласанг лаълингни савғосин кўриб

Унда бўлғай тил баёни шарҳ этмоқлиққа лол  
Лутфинга ўрганган ул кўнгилни ғавғосин кўриб

Бир такаллум айласанг бўлғай бу жоним садқалар  
Лабларинг янглиғ ширин сўзларни маъносин кўриб

Эй Азизий, ушбу сўзлар кўнглими ром айлагач,  
Қайнар илҳом жон аро кўзларни шаҳлосин кўриб.

14 январь 1945 й. Тошкент.



Ором олурда ҳар дам кўнгили кўриб висолинг  
Жонимга жон бағишлар ул ҳусни гул жамолинг

Ўйнақлабон чаманда боқсанг табассум айлаб  
Бағримга тийр отарда анда ики ҳилолинг.

Жонона меҳри ишқинг завқи дилимда доим  
Бедор этар тунимни ўйнаб ширин хаёлинг

Ағёр бағрин эзди рашки жамолинг, эй гул  
Менга ҳамиша лутфинг, йўқ заррача малолинг.

Эй сарви қадди мавзун, гуфтори тоза мазмун  
Атлас кийибди гулгун шамшод ул ниҳолинг.

Меҳринг гиёҳларидан, зулфинг сиёҳларидан  
Қўлинг хиноларидин лаъли лабингда холинг.

Эй шўх жонажоним, сенсен Азиз жоним  
Оламда сен ягона, дунёда йўқ мисолинг.

1941 й. Қўқон.



На хуш гулзори дилни шуълаи меҳрингга тўлдирдинг  
Ки нури шафқатингдин не чаман гулларни ундирдинг.

Мурувват осмонида ўзингни офтоб айлаб  
Қўнгил гулзорида ишқ ғунчасин хандон кулдирдинг.

Ҳақиқий ишқ дардинг бу дилим ичра эди пинҳон  
Вафолар зоҳир айлаб лол тилимни сўзга келтурдинг.

Қувончу бахтдин ақлим йўқотдим телбалар янглиғ  
Қачон ким ташна бағрим шарбати лутфингга қондурдинг.

Ҳамиша, эй қўнгил, чандон садоқат пешасин тутгил  
Муҳаббат куйида ўзни кими ҳукмига топшурдинг.

Ҳақиқий ишқ бирдан бахт шавқи бирла қопланди  
Қаю фурсат юракдин чин вафо аҳдини билдурдинг

Фидо гар этмасам йўлингда бу жонимни найларман  
Азиз номингни қадрин бу каби минг жонга еткурдинг.

1944 й. Тошкент.



Танимга ҳаёт берур жон каби кириб келишинг  
Билурмен доимо вафою садоқатдир ишинг.

Агарчи эл кўзида кўп ҳақиру ночормен  
Мислсиз давлат эрур сенинг қадр қилишинг.

Ҳаёт суви томадир очилса лаъл лабинг  
Кўнгилни ёритадир сал кўринса дурри тишинг.

Қаро кўзингни нигоҳи саодатим сабаби  
Тириклигимга кафил ҳар замон майин кулишинг.

Умр ниҳоясида учрадинг, умр бердинг  
Узоқ умр сенга берсин одамлари билишинг.

Вужудими мадори, моҳияти ўзинг ялғиз  
Менинг сингари бўлмас бирорта фидойи кишинг.

Муҳаббат аҳли, тутибон сидқ этакин маҳкам  
Ёрингиз Азиз тутиб илтифотига эришинг!

**3 июль 2001 й. Тошкент.**



Ҳаётимга қўшган ҳаёт сенинг муҳаббатинг  
Учмоққа ҳам берган қанот сенинг муҳаббатинг.

Дунёда не яхшиликки, бор мен учун  
Боис ўзинг, эй ҳур зот, сенинг муҳаббатинг.

Умр охирида учрадинг қайта тирилтириб  
Ёшлик майини тутди бот сенинг муҳаббатинг.

Ўзга кишига заррача парвое этмасин  
Бўлсин менга серилтифот сенинг муҳаббатинг.

Иқбол боғи сориға йўл олдик. Айлади  
Сели балодин эҳтиёт сенинг муҳаббатинг.

Гарчи қўлимда мол ила мулкдин нишона йўқ  
Қалбимда бебаҳо бисот – сенинг муҳаббатинг.

Эрсанг вафоу сидқда бардавом Азиз,  
Бахш айлагай айшу нишот сенинг муҳаббатинг.

1 июль 2002 й. Тошкент.



Кўнгил харобхонасин лутф ила обод айладинг  
Ташриф этиб маҳзунлиғим чангини барбод айладинг.

Бетоқат эрдим тўтидек шаккар сўзинг илҳоқида  
Ширин такаллумлар билан ғамгин дилим шод айладинг.

Не тил билан инсон дейин эрсанг парилар сарвари  
Ҳар неки қилсанг ҳар қачон шуғли паризод айладинг.

Ёйиб тараҳхум гулларин дил қулбасини яшнатиб  
Навмидлиғ занжиридин кўнглимни озод айладинг.

Ҳижрон қоранғулиғида ваҳший каби беақл эдим  
Васлинг чироғин ёқибон чун одамизод айладинг.

Хуснинг гулистони аро бир булбули шўридани  
Ишқ аҳлиға дostonсаролиғ ичра устод айладинг

Бемор Азизий дардини қувлар сиҳатлик лашқари  
Ҳар қайси фурсатким, ушал бечорани ёд айладинг.

**13-18 апрель 2005 й. Тошкент .**



Ёруғ толеъимдир сенинг борлигинг  
Эрур авжи иқбол менга ёрлигинг.

Қуёш чиққандек булур субҳдам  
Кузим қаршисида намудорлигинг.

Халойиқ тилида эрур достон  
Ҳама хайр ишларда илғорлигинг.

Муҳаббат малҳаминг юракка мадор  
Вужудим таянчи вафодорлигинг.

Висолинг хуморида мен беқарор  
Анинг дафъи ҳар лаҳза хушёрлигинг.

Аё, севги саҳросида тентир қуюн  
Наҳот, қисматингдир мудом зорлигинг.

Сўгинчи аро кечсада бу умр  
Азизий, камаймас умидворлигинг.

**Апрель 2006 й. Тошкент.**



Ақлими асир этгач, қомати ниҳолингиз  
Қўймади мени бир дам ўйнашиб хаёлингиз.

Ёдима тушар доим ҳуснингиз чаманзори  
Ҳам анга эгилган ҳар қошлари ҳилолингиз.

Жон қулоқ тутмайдур нағмасига булбулнинг  
Гар эшитса боғларда ул ширин мақолингиз.

Ишқ дил аро илҳом чашмасини қайнатгай  
Этсангиз тараҳхумлар кўрсатиб жамолингиз.

Ҳар кўнгил китобига севгидан ёзар дарсин  
Ул қаро қалам қошлар ҳам сиёҳ холингиз.

Куйингизда саргардон неча неча ошиқни  
Бир йўла этиб қурбон келмади уволингиз.

Умрлар Азизийни ҳуснига этиб шайдо  
Достондир эл ичра бу гузал камолингиз.

1943 й. Қўқон.



*Боғлар жамолига бериб файзу сафо хуш келдингиз  
Гулларга оро бахш этиб гулшан аро хуш келдингиз.*

*Бир кун кўролмай минг бало исканжасида зор эдим  
Юз шукрим, чин ваъдага айлаб вафо хуш келдингиз.*

*Бу дарднокка етқуриб мўл илтифот малҳамларин  
Хулқи латиф, табъи зариф, нозик адо хуш келдингиз.*

*Жонимни пойандоз этиб қутдим хонамнинг тўрида  
Шу эрди жону дил учун хуш муддао хуш келдингиз.*

*Хотирдан ўчмас бир умр ширин сўзингиз лаззати,  
Ним кулгили ғунча оғиз ақли расо хуш келдингиз.*

*Тонг чоғи гулбоғ сайрида ҳамроҳ эрсангиз агар  
Сарву санобарлар бари қадди дуто хуш келдингиз.*

*Кўзи ёпиқ чашма бугун қайнар булоқдек авжида  
Мадҳингизга бўлди Азиз дostonсаро хуш келдингиз.*

**18-19 сентябрь 2005 й. Тошкент.**



Бир кўриш бирлан асир этди жамолингиз мени  
Сарв янглиғ нозанин қадди ниҳолингиз мени.

Кўзларим олдида мастона сузилган чашмангиз  
Ақлими олгай бутун қоши ҳилолингиз мени.

Ишқинг занжиридир ул қаро кокиллар бу дам  
Маст этар шарбат бериб лаъли зилолингиз мени.

Эй Азиз ёрим, билинг, шайдойи кўнгил дардини  
Интизор этди жуда ширин висолингиз мени.

**14 январь 1944 й. Қўқон.**



Куз кўрди юзинг дил гули хандона очилди  
Гуёки кўнгил боғида гулхона очилди.

Бу кайф ила жон булбулининг нутқи забони  
Гул ғунча лабинг васфига мастона очилди.

Не турфа саодатки, менга ишқ йўлида  
Чин васл шароби тула паймона очилди.

Паймона эмас, йўлида хуммор дилингда  
Шафқат майини тутғали майхона очилди.

Мастоналигим билди лабинг этди табассум  
Ёқут сўнгидин гавҳари дурдона очилди.

Қаршимда шу он порладия шамъи жамолинг  
Кўнглим қушини айлади парвона очилди.

Чин меҳру вафодин ёрутиб субҳи муродим  
Хуршиди Азиз – суврати жонона очилди.

**4 ноябрь 1944 й. Тошкент.**



Низорим шамъи ҳуснинг шуъласи менга равон тушди  
Муҳаббат нурлари ҳам кўнглима ушбу замон тушди.

Анинг ёғдусидин кўнглим аро ўстирдим ишқимни  
Жамолинг аксидин дил боғига бир бўстон тушди.

Кўриб гул ғунчасин бу гулшани севгимда сайрагга  
Ки илҳом деб аталган булбули ширин забон тушди.

Бу ижод андалиби айлади юз назмлар иншо  
Анинг мазмунига тасвири гул ҳуснинг нишон тушди.

Қарорим олди ишқингу ҳушим ҳам ақлими дардинг  
Нетайким, мубталолиқ домиға жоним осон тушди.

Сенинг ёдинг билан ҳар тунлари бир мижжа қоқмасман  
Хаёлим йўлчиси йўл кўрдию фикринг томон тушди.

Азиз айлаб тутай номингни бу қалб ичра ҳар доим  
Кўнгил дунёсига чун гавҳари меҳринг ниҳон тушди.

**8 ноябрь 1944 й. Тошкент.**



Бир пари рухсори ёди беқарор этмиш мени  
Ақлим олгач, фикри ҳам беихтиёр этмиш мени.

Ишқ эли Фарҳоду Мажнун исмини зикр этмайин,  
Зору шайдоликка оламда шиор этмиш мени.

Ҳусн мулкида нигорим Лайлининг монандидир  
Шул сабаб тақдир ҳам мажнуншиор этмиш мени.

Булҳаваслар телба аҳволим, маломат қилмангиз  
Бодаи дилдор васли пурхумор этмиш мени.

Шодменки, кўнглим ичра барқ уриб ишқ оташи  
Барча олам ғуссасидин беғубор этмиш мени.

Гоҳи минг нозу тағофил ўқлари ўлдирса гар  
Гоҳи пинҳон лутфи қайта барқарор этмиш мени.

Исми иқболим эрур бу жисму жонимдин Азиз  
Эй хушо, бахтим ҳамиша анга ёр этмиш мени.

**30 декабрь 1944 й. Тошкент.**



Кўрдим пари жамолинг, ваҳ, мубталолар этди  
Ишқинг дури бу наҳри дилда жилолар этди.

Ногоҳ қўриб юзингни гул ғунчаси қизарди  
Шайдо бўлиб ўзингга булбул наволар этди.

Ширин тақаллумингда шарбатмудур тўкилди  
Шаҳдин билиб қўнғиллар қўп бебаҳолар этди.

Гул мисли оразинг ҳам оҳуйи наргисинг ҳам  
Айларга илтифотин чин муддаолар этди.

**1944 й. Тошкент.**



Гул юзи аксин тушиб кўнглимни гулзор айлади  
Шул нафасда жон қушин ҳам ошиқи зор айлади.

Уйқисиз тунлар жамолинг суврати ҳамдам бўлиб  
Жисмима беҳолу бу кўзимни бедор айлади.

Лаҳзае бўлмай муяссар бодаи васлинг тамом  
Шарбати лаълинг яна кўнглимни хуммор айлади.

Ногаҳон исминг эшитгач, лол тилимга келди сўз  
Жисмима жон ҳам қачон тил они такрор айлади.

Неча гулгун лабларингдин бир такаллум чекмадинг  
Неча дил ошифта аҳволими иқрор айлади.

Гарчи лаблардин суфолик бир нафас ажралмади  
Мастликда қалб сиррин кўзинг ошкор айлади.

Хуш нигоҳингдин олурда ишқ таҳсилин Азиз  
Тоза ҳуснингдек гўзал меҳрингни ашғор айлади.

**19 январь 1945 й. Тошкент.**



Айтинг қаю тунда шам кўринди  
Чун сайри у муҳтарам кўринди.

Ақлимни олиб нигоҳи пинҳон  
Жон олғали дамбадам кўринди.

Қошини кўриб қилурда таъзим  
Кўкниг-да ҳилоли ҳам кўринди.

Талпинди кўнгил Азизни ташлаб  
Гулзорда гулсанам кўринди.

Сенсиз менга хуш кўринмас эрди  
Сен бирла чаман шинам кўринди.

Хуснинг кўрибон учиб хушимки,  
Парвоз ила кўкда ҳам кўринди...

1945 й. Тошкент.



Деманг дард ўти ловулар ёқиб ҳар лаҳза жонимни  
Муҳаббат барқи кул қилди хароба хонумонимни.

Маломат зарбига сабр айлабон афсоналар бўлдим  
Қилурлар қолима ҳар ерда сўйлаб достонимни.

Сенга йўқ ишқдин баҳри аёндир менга, эй ҳосид,  
Магарким топмасанг чин баҳралар тинглаб фиғонимни.

Нигоро, розимен бир дафъа боқмоқ бирла қатл этсанг  
Таним боғингга хок эт, ғунчанга нақш айла қонимни.

Муруват аҳлидансен эшкор эт лаҳза эҳсонинг  
Кел ўлтур, бу муродин дил қушидек нотавонимни.

**1945 й. Тошкент.**



Қанчалар лутф айлабон бир шўҳи даврон ўйнади  
Саҳнаи санъатда ул жисмимда бу жон ўйнади.

Ул қуни ишқин майидин телба бу кўнглим каби  
Кўзлари маст ўлдию зулфи паришон ўйнади.

Майл этибму ўлдирурга вола қалбим бир йўла  
Юзда юз минг ғамзаю лабларда хандон ўйнади.

Рақсидин жисмим уйин ҳар лаҳзада титратди ул  
Жон қуши мойил бўлиб қилганда жавлон ўйнади.

Ишва бирлан икки эзма қошлар андоқ учдилар  
Бўйла қалдирғоч қаноти кўкда чаққон ўйнади.

Хуш мақомида яшурди ноз ила шўҳ кўзларин  
Қайрилиб боққанда қош остида мужгон ўйнади.

Олгач ақлимни парилар шоҳи парвоз айлади  
Бехуд ушбу жон унинг йўлида ҳайрон ўйнади.

Нақд ёдидин Азиз кўнглимни обод айларам  
Сухбати васлин тилаб дил қайси бир ён ўйнади.

**13 ноябрь 1945 й. Тошкент.**



Саҳар пайти чаман сайри менга ёримни эслатди  
Очилган бўстон ҳам ҳусни гулзоримни эслатди.

Қизил гул ғунчасига боқдимۇ лаъли хаёлида  
Уёлган ғунча ул лаъли шакар боримни эслатди.

Қўриб суртдим кўзимга садда райҳон бирла сумбуллар  
Бўйидан маст бўлдим, зулфи зунноримни эслатди.

Қизил, оқ, пушти ранг гуллар баробар айлашиб таъзим  
Боқур одоб ила доим гули норимни эслатди.

Кириб гул сайрига беҳуш йиқилдим худди мажнундек  
Бақоли гулистон лайли вафодоримни эслатди.

Сабо елпиб бошимни кўзларимни очди оҳиста  
Ширин ҳар елпишида меҳри дилдоримни эслатди.

Муҳаббат йўлида тутдим вафо даргоҳида манзил  
Азиз бу масканим нишимани ёримни эслатди.

30 август 1946 й. Тошкент.



Тонг келинчаги юздан пардасин қиё қилди  
Тун чимилдиғин очиб кўк юзин само қилди.

Бир қарошидин осмон рангига югурди қон  
Хуш табассуми шу он ерни пурзиё қилди.

Тушди шўх насим йўлга эркалаб ҳама ғунча  
Завқ берди булбулга авжини расо қилди.

Булбул ишқ ила сармаст савтини тушурмай паст  
Жон қулоғиға пайваст нағмасини жо қилди.

Бу саҳар ажиб гулшан сайрин айладим чандон  
Ҳусни дилларим равшан кайфни бебаҳо қилди.



Кўнгил туғунларин ечар зулфингни шонаси  
Кузим қарочуғида қаро холингни донаси.

Тун-кун хаёлу фикр сенинг ёдингда банддир  
Бўлди унут бу умр иши, ўтмиш фасонаси.

Учқуч тутунлари эмас осмонни қоплаган  
Бу дуд кўнглими оҳи ошиқонаси.

Куйингда гарчи кўп эрур кўзи ёшлилар  
Борми бирорта ман каби шўр пешонаси.

Бошга қўярмен ҳар қачон ики дилбандинги  
Фарзандини сийлар дегайлар ёқса онаси.

Ўтган йўлининг туфрси сурма ва тўтиё  
Гавҳар менга нигорими ҳар бир нишонаси.

Лутфинг чироғидин ёрут Азизий кўнглини  
Бир дам чароғон бўлсин унинг тийра хонаси.

**20-22 апрель 1997 й. Тошкент.**



Не-не кунларга солмадинг, нигор, мени  
Бир тўйиб кўрмоққа айладинг зор мени.

Ўтар йўлингга термулиб туним ва куним  
Мунчалар ҳам айладинг интизор мени.

Юзинг кўрарга умидин узарда кўзим  
Этмасайди кўнгил беихтиёр мени.

Мудом итобу қаҳру ғазаб этиб пайдо  
Рақиб ила куласан йиғлатиб зор мени.

Шафақ нигоҳингадир ҳар замон бу кўзлар тўрт  
Дариғ, кўрмагасен ҳеч қачон дубор мени.

Жаҳон эли куйиниб раҳми келди менга  
Кўриб алангаи ишқинга дучор мени.

Йўлинг тупроғи ичра ястаниб йиғлаб  
Азизий ялбарадир мунча қилма хор мени.

**11 февраль 1998 й. Тошкент.**



Ўтар кун осмон ёпқай бошига тун ридосини  
Кечар умрим жойига келтуриб ишқинг адосини.

Қизаргай уфқ лавҳи касб этиб тонг юз туман алвон  
Юзинг сочингда ҳар ён шуъласи ҳуснинг зиёсини.

Ҳаётнинг кўркисан, жоно, ҳамиша шоду хуррам бўл  
Жамолинг шавқидин барҳам бериб эл ибтилосини.

Сенинг ишқингда ўртанган чаман булбуллари нолон  
Еру осмонни тўлдирди ўқиб ҳуснинг саносини...

**1998 й. Тошкент.**



Тушда кўрдим ёрими хурсанду шодон ўйнади  
Бўйнима қўл солди қувнаб қулди, хандон ўйнади.

Рақсда шох ташлабон ёнимга келгач, жилвасоз  
Лабларидин бўса тақдим этди чаққон ўйнади.

Хипча белни чирмаб олган оқ булутдек қўйлаги  
Давра ичра товланиб алвон-алвон ўйнади.

Баҳра топғач ёр рақси завқидин жону юрак  
Ўйқидин ўйғонмасак деб бўлди нолон, ўйнади.

Кўз очиб тун ярмида кўрдим ўзим танҳо эдим  
Эмди шу туш қайта кўрмоқлиққа армон ўйнади.

Туш эмас бу бахту иқбол, эй Азиз, ёнингдадир  
Асрагил кўз гавҳарида деб дилу жон ўйнади.

**10-15 декабрь 2001 й. Тошкент.**



Дилимда ёдингу тилда мудом номингни тақрори  
Ҳаёлинг гулшани жон қушлариға васл гулзори.

Сафо авжида парвози баланддир кимники, бўлса  
Вафо гулдастасин тутган сенингдек севгили ёри.

Муҳаббат дарсидин тарих учун бир дoston ўлмиш  
Ҳазин кўнглимни ҳар дам айлаган ишқ дарди изҳори.

Типирлар банди бўлган қуш каби қалб интизорликда  
Кўзим ёш бирла тўлган, муттасил муштоқи дидори.

Қошинг меҳроби бу ошиқ дилимнинг саждагоҳидир  
Қаро зулфинг эгилган белларимнинг эрса зуннори.

Нишон қолмас умр боғида армон чангидин зарра  
Умид йўлида бўлса сен каби дамсоз дилдори.

Ўзаллик қасрига оро бериб дилларда жой топсин  
Сенинг мадҳинг билан тўлган Азизий шеър, ашъори.

27 февраль 2002 й. Тошкент.



Муסיқийдек овозинг жонсиз таним ҳаёти  
Таъми тириклигимдир лаъли лабинг наботи.

Шаҳло кўзингга тоғда оҳулар ўлди ҳайрон  
Қийғоч қошларингдир кўк лочинин қаноти.

Боғларга зеб берган шамшод қоматидир  
Инсонму бу париваш ёки малакму зоти.

Лутфу иноят ила гарчи мукаррам этгай  
Тўймас кўнгиш ҳамиша муштоқи илтифоти.

Нури муҳаббат ила дунё эрур мунаввар  
Обод севгидандир оламни ҳар жиҳоти.

Тирноқ ва эт ёпишган янглиғ Азиз дилида  
Жон мулкининг тилсими севган нигор оти.

6-7 сентябрь 2002 й. Тошкент.



Чехранг офтобидин товланар ҳаёт боғи  
Жонланур вужудим шул офтоб тушар чоғи.

Бу қуёш тобидин нур эмиб ярақлар қўз  
Дилни кўзгуси порлар ўчибон жамеъ доғи.

Наргиси чамандирму икки чашми мастонинг  
Ғунчаму қизил лаблар ёки лола япроғи.

Сен каби паривашнинг меҳри беқиёсидин  
Юксалур кўнгил мулкин қоплаган ғурур тоғи.

Йўқ ажаб йўлинг узра телбалар саноқсиздир,  
Дардга мубтало эрса ёна нечалар соғи.

Ошиқ аҳли жон топқай гулшанинг ҳавосидин  
Тутийё Азизийга даргоҳингни тупроғи.

14 июнь 2001 й. Тошкент.



Тушдим баҳор фаслида сендин узоқ сари  
Шул вазҳдин кўнглимдадир лола доғлари.

Тўсган эса гар йўлларим олмас масофалар  
Кетмас ҳаёл кўзгусидан суёратинг нари.

Кувгай ҳаёт осмонидин андуҳ булутларин  
Сидқу вафо қуёшию меҳр сарсари.

Аҳли замонда заррача армон қолармиди  
Сендек камол касб айласа ҳар кимни дилбари.

Гул ошиқи булбул каби достонсари бўлай  
Назмим ила безалса деб ёр дафтари.

Маҳбус эсамда тун ва кун бу дардхонада  
Ёдинг шифо тилсимидир менга, эй пари.

Севги ибодатгоҳида хуснингга, гулсанам  
Йиғлаб дуода талпинар бир Азиз қари.

7 апрель 2005 й. Тошкент.



Жаҳон жаҳон бўлибон топмаган мисолингни  
Қуёш зуҳури каби талъати жамолингни.

Ўзгаллигингни таъриф муболағами ё рост  
Жавоб топгусилар кўрсалар камолингни.

Куни бўйи кўзим ўнгида суврати ҳуснинг  
Суриб тонг отдираман тунлари хаёлингни.

Дилинг каби нозик эрур тафаккуринг нахли  
Қиёс айласа бўлғай қади ниҳолингни.

Узоқ замон яшагин замона фахри бўлиб  
Давр мудом суянсин, кўрмасин заволингни.

Агарки, фурсати беморлиқ ўтди эса  
Азизий топди шифо соғиниб висолингни.

**Август 2005 й. Тошкент.**



Номингни тилга олмоқ лозим менга нафасдек  
Ёдингсиз ўтса бир дам дунё менга қавасдек.

Борлиқ умр не даркор ёнимда бўлмасанг гар,  
Лутфинг тириклигимга бир лаҳза бўлса басдек.

Гулзори васлинг ичра ҳар дам тарона қилмоқ  
Иқбол авжи менга, йўқ ўзи бу ҳавасдек.

Хусну камол ичра оламда сен ягона  
Ошиқлик ичра ҳеч ким мен сингари эмасдек.

Мажнунлиғимни кўргач, эл достон этарлар  
Ишқим ҳикоясини афсонау қасосдек.

Оҳу кўзинг хумори наргисни лол қилғай  
Райҳондек эрса зулфинг, икки кўзинг чаросдек.

Бош қўйғали изингга бесабр мунтазиринг  
Ястанди бу Азизий қуйингда хору хасдек.

**22 июнь 2005 й. Тошкент.**



Овозинг жон қулоғиға етар булбул навосидек  
Чаман узра таралган нағма сози дилрабосидек

Лабинг тўккай майин новвот ила шаккар сўз айтурда  
Юрак тўтисининг лафзидаги шахду сафосидек

Жаҳон дилбарлари ичра менинг ёримга йўқ тенги  
Ўзалликда етуклик аёжининг нозик адосидек

Бағоят шукр ила қисмат мукофотиға мамнунмен  
Насибим айламиш давлат нигоримнинг вафосидек

Омонлик топ ҳамиша давр гулбоғи аро хушҳол  
Баландроқ истаги йўқ дилнинг ушбу муддаосидек

Топилмас жумлаи оламда кўйдиргучи ҳеч афғон  
Висол иставчи бемору болокаш илтижосидек

Кечар ойлар сенингсиз, айрилиқнинг охири борму  
Ваё йўқдир Азизийнинг соғинчин интиҳосидек

**26-29 июль 2005 й. Тошкент.**



Васфингга хома ожиз, шайдо дилим, тилим лол  
Мафтун этар кунгилни боқсам юзингдаги хол.

Ноз ила боқишингдин ёнди оловда жисмим  
Оромижон эрурусен, эй хусни нури иқбол.

Боғда юзингни кўргач, ёнди оловда жисмим  
Ошифта бўлди булбул, рашк этди ғунча дарҳол

Рухсори кун юзингдин, болдан ширин сўзингдин  
Жоно, табассумингдин ўзгарди қолди аҳвол

Эй шўх жонажоним, сенсен Азиз жоним  
Васлинг хуморидирмен арзимга бир қулоқ сол.

1940 й. Қўқон.



Жаҳон ичра эрур камёб сенингдек нозанин бир гул  
Вафо бобида тинмай сайрагувчи хушнаво булбул

Қўнғилнинг бир қароридин вафо истар қуёш ҳам ой  
Қаро сочингга рашк айлар чаман ичра гўзал сумбул.

Гулимсен, гулшанимсен мен зафарлаб қоматинг қучсам  
Зилолингдин ҳаётда янги жон истар адо қўнғил

Тағофил этма, васлингга етур, эй моҳваш раъно  
Азизий қўнғилини шод қил, шунингла баҳра топсин дил.

1942 й. Қўқон.



Санобар қоматигадир кўнгил ошуфтау беҳол  
Баёни шарҳини этмоққа бошим ҳам, забоним лол.

Отур тири жафо ҳар дам дилимга бераҳм тақдир  
Насибимдир менинг доим қаро толеъ, нигун иқбол.

Либоси ғам кийиб кўнглим бу маҳзунлик аро бемор  
Вужудим лашкари андуҳ тўғи зарбидин помол.

Ишонган дилбарим ағёр базми бирла хурсанддир  
Бағишлар айрилиқ дашти менга саргашта бир аҳвол.

Йироқда ҳажр даштида демангким Қайс қон йиғлар  
Жамеъ шайдойиларнинг ҳолидин мажнун бир тимсол

Анинг ишқи билан ёндим, виле дилбар тағофилда  
Не тонг, барча паривашларга мансуб ушбу ҳол

Хироми ҳар чаманларда товусдек дилпазир эрди  
Кўзим ўнгидадир ул суврати лаълида турган хол.

Олур эрди кўнгил баъзан висоли суҳбатидин жон  
Анинг шаҳдига тенглашмас эди оламда қанду бол.

Нигоҳи ёрими тушмас Азизий бағри қонига  
Анинг бир томчисидин достон битгуси ҳатто нол.

**1943. Қўқон.**



Азоби фирқатинг ошди менга, эй меҳрибоним кел  
Кўнгил даштини салқин этгали гул соябоним кел.

Юзинг кўзгусида акс этгусидир толеъим, бахтим  
Кўрай бахтимни тезроқ кел, жило берган нишоним кел.

Муҳаббат тунларининг моҳи тобони ўзингдирсен  
Мунаввар этгали дил боғини гавҳарфишоним кел.

Бўлибдир бу фироқ ўти билан куйган дилим ёра  
Табибим ҳам ўзингсан дарддин ёлғиз омоним кел.

Кўзим мардумлари сайр айлагай юрган йўлинг узра  
Изингни суртибон ўзига, эй сарви равоним кел.

Кезармен кўзларимдин қон тукиб бу дашту саҳролар  
Жунунлиғ дардидин ялғиз Азизим посбоним кел.

1943 й. Қўқон.



Ишқинг шарори ўртади жонимни, эй жонона, кел  
То бўлмайин ишқингда бу ақлим кетиб девона, кел.

Лайли жамолингни кўриб ногоҳ хушимдин ажрадим  
Этмай мени эл оғзида мажнун каби афсона, кел.

Беҳушлиғимни оширур пайваста қошлар суврати  
Йўқ, бир йўла ўлдиргали икки кўзи мастона, кел..

Оҳу кўзинг жодусидир қайрилма қошлар сояси  
Бўлди уларнинг ишқида жону кўнгил сўзона, кел.

Гул қоматинг тасвири бу кўзлардин ҳеч айрилмагай  
Фикру хаёлинг сингари бир дам менга ҳамхона, кел.

Кўйнимдаги хуш сувратинг менга Азиз жон ўрнида  
Бағримдаги жоним каби айлай сени пинҳона, кел.

**Ноябрь 1944 й. Тошкент.**



Овозинг жон гулистони учун бир нағмаи булбул  
Чиройинг умр боғим гулшани ичра очилган гул.

Назокатда қадинг сарви чаман ҳуснига ородир  
Бошидин то аёғ анга ёпишмишдир қаро сумбул.

Қадам боссанг изингга гул сочарда барча гулшанлар  
Хироминг етганидин бахтиёрлик касб этар ҳар йўл.

Кучанг туфроғи ичра бўлғали тайёр фидо бошим  
Садақанг ўлғали толош этарлар жон ила кўнгул.

Эса сармаст лабларким дудоғинг лаълнобидин  
Санобар қоматинг чирмаб ўрин бўйнингда топса қўл.

Вужудинг пок тийнатлик камолотида яктодир  
Ясабдир машрабинг тақдир вафоу меҳрдин бутқул.

Муродим бахш этиб ҳар лаҳза бемор жисмими соғ эт,  
Азизий ёнидин бир дам узилма, ниятимдир шул

**Май-июнь 2005 й. Тошкент.**



## ЧАРХИЙ ҒАЗАЛИГА АЗИЗИЙНИНГ РАДИФ ҒАЗАЛИ

*Бутун оламни сиздек бир пари сиймоси камдан-кам  
Жамоли хусни бирлан тенг гули раъноси камдан-кам.*

*Латофат гулшанин ёғду билан кумгай ҳилолингиз  
Нисор этгай вафо нурун камону ёси камдан-кам.*

*Дилим беморлиғига доридир васли шаробингиз  
Кунгил дардига дори наргиси шахлоси камдан-кам.*

*Ниҳоли қоматингизга ярашган қора кокиллар  
Мисоли ҳар чаманнинг сумбули аълоси камдан-кам.*

*Чаман гулзори порлоқ, яшнаган гуллар диёриким,  
Анингдек бу жаҳоннинг бир дури яктоси камдан-кам.*

*Шуълаи хуснингиз бирла бу гулшан ичра танҳосиз  
Бутун гулшанни сиз мисли гули зебоси камдан-кам.*

*Муҳаббат бўстонин булбулидек мен наво айлаб  
Дегаймен бу Азиздек сарвигул шайдоси камдан-кам.*

**1942 й. Қўқон.**



Қирмизи юз лола рухсоринг ярашган мунча ҳам  
Наргиси оҳуйи хумморинг ярашган мунча ҳам.

Лола қўйлақ, лоларанг юз, лаългун лаб сийм тан  
Лола хусни акси дидоринг ярашган мунча ҳам.

Силкиниб тўлғанса нозик белларингга кокилинг  
Дур етишган хусни гулзоринг ярашган мунча ҳам.

Қуйласанг севги қуйини ошиқинг роҳатланур  
Хушнаво ёқимли гуфторинг ярашган мунча ҳам.

Сен учун ишқингда айлай бу Азиз жоним фидо  
Тоза қўнгил меҳри анворинг ярашган мунча ҳам.

1942 й. Қўқон.



Номингни зикр этгач ёдингда жона келдим  
Лол эрди бу тилим ҳам ширин забона келдим.

Қай кун нигоҳи покинг чун айлади мунаввар  
Ул кун ҳаёт ичинда янги замона келдим.

Меҳру вафони мулкин хуршидисен жаҳонда  
Мен нурларингга тўлган бир бўстона келдим.

Булбул эдим суҳансиз бир боғу бир чамансиз  
Йўлингда бу тиконсиз хуш ошёна келдим.

Ишқинг шарори кўнглим мулкени ўртар эрди  
Лутфу мурувватингдин оромижона келдим.

Жонимни садқа доим қуйингда этмагимни  
Айлаб шиор дилда бу остона келдим.

Борлиқ Азиз олам сенсиз менга не даркор  
Келмас эдим сени деб ушбу жаҳона келдим.

**Ноябрь 1944 й. Тошкент.**



*Кўринур йил каби сени бир кун кўролмаганим  
Боқиб қуёш жамолинга ҳолинг сўролмаганим.*

*Кўзинг оҳуларин суйиб-суйиб тўёлмаганим  
Оёғинг остида тупроқ каби туролмаганим.*

*Чаманлар ичра овора тентиган печаксимон  
Кўриб ёнимда санобар қоматингга ўролмаганим.*

*Тўлар вужудим аро иштиёқ ўтин дуди  
Нединки, қуйинг аро қуюндек юролмаганим.*

*Камоли ҳусну малоҳатда сен ягонаи даҳр  
Сенга даъвойи ишқ этганим уёлмаганим.*

*Наҳотки умр ўтар андуҳу надоматда  
Мени чу ўлдирадир васл уйин кўролмаганим.*

*Азиз ҳамиша термуламен ёр йўлига муштоқ  
Будир офтоб томондан юзим буролмаганим.*

**14-15 сентябрь 2001 й. Тошкент.**



Эй хусни бегуборим, нозик бадан нигорим  
Илкингда ихтиёрим, садқанг бу йўқу борим.

Ёдинг билан отар тонг, отинг менга шуур, онг  
Онтим ила уриб бонг кўрсатдим иқтидорим.

Кўксингга жисм қалқон, жоним йўлингда қурбон  
Оламни этди ҳайрон бу сидқи барқарорим.

Кўрмоққа зору муштоқ қиш тунларида уйғоқ  
Кўзлар йўлида илҳоқ келгайму гул узорим.

Бўрону қор ёпишти, ногоҳ нигоҳи тушти  
Шундоқ менга етишти қиш фаслида баҳорим.

Хонамни этди равшан, бағримни қилди гулшан  
Умримни айлабон шан ҳайдаб бутун ғуборим.

Дармон этарни чоғлар севикли ёр сўроғлар;  
Қайда Азиз йиғлар, бечора интизорим.

18-22 декабрь 2002 й. Тошкент.



Жамолинг нуридин ёруғ ҳаётим  
Каломингдир менинг қанду наботим.

Вафоу меҳр доим бахш этарсен  
Шудир умримда ортдирган бисотим.

Гузаллик оламининг кўркидирсен  
Пари пайкар, малак тимсол зотим.

Саломатлик диёрига борурмен  
Йўлим олис яна чарчоқ отим.

Танимга руҳ ила қувват ёғилғай  
Дуою истагингда тутсанг отим.

Табиблар дору дармони на даркор  
Ўзингдирсен менинг ялғиз нажотим.

Сиҳатлик мулкида бормен, десангким;  
«Азизийга камаймас илтифотим».

5-6 август 2005 й. Тошкент.



Ҳижрон ўтида ёнаман бир кун юзингни кўрмасам  
Ёки ўтар фурсатларим нутқинг билан тўлдирмасам.

Офтоб жамолинг беркитур эрса булутлар тўдаси  
Тинмас кўнгиш оҳим ила шу тўдаларни сурмасам.

Одат менга кун бошламоқ ширин сўзинг шаҳди ила  
Умрим кунни йўқ ҳар саҳар шу файз кайфин сурмасам.

Кимки, етишса ёрига аҳбоб дер қандингни ур,  
Одам эрурменму ҳаёт қанду наботин урмасам.

Булбул наволар суҳбати таърифи хуснинг бирла соз  
Бўлғаймуди, афғон чекиб тўрида мен ўлтирмасам.

Ҳар хишти тоқат, сабрдин жисмим уйи куйгаймуди  
Дардим ўти бирлан уни бошдин аёқ ёндурмасам.

Бекор ўтар умри Азизий назмининг, нозик нигор,  
Васфу сано айлаб сенга мидҳат саройин кўрмасам.

**17 сентябрь 2005 й. Тошкент.**



Жоно, ширин сўзингиз шахди ширин асалдан  
Гулғунча хуснингизга шайдо эдик азалдан

Банд этди ақлу хушни ногоҳ табассумингиз  
Пайдо этиб кўнгилда севги ўшал маҳалдан.

Айлаб ўзин паришон ёд айлади дилу жон  
Бир он итобингиздин ё ваъдага хаялдан

Жаннат париларини тенг кўрмагай бу кўнглим  
Бемислсиз жаҳонда ҳар ҳур, ҳар гўзалдан.

Ўрганса гар кўнгил бир ўртанганида қўймас  
Ҳолим аён ўзига эл ичра шу масалдан.

Топмай бирор чора этдим Азиз нигора  
Ишқимни ошкора шу кичкина ғазалдан.

1943 й. Қўқон.



Май зилоли хусн олганму лабинг гулфомидин  
Ёки лаълинг шарбати лаззат шаробнинг жомидин

Усру шириндир лабинг гар бодани ширин десам,  
Танлара жон бахш этар бир лаҳзаи оромидин.

Наргисинг устида қомат хам этиб тургай ҳилол  
Мислсиз бу бўстон шоҳига зўр икромидин.

Ваъдага лаб очдингу бўлди табассум ошкор  
Чашминг этди ҳадя пинҳон жилва бағри шомидин.

Рози ишқ айларда дил васлингни этмасдир таманъ  
Баҳраманд ўлғайму булбул ғунчалар илҳомидин.

Халқаи зулфинг кўнгил наҳрига ботди бус бутун  
Бўйла гавҳар кони ҳосил бўлди қалбим комидин.

Нақди ишқинг таъсири савдойи қилмиш шул сабаб  
Шеърлар ёзгай Азизий шаънига илҳомидин

**1944 й. Қўқон-Тошкент.**



Мен унинг шайдоси, кўрсат ғунчаи норингни сен  
Гул тамошосиға келдим оч чаманзорингни сен.

Юзларинг кўрганда қушдек учса бошдан ҳушларим  
Йиғғали сочгил аларга шахди гуфторингни сен.

Айб қилма ҳолима, васлинг соғинганман, нетай  
Маст қилмоқлиққа тут паймона рухсорингни сен.

Тўлдириб меҳринг шароби бирла бу май жомини  
Ҳусн боғида зиёфат айла хумморингни сен.

Порлатиб покиза исмингни жаҳонга соч зиё  
Поклик офтобида номус ила орингни сен.

Мардлик шулдир муҳаббат оламида ҳар қачон  
Сақла жонингдек Азиз ҳар лаҳзада ёрингни сен.

**1945 й. Тошкент.**



Суҳбатингдек менга ширин базми саҳбо бормукин  
Маст этарға кўзларингдек бода паймо бормукин.

Боқ, кўнгил мулкида қўш оҳуларингнинг йўлига  
Жонни тутмоқликдин ўзга ҳеч таманно бормукин.

Найларам сайр айлабон ҳар дам чаманзор ичраким,  
Жилвагар кўзимда сендек сарви раъно бормукин.

Тушмасин гул сувратинг ҳаргиз бу кўнглимдин йироқ  
Беқарор кўнглимга андин хуш тамошо бормукин.

Соқиё, ичсам паё-пай маст бўлмам не ажаб  
Ёр ҳусни базми кайфи майда асло бормукин.

Нақд кўнглим бердим, ўтдинг бир қиё ташлаб нигоҳ  
Эмди жоним бергамен лутфинг, нигоро бормукин.

Ғунча ҳуснингни, нигор, оламда тенги йўқ эса  
Бу Азизийдек сенинг ишқингда шайдо бормукин.

**25 март 1945 й. Тошкент.**



**Эй Навоий, неча қилғайлар этакдей поймол  
Мен дағи энди этак аҳли замондин тортамен.  
(Навоий)**

*Бир умр жавру жафо аҳли жаҳондин тортамен.  
Не бало бўлса ўша номехрибондин тортамен.*

*Орзуйим ғунчаси кулгай камол топса замон  
Шу ниятдин минг завол аҳли замондин тортамен.*

*Журму исёним саноқсиз, дарди сўзим беадад  
Юз уқубат элга бир етган зиёндин тортамен.*

*Золиму бефарқлар санчган заҳарли игнасин  
Ушлаб илким бирла барча нотагондин тортамен.*

*Тутгали истак гулин маъюс ила нокомга  
Ҳар қачон озор худбин комрондин тортамен.*

*Эй одамлар қўл беринг, бир- бирга ҳамдам ёр бўлинг  
Десангиз турмушда шодлик завқини чандон тортамен.*

*Ҳар этак силтар Навоий, мен сабр қилғум Азиз  
Не азобе ҳар кун бир қадрдондин тортамен.*

**1-2 март 1997 й. Тошкент.**



Отар тонг зоҳир ўлғач шугъалар хусни жамолингдин  
Кўнгиллар гулшани ободлиг топгай камолингдин.

Умр боғин сафоси жилваи мастона чашмингдин  
Санобар қоматининг таъзими мушкин ҳилолингдин.

Лаби лаълинг табассумда ҳаёт бахш айлагай элга  
Менинг беҳудлиғим жон олғучи ширин мақолингдин.

Узун кифрикларинг тиғи қсдалғач, бағри мажруҳим  
Қизармиш лоладек суврат олиб гулгун мисолингдин.

Қиё боқмай ўтарсен, жон тупирлар кўргали муштоқ  
Изингдин термулиб бир лаҳза айрилмам ҳаёлингдин.

Йўлинг тупроғида бошим қутар етгай аёғинг деб  
Кўзим тўрт, мунтазир кўнғил хироми эҳтимолингдин.

Агарчи дард тоғ-тоғу, Азизий, журъатинг зарра  
Етишмоқ қасри олис бўлди шу нигор ҳолингдин.

**4-9 март 1997 й. Тошкент.**



Умидим юлдузининг порлаши ҳуснинг жилосидин  
Ҳаётим осмонин кўрки ишқингнинг сафосидин.

Сомон йўли каби умрим йўли кўк узра ястанди  
Анинг ҳар манзили равшанланур моҳинг лиқосидин.

Тушиб кўкдин ер узра ҳар қадамда бошга тош тегди  
Тамаъ айлаб вафо давронни мағрур дилрабосидин.

Замона зайлидир, кўнгил, берилма журму исёнга  
Кўриб дилбарни бепарво ўзининг мубталосидин.

Агарчи ишқ дарди эрур заҳрангез, тонмасман  
Берилганман бу дардга барҳаётлик ибтидосидин.

Садоқат манзилининг қойимидурман, магар куйдим  
Вафосизларни жаври, дардсизлар таъни, турмуш ибтилоидин.

Муҳаббат ошёнидин чиқар афғони дуд олуд  
Самолар кўкси чок эрмиш Азизийнинг навосидин.

9 март 1997 й. Тошкент.



Кўнгилга дард ўтини ёққан нигор ўзингсан  
Дунёни куйдирурга ўтлуғ шарор ўзингсан.

Оламга нур таратган хуснингни шуъласига  
Жон қушларини қилган парвонавор ўзингсан.

Хушёрлар гуруҳин шайдою телба қилган  
Айлаб нигоҳ гоҳо мастонавор ўзингсан.

Қошинг қиличи эгди таъзимга гавдаларни  
Эл кўксига қадовчи мужгони хор ўзингсан.

Тун-кун вужуд уйини банд айламиш хаёлинг  
Бу бандаликка мутлоқ этган дучор ўзингсан.

Зулму ситамга моҳир парво ишини билмас  
Ошиқлариға ҳар дам безътибор ўзингсан.

Кечма Азизий мундоқ хорлиқда қисматингдин  
Оз лутфига умидвор, кўп сабри бор ўзингсан.

**23-24 март 1997 й. Тошкент.**



Зулфи фароғи бӯйидин махмури мастман  
Бу кайф ила умр бӯйи сумбулпарастман.

Сочинг саводи боиси савдойилик менга  
Савдо шароби нушидин масту аластман.

Йўқдир илож ечилмаги кўнглим туғунларин  
Ҳар толаға жон иплари вобасту бастман.

Кокилларинг шамшод қадинг бирла тенгдурур  
Кўз суртгали нозик қадинг олдида пастман.



Кўзим йўлингда тўрт бўлиб кўп интизорман,  
Тентиб кўчангда эшигинг олдида хорман.

Гулзоридин айру душан булбулга ўхшабон  
Хуснинг гулини бир тўйиб кўрмоққа зорман.

Ваҳким ажаб қисмат йўли нотекисдурур  
Шодликдан йироқману ғамга дучорман.

Хушким, жаҳонда борсен, эй нозанин нигор  
Севгинг билан мен ҳам ўшул дунёда борман.

Зикрингни шавқидан топар қувват бу жисму жон  
Ҳарчанд даврон зарбидин бағри фиғорман.

Куйингни туфроғин қилиб кўзимга тўтиё  
Қай кун тушар кўзинг дебон кўп беқарорман.

Боғи ҳаётнинг зебидир қадди санобаринг  
Қумри каби Азиз анга девонаворман.

**30 октябрь – 3 ноябрь 1997 й. Тошкент ш.**



Хонанг равшанлиғи чехранг қуёшининг жилосидин  
Қўнгил ёруғлиғи ҳам меҳри рахшонинг зиёсидин.

Нигоҳинг интизорида йўлингда ястаниб ётдим  
Хабар олғайму деб мен хоксору мубталосидин.

Ҳашам аҳлида сарватдин ёйилгай дуди кин олуд  
Вафо бўйи топар анжом фақирлар бўрёсидин.

Лабин тишлаб қолур аҳли жаҳон ҳайрат аро ожиз  
Менингдек бир дилафкору сенингдек дилрабосидин.

Узун тун ёди зулфинг шавқида бедору мастона  
Топарман лаъл лаблар хандасин қун ибтидосидин

Нигоро, бор бўл ҳар дам қуёш янглиғ очиб чехра  
Ки тупроқ баҳра топсин нур олиб севгинг саносидин.

Шарори ишқ туғёни тутибдир жисмини буткул  
Азизий умри барҳақдир шу ўтнинг иттилосидин.

**20-21 декабрь 1997 й. Тошкент ш.**



Кунлар ўтаркан бир тўйиб боқмоққа зорман  
Аммо ҳаёт кўзгусида кўрмоқла борман.

Бердим анга кўнгил билан ихтиёрими  
Мажнунлиғимнинг боиси беихтиёрман.

Ёрим менинг сидқу вафо, ифбатда комила  
Ушбу сабабдин мадҳида авжи барорман.

Меҳри қуёши нуридан кунларим ёруғ  
Шавқи ўтида тунлари порлаб ёнарман.

Ишратгоҳи висолининг орзуси бирла маст  
Ширин сўзинг шаробиға ҳар дам хуморман.

Менга аён қадрим тутар ўз қадридан баланд  
Шеърим билан оқ бўйнига боғлиқ туморман.

Шукр айлайин Азизиё, даврон яғонаси  
Шул ойжамол, малаксифат дилбарга ёрман.

**18-24 июнь 2003 й. Алматы.**



Дунёни равшан этган моҳи лиқо ўзингсен  
Қўнгил уйин ёритган нуру зиё ўзингсен.

Гоҳо этиб намоён ҳуснингни гулшанини  
Қалбим қушини этган булбулнаво ўзингсен.

Васлинг умиди бирла олғай нафас вужудим  
Борлиқ ҳаётим ичра чин муддао ўзингсен.

Бор эрса илтифотинг умрим ниҳояси йўқ  
Бағрида меҳр кони тоғи вафо ўзингсен.

Ёдингда беқарору ҳижронда телба бўлсам  
Мажнунлиғимга, билгил, ялғиз даво ўзингсен.

Йилдек туюлди бир ой сенсиз кечирганим дам  
Ёнимда ҳар дақиқа, бўл дилрабо, ўзинг сен!

Сабр ила сидқ йўлин чун танладинг Азизий  
Ишқ аҳлига бу йўлда бир раҳнамо ўзингсен.

**5-8 декабрь 2004 й. Тошкент.**



Чехранг қуёши нуридин равшанланур жаҳон  
Қўнғлим бу нур уммонида бир заррадек ниҳон.

Бир бор тўйиб шамшод қадинг кўрмоққа зормен  
Печонлиғим бўйинг аро бўлғай насиб қачон.

Санчилсалар вужудима иажрон тиканлари  
Кечмоқ бутун машаққату демоқ фақат осон.

Офтобжамол, бошима соч меҳр шуъласин  
Қолдирмайин асло фироқ шомидан нишон.

Кифрик ўқин қўқсимга от, жон бирла қутгамен,  
Бу марҳамат совғасини, эй қошлари камон.

Субҳи муродима етиб тузсам наво, не тонг,  
Жон булбулига гулшани иқбол – шу қадрдон.

Ойлар давомида Азиз эзилди соғиниб  
Ялғиз тилар жонон ўшал турса ёнма-ён.

26 июнь – 7 июль 2005 й. Тошкент.



Вафоу меҳри карамдин бўлакни тутмассен  
Шунинг учун аламу дардларни кутмассен.

Ҳамиша тўғри йўлинг севги ободи аро  
Фисқнинг бирор қинғир йўлидин ўтмассен.

Мабодо тоғ кўтарса ўртага агар тақдир  
Садоқатингни ишқда заррача кам этмассен.

Нигор шунча гузал ҳам яхшилиқда бенисбат  
Билиб қўйки, ёмонлик, унга асло етмассен.

Қаёнда эрсам агар сувратинг хаёлимда  
Демакки, ҳеч ёнимдан узоққа кетмассен.

Кўнгилда жўш урадир ёр васфи илҳоми  
Шунинг туфайли, дилс, ўзга шеър битмассен.

Чўзилса қанча фироқ мусибати беҳад  
Умид шулки, Азизийни ҳеч унитмассен.

**7-10 август 2005 й. Тошкент.**



Билимлилар аро доно ўзингсен  
Назмда булбули гўё ўзингсен

Менинг кўннглимга ишқ ўтини ёққан  
Ажиб оташнафас танҳо ўзингсен.

Самандар сингари гулхан қулида  
Вужудим айлагучи жо ўзингсен.

Муҳаббат гулшанида яхши гул кўп  
Вале ҳар қайсидин аъло ўзингсен.

Парилар касби парвойи фалаклик  
Фақат бу ишда истисно ўзингсен.

Фироқингда кўнги́л бунёди вайрон  
Меҳр нурила эт Маъво ўзинг сен.

Азизий ишқ парвозида юксак  
Вафо сарманзили, жоно, ўзингсен.

24 апрель 2006 й. Тошкент.



Бир назарда минг илҳом дилбарим этар савғо  
Дил китобида сонсиз дoston бўлур иншо.

Аста бир нигоҳ ташлаб келганида ёнимга  
Бахт нашъасин бергай унга маҳваши барно.

Ҳар гўзал хиромида ғунчалар қилур хандон  
Мубталосидир булбул, қумрилар анга шайдо.

Оташи жамолининг акси тушди кўнгилга  
Бўлди оташи ишқим қалб мулкида пайдо

Сарвлар хижолатда қомати ниҳолидин  
Йўқ чирой чаманларда гул жамолидан аъло.

Сухбати висолидан ўтса неча муддатлар  
Вола бу кўнгиллардан завқи кетмагай асло.

Йўлига тутиб кўзим ул Азиз нигоримнинг  
Мадҳини этай, дўстлар, ишқ боғида танҳо.

1944 й. Қўқон.



Чароғингдин топар дил кулбаси равшанлиғу оро  
Қароғинг нурларидандир бадан мулкида жон пайдо.

Чекиб ҳар дам ғами ҳажринг келибдур жон оғиз узра  
Шафоат айла лутфинг марҳамидин, эй пари сиймо.

Кучангда кечау кундуз чекарман интизорлиғлар  
Ўтарсан қўз ўнгимдин лаҳзае ҳам этмайин парво.

Топилмас олам ичра сен каби соҳиб камол ҳаргиз,  
Залолат хокига чўмган менингдек бекасу расво.

Хироминг чоғи мажнунтол каби бошим эғиб турдим  
Йўлинг бўйида таъзимда алиф қаддимни айлаб ё

Фиғоним титратур дунёни, лекин сен эшитмассан  
Мени булбулни афғон сўз этгувчи, эй гули раъно.

Не қилса чархи жобир розидир содиқ қулинг сенга  
Азизий сабри бетимсол, вафо иқлимида якто.

**14 декабрь 1997 й. Тошкент.**



Эй пари, жамолингдин хусн олурда бўстонлар  
Гул лабинг зилолингдин тўкса лаъл хандонлар.

Қомати ниҳолингдин, чеҳраи висолингдин  
Суврати ҳилолингдин нурланурда бу жонлар.

Менга хуш фароғатдир, жилва сенга одатдир  
Қошларинг камонидин отса тири мужгонлар.

Кўргали шошиб хуснинг субҳ дам қуёш чиққай  
Ҳар саҳар хиромингдин яшнагай гулистонлар.

Не ажаб паривашлар домига дучор ўлдим  
Ишқ риштаси эркан кокили паришонлар.

Авалло хумор эрдим, энди маст беҳудмен  
Меҳр бодасин тутгач, икки чашми мастонлар.

Кетмагай хаёлимдин ёир нафас сенинг ёдинг  
Бу Азиз қўз олдида сувратинг намоёнлар.

1940 й. Қўқон.



Ишқ оламининг ошиқу шайдолари бордир  
Шайдойи этар қомати раънолари бордир.

Кўнгилни олур жилва билан бир қарошида  
Қошлари қалам, кўзлари шаҳлолари бордир.

Гул қоматига ҳусн бўлиб турган у сумбул  
Кокилларининг суврати зеболари бордир.

Ошиқни билу бағри аро ишқи ниҳондир  
Ёр куйида юз бошида савдолари бордир.

Лаъли лабидин боли вафо шаҳди томарда  
Лутф ила кулар чеҳраи раънолари бордир.

Эй ишқ, бу кўнгил гулшанида маскан этибон  
Билгил бу чаман булбули гўёлари бордир.

Этгуси висолини нури дилни мунаввар  
Дилбарнинг Азиз ёрига парволари бордир.

10 январь 1944 й. Қўқон.



Бу кўнгил доим шароби ишқ ила мастонадир  
Маст қалбим шамъи ҳуснинг даврида парвонадир.

Ишқ аҳлин ҳолининг парвоналардир ибрати  
Ёр учун ҳар қайда онлар ҳар қачон мардонадир.

Тушса ногоҳ мен сари ҳуснинг қуёшин нурлари  
Ғунчаи табъим ҳамиша бир гули хандонадир.

Даргоҳинг, жоно, ажаб фирдавс боғиким, манга  
Кўзга хоки тўтиё ҳам тишлари дурдонадир.

Бир нигоҳингдин кўнгил боғи чароғондир ҳануз  
Чунки ёдинг кўп замонлар мен билан ҳамхонадир.

Сўнмагай қалбимда бир лаҳза муҳаббат оташи  
Ишқ дардим жавр ваҳмидин бутун бегонадир.

Эй хушо, ҳусн ичраю меҳру вафода беназир  
Бу ширин жондин Азиз ёрим менга жононадир.

**1944 й. Тошкент.**



Вафоли ёр сўлмас доимий гулшанга монанддир,  
Бу илҳом булбули ҳуснин тасмошошила хурсанддир.

Чаманзоримни тупроғин кўзимга тўтиё айлаб  
Зафар сози қўлимда, дилбарим лаъли шакарханддир.

Очилди завқ нурига тўлиб таъбимни гулзори  
Кўнгил боғи мудом ишқим қуёшин нурига банддир.

Кими бу йўлда мард ўлса биной ишқи мустаҳкам  
Бузулғай дил уйи тездан кими ким, ишқи бепанддир.

Вафосиз, дардсиз дилда муҳаббат жилваси нетсун  
Демак мумкин эмас сангпорани гавҳарга пайванддир.

Нигорим ҳусн гулзорига кўз теккувчи зоғларнинг  
Вужуди тири қаҳрим зарбидин парканд-парканддир.

Муҳаббат мактабида чин вафо илмини олмоқда  
Азизий чин садоқатда ватан халқига фарзанддир.

**1944 й. Тошкент.**



Ногаҳон нигоримнинг тушса гар нигоҳи бир  
Лабларида бўлгуси ҳур табассуми зоҳир.

Бу табассуми билмам ишқининг нишониму  
Ё вафони шарҳ этган ғунча қулкиси, охир.

Кифрик ортидин қўзлар ишва бирла қулмоқда  
Жилваси билан бўлди беқарор бу жон ҳозир.

Бағрима ўқ отмоққа қошлари камон бўлса  
Кокили қўнғилларни банд этишга қўп моҳир.

Ёр лутфи васлидин гарчи баҳраманд айлар  
Лек жавр ила ҳар дам қатл этгали қодир.

Йўқ ситамгарим эрмас ул менинг вафодорим,  
Васли қўп ширин, аммо айрилиш жуда оғир.

Ишқ элига дилбарлар шу қадар Азиздирким,  
Номини қўнғил назмин тахтига қўяр шоир.

1944 й. Қўқон.



Бу дилим лаҳзада ёдинг била туйғу топадир  
Аничун у на қарор, қуз ва на уйқу топадир.

Кечалар зор бўлибон тонг шамоли била жон  
Қаро зулфингдагидек субҳда хуш бу топадир.

Тутиб исминг ҳама кундуз бу лабим телба каби  
Гоҳо фикрингла фиғону гоҳи кулқу топадир.

Не ажаб қўзлари паймонларинг кайфи била  
Ки қадаҳ ичра кўнгил бода эмас сув топадир.

Нақадар жон қуши бағримда ниҳон бўлса, нетай  
Ани тутмоқ йўлини толаи гису топадир.

Мени сармасту аласт ҳолима айб айламангиз  
Дилим ишқ бодасининг кайфини мангу топадир.

Ҳама жисм ичра Азиз жон эрур, менда вале  
Шу азизликни ўшал қўзлари оху топадир.

1945 й. Тошкент.



Чехра очиб ёрим эл аҳлини шайдоландирар  
Рашкдин эл ишқидек қўнғлимни ғавғоландирар.

Нақди жон тутган менингдек бир харидор учрамас  
Ишқ бозорида гар ҳуснини савдоландирар.

Севги оташгоҳида чуғ эрмагай жоним менинг  
Улки, олам дардидин бағрим мусаффоландирар.

Онглатолмас ўзга бир сўзни қулоғу ақлима  
Қайси бир тил исмини суҳбатда пайдоландирар.

Телба аҳволим кўриб, аҳбоб, этманг таъналар  
Бир қиё боққанда юз оқилни расволандирар.

Не бўларин ўйламайман васл умидин қўймайин  
Гарчи ҳар зум жавр ила бағримни яғмоландирар.

Ер билан яксон бўлиб ётгай аёғида Азиз  
Ноз бирлан ёр агар қаддини раъноландирар.

1946 й. Қўқон.



Йўл созла йўлингдин бу саҳар ёр ўтажакдир  
Файзин тарата сарви суманбар ўтажакдир.

Кўз узма сира лаҳзае ҳуснин чаманидин  
Тонг нури каби уфқда тақрор ўтажакдир.

Жон бахш этиб бу тани беҳолима ҳар бор  
Ул қоши камон, кўзлари хуммор ўтажакдир.

Ҳуш оғди бошимдин қўрубон мўрча миёнин  
Ақл учса не ғам, нозли рафтор ўтажакдир.

Силкинса, қўринг, сарв сиҳи қадди ниҳоли  
Қучмоқда қочиб тонг ели беор ўтажакдир.

Зеро қўринур деб лаби лаълида табассум  
Бу туҳфа умидида дилим зор ўтажакдир.

Ҳар субҳ унинг йўлида муштоқ Азизий  
Шу расм ила бу турмуши ғаддор ўтажакдир.

26 июнь 1998 й. Тошкент.



Мени севдойи эдан ул чашми охулармудир  
Жон қушини домида тушган қаро мўлармудир.

Ақл уйин торожига боис нигохин сеҳриму  
Ёки лаб остида беркингучи кулгулармудир.

Ул кетар тўймай қолурман изларига термулиб  
Бу ғамим олдида ўзга дард қайгулармудир?

Соғинишдинму вужудим қоплағай титратмалар  
Ё жунуним ошкор айловчи белгулармудир.

Осмонда гурлаган охимнимидир шиддати  
Ерни босган кўз оқизмиш сел каби сувлармудир.

Олами равшан қилувчи кун ёруғ нуримудир  
Ёки ёримдин таралган файзи ёғдулармудир.

Доимо сўзингни бошла фахрнинг бош ҳарфидин  
Сўнг Азиз хоним десанг, хонинг сени қувлармудир.

*13 март 2001 й. Тошкент.*



Нурафшон бўлди дунёлар келиб наврўз байрамлар  
Сенинг бирлан қўришмоқлик менга байрам каби дамлар.

Соғинчим дардини яширин тутарман интизорликда  
Хабар бермасму мундин жиқ тўла кўзлардаги намлар.

Муҳаббат аҳли ичра нисбати кам учрагай дермен  
Сенингдек нозли дилбарлар, менингдек сабри маҳкамлар

Жаҳонни ёритиб ҳуснинг қуёши жилвагар бўлса  
Кулар гулшанда гуллар, юз очар гул узра шабнамлар.

Билим ва меҳр кони дилрабо устоз файзидин  
Синфни тўлдиран шогирд ўғил-қиз қалби хуррамлар.

Замона ичра иқболнинг камели барқарор бўлсин,  
Бошингдин ўргулиб шодлик, яқин ҳеч келмасин ғамлар.

Саодатманд эрур инсон Азиз умри насиб этса  
Нигори нозанинимдек вафоли ёр маҳрамлар.

**15-16 март 2001 й. Тошкент.**



Лола юзли дилдорим солма қўксима доғлар  
Кел қулиб қўнгил дашти ичра ундириб боғлар.

Мадҳин айласин булбул ҳусни гулшанинг доим  
Ҳар қачон узоқ бўлсин бошинг устидин зоғлар.

Тўтини қилур интиқ лаъли шаккар афшонинг  
Қумри уйрулиб сарв қоматингни ардоғлар.

Интизорлик ўти авж олиб туну кунлар  
Қўйдирар вужудимни мисли қоврилан ёғлар.

Малҳами висолингдир дардима даво ялғиз  
Фош бўлса рухсоринг йўқ бўлур бари доғлар.

Файзи олам ородир шафқати нигоҳингким,  
Чеҳранг офтобидин нур олур жаҳон, тоғлар.

Айлади ватан қўксим кифригинг ўқи, ёро,  
Қора сумбулинг тори бу Азиз дилин боғлар.

4-6 апрель 2001 й. Тошкент.



Бахтли эрур ҳар киши кимни севар ёри бор  
Сен сингари ёнида ёри вафодори бор.

Севги чаманзорида булбули хушхон учун  
Не хуш эрур гар эса ғунчаи беҳори бор.

Кун ўтадир лаҳзадек бўлса насиб суҳбати  
Кўнгил деган муттасил суҳбатига зори бор.

Шаҳду шакар томадир лаълини очган замон  
Қуввати исо нафас лафз ила гуфтори бор.

Жон келибон оғзима термуламан йўлига  
Яхшики жон сақлаюр оҳуйи хуммори бор.

Жабҳаи кўкни Азиз шеър ила ёрутса гар  
Ҳар сўзида оташин севгида иқрори бор.

18 декабрь 2001 й. Тошкент.



Қадду қоматда санобар нахлидир  
Шоира, шаккар забон, дил аҳлидир.

Лаъл лаблардин томар оби ҳаёт  
Кўзларининг ишваси жон қатлидир.

Қанча оғир бўлмасин қисмат тоши  
Бир кулиб боқмоғи онинг сахлидир  
(енгиллашуви)

Табъими мажнунвор, кўнглим асир  
Айлаган ҳусн ила ҳушу ақлидир.

Жон бағишлар назми олам аҳлиға  
Шеръ гулзорин сафоси нақлидир...  
(сўзлари)

Мақдамида бош эгар бир телбаваш  
Ҳайрат этманг бу Азизий шаклидир.

13 апрель 2002 й. Тошкент



Яшарман сен билан бу умр асли умри инсондир  
Жамолинг тафтидин ғам лашкари ер бирла яксондир.

Овозинг келдию гулшанда булбул нағмаси тинди  
Навосози чаман лаъли шакарборингга ҳайрондир.

Ҳаёт осмонининг нақши эси қоши ҳилолингким,  
Кўнгил мулкин ёрутмоққа юзинг хуршиди тобондир.

Уйим тўрида меҳмон бўлсанг ар аҳён-аҳёнда  
Кўнгил кўзгусида гул сувратинг доим намоёндир.

Тараҳхум айла, эй дилбар ёзиб лутфингни хонини  
Висоли май била муштоқ юрак хумморини қондир.

Аё ошиқ, муҳаббат барқию туғёнида юксал  
Бинои жаҳлни буз, зулматобод қалъасин ёндир,

Анга тобеъ эрурман ҳам бу тобеъликда мағрурмен  
Суюкли маҳвашим севги диёрида Азиз хондир.

**14-16 декабрь 2002 й. Тошкент.**



### (Бобурга ўхшатма)

Сенингсиз бир кун ўтказмак менга, эй ёр, мушқилдир.  
Неча ой бўлмоғим муштоқлик ичра зор мушқилдир.

Соғинчим ҳаддин ошди тобу-тоқатни олай қайдан  
Чидам инсон учун бунга эса бемор мушқилдир.

Қиё боққанда оҳу кўзларинг мастоналар бўлдим,  
Анинг кайфидин энди бўлмоғим ҳушёр мушқилдир.

Қаноти лат еган қуш тушда қўрғай қўкка парвозин  
Бу янглиғ уйқидин ҳам бўлмоғи бедор мушқилдир.

Қуларлар, эй қари, кўнғил берибсен ёш паривашга  
Тушунмоқ сенга бу савдони, эй, бадкор мушқулдир.

Умр сарманзилида сабр қўрғонида маҳкам бўл  
Мушибат лашкарини айламоқ тор-мор мушқилдир.

Нигоро, лутфдин ҳар дам Азизийнинг баҳраманд этгил  
Бу ғам дардини тортмоқ бўлмаса ғамхор мушқилдир.

4-5 август 2005 й. Тошкент.



Жамолинг нуридин хонам мунаввар  
Анинг ҳар тоқи зулфингдин муанбар.

Қудумингга пойандоз жону қунгил  
Қўлим қўксимда, таъзимда эгик сар.

Нигоҳинг ортидан бағримға ботгай  
Узун кифрикларинг гўёки ханжар.

Қизил гул ғунчаси – оғзинг сўзидир  
Юрак ганжинасида дурру гавҳар.

Лабинг кулгиси, оҳу кўзда ишванг  
Ҳаётим қиммати бирлан баробар.

Нураб турган иморатнинг таянчи  
Ҳазин гулшанга жонпарвар санобар.

Азизий умрига етгай ниҳоя  
Хабар олмас эсанг, эй тоза дилбар!

20-22 сентябрь 2005 й. Тошкент.



Тирик эрканлигинг ёдинг биландир  
Қадим рост сарви озодинг биландир

Халойиқ тўйу базми байрами ҳам  
Қўриниб айлаган шодинг биландир.

Қўнгил мулкени тинчу интизоми  
Ҳамиша адл ила додинг биландир.

Муҳаббат ғунчаси, ширин ниғорсен  
Чу меҳнат тоғи Фарҳодинг биландир.

Ҳаёт гулзорининг зебу ғурури  
Ниҳоли қадди шамшодинг биландир.

Азизий умрининг жамғи қувончи  
Қарамли қўнгли ободинг биландир.

**21 апрель 2006 й.Тошкент.**



Фароғат гулшани менга сенинг фикру хаёлингдир  
Кўнгил булбулларин сарманзили гулдек жамолингдир.

Олов қалбимга ёққан, ҳам кўтарган дудини кўкка  
Сабр мулкини қул-қул айлаган рухсори олингдир.

Тириклик боиси ҳар дам ширин лафзингни гулқанди  
Кўнгил тўтисининг орзуси шаккар қийлу қолингдир.

Иноят айла зулфинг мушкбўйидин димоғимға  
Муаттар айлаган оламни шу райҳон мисолингдир.

Магар бир янги ой чиқса топар кўк саҳни оролар  
Ики буржиға зевар бўлғудек икки ҳилолингдир.

Азиз иншоси ҳар дам мадҳиянг куйлашга ҳозирким,  
Алифдек қил ани, қаршингда чўккан қадди долингдир.

**30 апрель 2007 й. Тошкент.**



Юзинг қуёшила дил мулкини мунаввар эт  
Бу нурда туз чаману ҳар ерини дилбар эт.

Кунгил диёрини бору йўғи фақат сендин  
Вафо сувини бериб равчақим муқаррар эт.

Бу жон қушини ўраб тори ишқинг ўтмишдир  
Буюнда зулфларингни анга баробар эт.

Висол завқи майин қилмасин рақиблар нўш  
Кел ушбу ташна юракларга ҳам муяссар эт.

Кунгилни ўрнига қўй тош эмас вафо дуррин  
Бу меҳр гавҳарин ой сузратингга зевар эт.

Азиз, ёр ила маст ўлмоғингни истар эсанг  
Шароби ёдига фикру ҳушингни соғар эт.

**29 март 1945 й. Тошкент.**



Йўлида термулиб овораю сарсонлиғим билмас  
Висолига умид айлардаги нодонлиғим билмас.

Не янглиғ тентираб кезсам нигорим шунча бепарво  
Бу савдолар била эл оғзида дostonлиғим билмас.

Юзидин нур сочиб ўтди. Жаҳон касб этди равшанлиғ  
Бу нурдан баҳра тоғонлар менинг сўзонлиғим билмас.

Узоқ фурсат бурун ногоҳ кўзин қирри тушиб эрди  
Мунингдек зўр иноятдин ҳамон шодонлиғим билмас.

Фиғони зоғу булбул нағмасин фарқиға борғайму  
Магарким, гул юзин кўрмак тилаб нолонлиғим билмас.

Муҳаббатда қарорим қойим эркандин эмас огоҳ  
Вафо мулкида пешво, севгида имонлиғим билмас.

Ўтар умрим чекиб ҳар лаҳза афғон интизорликда  
Азизийдек чидамли, лек бир инсонлиғим билмас.

21 февраль 1996 й. Тошкент.



Жонон куйида мундоқ шайдолиғимни билмас  
Ёнида соя янглиғ пайдолиғимни билмас.

Гулшанда ғунчалардек юз очганида ногоҳ  
Қўз узмайин тикилган хоролиғимни билмас.

Айлаб вафо умидин жоҳиллиғ этдим изҳор  
Аммо жафоба собир донолиғимни билмас.

Ўтгай шитоб бирла бир зарра илтифотсиз  
Босган изига мутлақ ошнолиғимни билмас.

Тоқат либоси бирла зоҳирда кўп суфоман,  
Ботинда ишқ яроси, расволиғимни билмас.

Қамрар уни булутдек бир тўда булҳаваслар  
Абр ортида қуёшдек яктолиғимни билмас.

Хомушу маъюсона ҳолим нигорга маълум  
Лекин, Азиз, дуода бурролиғимни билмас.

8-9 январь 2000 й. Тошкент.



Нигоро, ой юзингнинг нуридин кўнглим уйин ёрит  
Анинг файзи била шум рўзғорим доғини ёрит.

Сафои марҳамат бирла ҳазин кўнглимни шод айла  
Менга изҳори лутфингдин ғанимлар кўнглини оғрит.

Куюн янглиғ кезар куйингда бу ҳижронзада телба  
Висолинг ваъдасидин ошиқи мазлуминги овит.

Фиғоним ошди кўклардин жаҳонга ларзалар солди  
Меҳр селобидин этгил бу туғён мавжини сокит.

Ёпиқдир эшикинг юзимга гўё терс иқболим  
Вале ул саждагоҳимдир магар лутф эт, магар инжит.

Умр гулбоғининг зеби санобар қоматинг ёро,  
Эрурмен анга шайдо қумри ҳам кўриқчи содиқ ит.

Бу даврон ҳукмидин гарчи Азизий пири мажруҳдир  
Сенинг ишқингни шавқи бирла руҳи ҳар қачон йигит!

21-23 январь 2000 й. Тошкент.



Ким сизни мунча ҳам ҳуш жонон қилиб яратмиш  
Оламни хуснингизга ҳайрон қилиб яратмиш.

Билмайди халқ мундоқ қоматни навниҳолин  
Сизни ягона сарви бўстон қилиб яратмиш.

Жон олғучи қиё бир боққанда кўзларингиз  
Отмоққа найзасини мужгон қилиб яратмиш.

Гул ғунчаси лабингиз, гулшан жамолингиздир  
Гулшанда зулфингизни райҳон қилиб яратмиш.

Лабларда зоҳир эрмиш пур ишва шўх табассум  
Кўзларни кўзга доим мастон қилиб яратмиш.

Дард ичрамен Азизий малҳам бўлурга ялғиз  
Чин васлингизни менга дармон қилиб яратмиш.

1943 й. Қўқон.

## МУЊДАРИЖА

|                                               |     |
|-----------------------------------------------|-----|
| МУХАММАСЛАР .....                             | 8   |
| ҒАЗАЛЛАР .....                                | 123 |
| ЧАРХИЙ ҒАЗАЛИГА АЗИЗИЙНИНГ РАДИФ ҒАЗАЛИ ..... | 178 |
| (Бобурга ўхшатма).....                        | 217 |

**АЗИЗ ҚАЮМОВ**

# **НАВОИЙГА ТАЪЗИМ**

**Муҳаррир**  
**Х. Анварова**

**Техник муҳаррир**  
**А. Анваров**

**Саҳифаловчи ва дизайнер**  
**А. Юлдашев**

Босишга 15.01.2021 йилда рухсат этилди.  
Қоғоз бичими 60x84<sub>1/32</sub>, Буюртма рақами № 4.  
Босма табағи 14. Адади 300

«Yosh kuch press matbuoti» МЧЖ да чоп этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани,  
Муқумий кўчаси, 178-уй.



**Қаюмов Азизхон Пулатович  
(1926-2018)**

Адабиётшунос, Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги (1995), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1983), филология фанлари доктори (1961). Ўрта Осиё давлат университетининг шарқ факълтетини тугатган (1949). Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида илмий ходим (1949-57), ЎзССР Министрлар Советида фан ва олий ўқув юртлари бўйича катта референт (1957-58), Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институти директори (1958-61). Ўзбекистон КП МК фан, олий ўқув юртлари ва мактаблар бўлими, сўнг фан ва маданият бўлими мудир (1961-63). Ўзбекистон Маданият вазири, вазирнинг биринчи ўринбосари (1963-64), ЎзССР Министрлар Совети ҳузуридаги Кинематография давлат комитети раиси (1964-74), А.Қодирий номидаги Давлат маданият институти ректори (1974-79), Ўзбекистон ФА Қўлғзмалар институти директори (1979-98), Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи етакчи илмий ходими (1998-2018).